

Г.Н.Наврўзова, Х.Х.Рахматова

**НАҚШБАНДИЯ ТУШУНЧАЛАРИ
ГЕНЕЗИСИ**

Бухоро 2010

Асарда Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) томонидан асосланган нақшбандия таълимотидаги тасаввуфий тушунчаларни генезиси тадқиқ этилган. Унда нақшбандия тушунчалари билан антик давр фалсафаси илк ва кейинги мумтоз тариқатларда вужудга келган асосий тушунчаларнинг ўзаро алоқадорлиги, узвийлиги, ўзаро таъсири ва фарқ этувчи томонлари илмий нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Башарият мутафаккирлари Абу Саид Абулхайр, Жалолиддин Румий ва ибн Арабийлар таълимоти билан нақшбандиянинг умумийлик ва хусусийлик жиҳатлари ўрганилган. Асар тадқиқотчилар ва тасаввуф билан қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: фалсафа фанлари доктори, профессор
Х.Алиқулов

Такризчилар: фалсафа фанлари номзоди, доцент
О.Шарипова

фалсафа фанлари номзоди
Г.Юнусова

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти

Г.Н.Наврўзова, Х.Х.Рахматова

НАҚШБАНДИЯ ТУШУНЧАЛАРИ ГЕНЕЗИСИ

Бухоро
“Бухоро” нашриёти
2010

КИРИШ

Ҳозирги кунда баркамол авлод тарбияси асосий масалалардан биридир. 2010 йилни Президентимиз “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинганликлари ҳам бунинг ёрқин далили. Баркамол авлоднинг камолот мезони юксак маънавият енгилмас куч¹ эканлиги асослаб берилди. Маънавиятни юксалтириш учун инсонни руҳияти, қалби, ички дунёси, иродаси, иймон-эътиқоди, виждонини тарбиялаш зарур. Бу масалалар тасаввуф таълимоти, хусусан нақшбандияда махсус ўрганилган ва эътибор берилган. Нақшбандия йўлини мазмун-моҳиятини очиб берувчи асосий тушунчаларни билиш, англаш, моҳиятига етиш ва улардан амалиётда фойдаланиш учун уларнинг генезиси, яъни келиб чиқишини таҳлил этиш ва яхлит, тизимли ўрганиш лозим.

Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва тариқатининг асл мазмун-моҳиятини англаш учун уни бутун тариқатлар тизимида таҳлил этиш ва барча тариқатлар билан унинг муштараклик, алоқадорлик ва ўзаро боғланишларни қиёсий ўрганиш ва ўзига хослигини очиб бериш зарур. Бунинг учун нақшбандияни дастлабки ва мумтоз тариқатлар билан қиёсий таҳлил этиш яхши самара беради. Аввало биз тариқат тушунчаси таҳлиliga эътиборни қаратсак.

Тасаввуфнинг хусусиятларидан бири, фақат назарий жиҳат билан чекланиб қолмасдан, балки тамойилларини тариқатлар йўли орқали амалий тадбиқ этишдир. «Тасаввуф» деб аталган бу таълимот амалий ҳаётда «тариқат» дейилади.

Тариқат - арабча «йўл» деган маънони билдириб, тасаввуф адабиётида «Аллоҳга яқинлашмоқ ва Унинг розилигига эришиш мақсадида юриш керак бўлган йўл» демақдир. Ушбу йўлга юрган кишига эса «солик» дейилади. Солик бу йўлда юриш давомида Аллоҳни билиб-танигунга қадар турли манзиллар ва мақомларни босиб ўтади. Тариқат тушунчасидаги йўл моддий ҳаётдаги бир манзилни бошқасига туташтирувчи маъносида эмас, руҳий камолот йўли маъносида қўлланилади. «Тариқат – Ҳақиқатни мистик билишнинг услубидир»², дейди О.Акимускин. «Тариқат – амалий услуб бўлиб, толибни тафаккур, ҳиссиёт ва амалларга йўналтиради, уни босқичма-босқич мақомлардан ўтказиб, ҳолатлар, деб

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 173 бет.

² Тариқат/Ислам. Энциклопедический словарь.-М.: Наука,1991-С.224.

номланувчи психологик тажрибалар билан илоҳий ҳақиқатга етказди”³ дейди тариқатларни исломшуносликда махсус тадқиқ этган инглиз олими Дж.С.Тримингэм. Тариқат «илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий йўли. Тариқат тасаввуфнинг амалий қисми»⁴ деган таърифлар бор. Профессор Н.Комилов тариқатга «тараққиёт йўли»⁵ деб баҳо беради. Тараққиёт йўлига кирган толиб бунга ўзини онгли равишда бағишлаб, бу жараёни тезлаштирмоқчи бўлади, ўзлигидан, нафсидан ғолиб келади. Қуръонда тариқ-йўл эканлиги(46:29/30) қайд этилган.

Тасаввуфда инсон руҳий камолотида шариатдан кейинги, маърифат ва ҳақиқатдан олдинги камолот даражаси ҳам тариқат дейилади.

Тариқатни тор доирада дин билан тенглаштирувчи фикрлар ҳам мавжуд. «Тариқат бу ислом дини, Аллоҳ таолонинг амри, Расулуллоҳ(с.а.в)нинг қадр - қиймати беқиёс, бебаҳо суннатидир. Бошқа ҳеч нарса эмас»⁶, деган фикрга қўшила олмаймиз. Чунки тасаввуф таълимотидаги тариқат тушунчаси жаннатий ва дўзахий тушунчаларидан анча юксалиб, таъмадан покланиб, Оллоҳ дийдорига етишиш, асл Ҳақиқат учун ҳаракат ва риёзат йўлидир. Шунинг учун тариқатни фақат ислом дини ва бошқа ҳеч нарса эмас, дейиш уни таъсир доирасини чегаралаш бўлади. Тариқат диний-фалсафий камолот йўлидир. Тўғри йўлнинг бошида бу ҳаракат шариат доирасида бўлади. Кейинчалик унинг даражаси юксалади. Ҳақиқат даражасига етган йўлчи учун диний, жинсий, ирқий, каставий, миллий ва бошқа чегаралар қолмайди. Унинг ҳаракати умумбашарий, умумжаҳоний доирада юксала боради. Шунинг учун тариқатни руҳий, маънавий тараққиёт йўли дейиш лозим. Бу йўл маълум чизикдаги ёки маълум доирадаги йўл бўлмай, инсон руҳини олий ҳад даражасига юксалтирадиган камолот йўлидир.

Тариқат тушунчасининг мазмуни қуйида зикр этганимиздек, тадрижий равишда ўзгарган:

1.IX-X асрларда Муҳосибий, Жунайд Бағдодий, Абу Бакр, Калободий, Абу Наср, Саррож, Суламий, Хужвирийларнинг фикрича,

³ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Пер. с англ. А.А.Ставиской. М.: Наука, 1989-С.17.

⁴ Комилов Н. Комиллик тариқати// Тафаккур-1998-1-сон.64-бет.

⁵ Комилов Н. Комиллик тариқати.Тафаккур. 1998.2-сон.61-бет.

⁶ Умар Форук. Сайдо ал Жазарий. Тасаввуф сирлари. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000. 9-бет.

тариқат асосан амалий (қисман назарий) услуб, ахлоқий, этикавий, психологик қоидалар йиғиндисидир. Бу даврда тариқат мақом ва ҳол билан боғлиқ бўлган.

2. X-XII аср ўрталарида пир, шайх, муршид ва мурид институти аввал Хуросонда вужудга келиб, кейин бутун мусулмон оламига тарқалган. Бу даврда тариқат таълим бериш мактабига айланган ва фақат махсус кишилар доирасида кенгайиб, халқ оммаси орасида тарқалган.

3. XII асрнинг охирида силсила институти тўла шаклланди ва сўфийлик тариқатлари вужудга келди⁷.

Инглиз олими Дж.Тримингэм тариқатлар вужудга келиши ва тараққиётини уч босқичга бўлиб таҳлил этган. У бу йўлнинг шахс камолоти таъсирига қараб босқичларга ажратган. Биринчи босқичда шахс Оллоҳгагина бўйсунган деб, уни хонақоҳ деб номлайди. Бу босқични у тариқатлар тараққиётининг олтин даври деб таърифлайди. У X-XII асрларни ўз ичига олади. Иккинчи босқични тариқа деб атайди. У XIII-XIV асрларга тегишли бўлиб, қоида - усулларни ишлаб чиқиш ва таълим беришга силсиланинг кириши билан характерланади. Бу босқичда шахс руҳий камолотида тасаввуф тараққиётида вужудга келган қоидаларга бўйсуниб вужудга келади. Бу даврда жамоа бўлиб экстаз ҳолатига тушиш услублари вужудга келган.

Учинчи босқични Тримингэм т о и ф а деб атайди ва уни XV асрга тўғри келишини кўрсатади. Сўфийлик бу даврда халқ ҳаракатига айланади. Тариқатлар шаклланиб, улардан янги шохалар ажралиб чиқади. Тоифада муқаддас шахсга сиғиниб кучаяди. Бу даврда жуда кўп қонун-қоидалар ишлаб чиқилдики, улар шахснинг эркин руҳий ўсишини чегаралаб қўйди. Шахс жамоа талабига мослашади ва жамоа амалиётига бўйсунди⁸. Учинчи босқичда уч ҳолат ҳам мавжуд бўлган. Биринчи босқичда шахс руҳан эркин ҳаракат қилса, учинчи босқичда шахс руҳан шайхига қарам бўлган. Бу эса руҳий қулликка ҳам олиб келган. Натижада кейинги даврда тариқатлар тараққиёти таназзулга юз тутган. Биринчи босқичдаги Пир, устоз шогирдининг руҳий камолотига ёрдам берган, уни чегараламаган бўлса, кейинги даврларда бу ҳолат ўзгарган. Биринчи босқич хусусиятини сақлаган тариқатлар камол топган.

⁷ Қаранг: Акимовский О. Тариқа / Ислам. Энциклопедический словарь. - М.: Наука, 1991 - С. 224.

⁸ См.Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. - М. Наука, 1989. – С. 90.

Тариқатлар турли хил бўлган. Усмон Турар уларнинг қуйидаги таснифларини келтиради⁹.

I. Зикрдаги ҳолатларга кўра:

1. Қиёмий тариқатлар: кўпроқ тик ҳолда зикр қилувчи тариқатлар; масалан, қодирия.

2. Қуудий тариқатлар: ўтириб зикр қиладиган тариқатлар; масалан, нақшбандия.

II. Зикрнинг бажарилишига кўра:

1. Хафий тариқатлар: овоз чиқармай яширин зикр қилувчи тариқатлар; масалан, нақшбандия.

2. Жаҳрий тариқатлар: овоз чиқариб зикр қилувчи тариқатлар; масалан, хилватия.

III. Қўллаган услубига кўра:

1. Тариқи ахёр (хайрлилар йўли): муомала арбобининг йўли бўлиб, фарз ва суннатларни, нафл намозларни адо этиш, нафл рўзалар тутиш, Қуръон ўқиш ва ҳоказо ибодатлар орқали Ҳаққа восил бўлишга асосланган.

2. Тариқи аброр (қалби софларнинг йўли): бу риёзат ва мужоҳада йўли бўлиб, шу орқали ахлоқни гўзаллаштириш, қалбни поклаш асос қилиб олинган. Риёзатдан мақсад-нафс истакларини бажармаслик, мужоҳада эса нафс истакларига қарши курашиш бўлиб, шу тарзда қалб ёмон хулқлардан тозаланиб, эзгу ахлоқ билан безанади.

3. Тариқи шутгор (ишқ ва жазба аҳлининг йўли): бу ишқ муҳаббат, жазба йўли бўлиб, бу йўлда юрган солиқ бир ҳолдан иккинчи ҳолга, бир мақомдан иккинчи мақомга ўтиш орқали маънавий сайр қилади. Шу боис бу йўлни «тариқи соирин» ҳам дейдилар. Бу йўлнинг шартинсон ўлимни ўз иродаси билан қабул қилишидир. Солиқ гўё ўлик мисол ҳамма нарсалардан воз кечиб, ҳатто ўз борлигини ҳам йўқ ҳисоблаши керак. Бу йўл «усули ашара» деган қуйидаги ўн асосга таянади: тавба, зухд, таваккул, қаноат, узлат, доимий зикр, бутун борлиғи билан Аллоҳга йўналмоқ, сабр, муроқаб ва ризо. Маломатийлар қийин бўлишга қарамай, мақсадга эришувда энг қисқа йўл бўлгани учун, шу йўлни асос қилиб олганлар¹⁰.

IV. Фикр тизимларининг ҳақ ва ботил бўлишига кўра:

1. Ҳақ (шаръий, ортодокс) тариқатлар: Ислонинг бош асосларига таянган ҳолда ташкил қилинган ва шакллланган тариқатлар; нақшбандия ва қодирия каби.

⁹ Қаранг: Турар У. Тасаввуф тарихи. Т.: Истиқлол, 1999. 62-бет.

¹⁰ Муҳаммад Али Айний. Тасаввуф тарихи. Истанбул: 1341. 193-194-бетлар; Исмоил Ҳаққий. Янги калом илми. 1-ж. Истанбул, 1339. 155-бет.

2.Ботил (ғайри шаръий) тариқатлар: Булар икки қисмдир. Биринчиси, дастлаб зухур этиб, асосчисининг фикрлари ҳақ бўлгану бироқ аста-секин турли фикр ва анъаналар таъсирида ботиллашган тариқатлар, масалан, бектошийлик. Иккинчиси, дастлаб пайдо бўлишиданоқ исломга мувофиқ келмаган тариқатлар; чунончи, хуруфийлик ва қаландарийлик.

V. Силсилаларга кўра:

1. Бакрия ёки сиддиқия: силсиласи ҳазрати Абу Бакрга тақаладиган;

2. Умария ёки форуқия: силсиласи ҳазрати Умарга тақалувчи;

3. Усмония: силсиласи ҳазрати Усмонга тақаладиган;

4.Алавия: силсиласи ҳазрати Алига бориб тақаладиган тариқатлар.

VI. Тасаввуфий қарашларига кўра. Тасаввуфдан мақсад-тавҳидга эришмоқ бўлиб, мутасаввифларга кўра, тавҳидга элтувчи йўл-фанони амалга ошириш. Аммо мутасаввифлар «тавҳид» ва «фано» тушунчаларига кўра уч қисмга бўлинадилар.

1. Қудусия. Ўз қасду иродасини Аллоҳнинг иродасида фоний қилганларга айтилади. Бу тоифа сўфийларнинг Аллоҳдан бошқа бирон мақсадлари йўқ, шу боис, улар Аллоҳ нимани мурод қилган бўлса, уни ирода қиладилар, унинг амридан асло четга чиқмайдилар. Бу тоифанинг йўли юқорида қайд этилган «ахёр» йўлидир. Дастлабки сўфий ва зоҳидлар мазкур йўлни танлаганлар. Буларнинг мақомига «фано фил қусуд» дейилади. Бу сўфийлар Аллоҳ билан бирга ўз борлиқларини ва ибодатларини идрок этадилар. Яъни доимо «сахв» ҳолидадирлар. Измирлик Исмоил Ҳаққий бу йўл пайғамбарларнинг, саҳобаларининг ва авлиёнинг йўли эканлиги ҳамда Исломнинг зоҳир ва ботинини ташкил этишини таъкидлаган.

2. Шухудия. Ҳар нарсада ва ҳар ишда Аллоҳни мушоҳада этувчиларга «шухудия» дейилади. Бу тоифа сўфийларнинг Аллоҳга бандалик қилишлари ва муҳаббатлари шу даражага келганки, Аллоҳга бўлган иштиёқларидан на ибодатларининг, на муҳаббатларини фарқига борадилар. Улар фақат Аллоҳни ўйлайдилар. Ҳар нарсада Аллоҳни мушоҳада этадилар. Бу мартабага «фано фиш-шухуд» дейилади. Бу мартабада Аллоҳ-банда, Аллоҳ бошқа яратиклар каби иккилик муносабатига аҳамият берилади. Шунингдек, сўфий Аллоҳга бўлган муҳаббати туфайли, Ундан бошқа бирор борлиққа (мосивога) аҳамият бермайди. «Аброр» йўлидаги сўфийларнинг ҳоли шудир.

3. Вужудия. Аллоҳдан бошқа бирон борлиқни тан олмайдиган сўфийларга «вужудия» дейилади. Мартабасига эса «фано

филвужуд» дейилади. Бу мақомда сўфий назарида, олам Ҳақнинг тажаллиси, шуун (нури) ва атворидан иборат, мустақил борлиғи йўқдир. Сўфийлар назарида «тавҳид»нинг энг баланд мартабаси ҳам шу.

Қодирия тариқати асосчиси Абдулқодир Гийлоний ўзининг “Сиррул асрор” асарининг 23 фасли – “Тасаввуф аҳли хусусида” ёзиб тариқатларни 2 гуруҳга бўлади:

1. Суннийлар.
2. Бидъат аҳли.

Аввалги гуруҳ – суннийлар. Бу тоифа сўзда, амалда, шариат ва унинг маъноси бўлган тариқатда тамоман қоимдир. Уларни “аҳли суннат вал-жамоат” таъбири билан аталади.

Таъкидланганлардан ташқари бўлган (жамъи тоифа)лар иккинчи гуруҳга оиддир ва уларга нисбатан “бидъат аҳли” дея таъбир қўлланилади. Уларнинг жумласи шундай сираланади: ҳулулия, ҳолия, авлиёия, шамурония, хуббия, ҳурия, ибоҳия, мутақосима, мутажоҳила, воқифия, илҳомия. Ушбу саналган тоифалар ҳақида бироз тўхталсак:

- Хулулия. Булар дейдики, гўё чиройли бадан ва гўзал чеҳрага қарамоқ, қиздир-эркакдир барибир, ҳалолдир. Рақсга ҳам тушадилар. Аёл-эркак ким бўлса ҳам, марҳами бўлмаса ҳам, мубоҳ эканлигига даъво қиладилар. Бу даъволар тўғридан-тўғри қуфрдир.

- Ҳолия. Булар ҳам рақсни ва ноғора чалишни ҳалол эканлигини айтадилар. Яна шайхнинг шундай бир ҳоли борки, шариат бундан баҳс эта олмаслигини даъво қиладилар. Бу сўзлар эса том маънода бидъатдир. Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларига уйғун эмас.

- Авлиёия. Булар даъво қиладиларки, гўё банда валоят даражасига етишса ундан диний ҳукмлар кўтарилади; яна, валий пайғамбардан устундир. Бунга сабаб қилиб, пайғамбарга илм Жаброил (а.с.) воситаси ила келди, валийнинг илми воситасиздир, дейдилар. Бундай таъвиллари уларнинг хатоси ҳисобланади ва шу туфайли ҳалок бўладилар. Бундай эътироз уларни йиқитиб, кейин шерикларидек тўғри қуфрга етаклайди.

- Шамурония. Булар айтадиларки, гўё суҳбат қадимдир ва суҳбат қилувчидан (шаръий) ҳукм ва таъқиқлар масаласи кўтарилади. Даф, танбур ва бошқа асбоблар чалмоқни, ўйинчилик асбобларини ҳалол ҳисоблайдилар. (Ораларида) аёллар борми-йўқми аҳамиятсиз, фарқ этишмайди. Булар қуфр келтирувчи тоифа бўлиб, дамлари (муסיқа овозлари) ҳам мубоҳдир.

- Хуббия. Булар айтадиларки, гўё бандаси мухаббат холига етишгач, диний (шаръий) ҳукмлар улардан кўтарилади. Одоб (ва аврат) жойларини беркитмайдилар.

- Ҳурия. Булар ҳам ҳолиячилар кабидир. Фақат, хурлар билан қовушганларини даъво қиладилар. Ва ўзларича (раксдан сўнг) хушларига келгач, ғусл қиладилар. Шу ҳоллари билан ёлғон сўзлайдилар. (Улар ҳам) ҳалок бўлгувчилардир.

- Ибоҳия. Булар яхши амалларга амр, ёмонларидан қайтариш (амру маъруф ва наҳй мункар)ни тарк қиладилар. Ҳаромни ҳалол ҳисоблайдилар, аёлларни мубоҳ биладилар.

- Мутақосима. Бу тоифа меҳнат қилмайди. Эшикма-эшик юриб, тиланадилар. Гўёки, шу зоҳирий ҳоллари билан дунёни тарк қилганликларига ишонадилар. Шунинг учун ҳам ҳалокатга учрамоқдалар.

- Мутажоҳила. Булар эса фосиқ кишиларга хос либослар киядилар. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло: “Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас” (Ҳуд: 113) дея амр этган; жаноби пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам “Қай бир жамоага ўхшашга ҳаракат қилувчи, ўшалардандир” дея, марҳамат қилганлар.

- Вофиқия. Бу жамоа “Аллоҳ, фақат Аллоҳ билади” дейдилар ва маърифат йўлини тутмайдилар (яъни, илм олмайдилар). Шу жаҳолатлари туфайли ҳалокатга учрайдилар.

- Илҳомия. Бу тоифа (ҳам) илм ўрганмайди. (Ҳатто) дарс ўқимоқчи бўлган ёшларга таъқиқлар кўйишади. Ҳукамо (шоиру донишмандлар) сўзларига тобеъдирлар. Айтадиларки, “Қуръон бизга пардадир. Тариқатнинг Қуръони шеърдир.” Шу эътиқодда Қуръонни тарк этадилар, фарзандларига ҳам фақат шеър ўргатадилар, ўқилиши лозим бўлган дуо ва бу каби бошқа амалларни қилдирмайдилар. Шу туфайли улар (ҳам) ҳалокатга учрагувчилардир.¹¹

Баъзи мутасаввифлар, маънавий даражаларига кўра мусулмонларни Аллоҳ наздида даражасига қараб тасниф этганлар. Масалан, Мавлоно Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида сўфийларни қуйидагича тартибга солган:

1. Асҳоби вусул (Аллоҳга восил бўлганлар-етишганлар)

а) Машойихи сўфия (иршод билан вазифадор муршидлар)

¹¹ Қаранг: Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. /Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат-изоҳлар муаллифи О.Жўрабоев. – Т.: Моварауннаҳр, 2005. 145-148 – бетлар.

б) Фанофиллоҳга эришганлар (иршод билан вазифадор бўлмаган валийлар.)

2. Аҳли сулук:

а) Олий мақсадга толиб бўлган ва Аллоҳнинг зотиға талабгорлар, булар икки қисм: мутасаввифлар, маломатийлар.

б) Жаннат ва охират неъматларини хоҳловчилар, булар эса тўрт қисмга бўлинганлар: зоҳидлар, фақирлар, ходимлар ва обидлар.¹²

Манбалар таҳлили тариқатларни яна қуйидаги иккита катта гуруҳга бўлинишидан далолат беради:

1. Дастлабки тариқатлар.

2. Мумтоз тариқатлар.

Дастлабки тариқатлар ҳақида Хужвирий “Кашфул маҳжуб” китобида маълумот берган. У ўз даврида 12 тариқат борлигини ёзган ва улардан 10 тасини ҳақ, 2 тасини ботил деб кўрсатган.¹³(Қаранг: 1-Илова). Биринчи вужудга келган бу тариқатлар кейинги мумтоз тариқатлар учун асос бўлиб, уларнинг шаклланишига ёрдам берган. Нақшбандия тариқатига ҳам илк тариқатларнинг таъсири бор.

Манбалар таҳлили, хусусан Хожа Аҳроп Валий асарлари ва рашҳаларининг таҳлили нақшбандия таълимотидаги асосий ғоя ва тушунчаларни шаклланишида йирик мутафаккир ва мутасаввифлар Абу Саид Абул Хайр, Жалолиддин Румий, Ибн Арабийларнинг ҳам ўрни борлигини кўрсатди. Ушбу рашҳаларда илк маротаба тасаввуфий тушунчалар ўзаро алоқадорликда таҳлил этилган.

¹² Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 35-62-бетлар.

¹³ Хужвирий, Кашфул маҳжуб./С.Улуғдоғ нашрга тайёрлаган. Истанбул, 1982. 281-294-бетлар.

ДАСТЛАБКИ СЎФИЙ ТАРИҚАТЛАР

№	Тариқат номи	Асосчиси	Асосий тушунчалар	Тариқат сифати
1	Муҳосибия	Ҳорис Муҳосибий (857м.й.в.э.)	Муҳосаба, ризо	Ҳақ
2	Қассория	Ҳамдун Қассор (884м.й.в.э.)	Сидқ, холислик	Ҳақ
3	Тайфурия	Абу Язид Тайфур ал Боязид Бистамий (848 м.й.в.э.)	Сакр- хушсизлик, фано	Ҳақ
4	Жунайдия	Жунайд Бағдодий (909 м.й.в.э.)	Тамкин, сукр- хушёрлик, бақо	Ҳақ
5	Нурия	Абул Ҳусайн Нурий (907 м.й.в.э.)	Сухбат, исор	Ҳақ
6	Саҳлия	Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (896м.й.в.э.)	Нафс билан мужоҳада, риёзат ва чилла	Ҳақ
7	Ҳакимия	Ҳаким Термизий (898м.й.в.э.)	Валийлик ва тамкин, истиқомат	Ҳақ
8	Харрозия	Абу Саид Харроз (890 м.й.в.э.)	Фано ва бақо	Ҳақ
9	Ҳафифия	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳафиф (982 м.й.в.э.)	Ғайбат ва ҳузур	Ҳақ
10	Сайёрия	Абу Аббос Сайёрий (х.IV-аср.в.э.)	Жамъ ва фарқ (тафрика)	Ҳақ
11	Ҳалложия	Форис исмли бир шахс	Ҳулул ва таносуҳ	Ботил
12	Ҳулмония	Абу Ҳулмон Дамашқий	Ҳулул, имтизож ва руҳларнинг таносуҳи	Ботил

I БОБ.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ – БАРКАМОЛЛИК АСОСИ

Инсон камолотининг асосий мезонларидан бири уни ўзлигини англашидир. Дельфадаги Апполон ибодатхонасининг деворларига ўйиб ёзилган ва анъана бўйича етти юнон донишмандларидан бири – Хилонга тегишли деб ҳисобланган “Ўзлигингни англа!” шиори қадимги антик давр фалсафасидан ҳозирги кунгача файласуфлар учун ўзак масала бўлиб келмоқда. Эрамиздан аввалги V асрда Протагор, “инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир”, деган фикрни илгари сурган бўлса, Сукрот учун “ўзлигингни англа” ҳикмати донишмандликнинг қоидасига айланди.

Цицерон, “Фалсафа Фалесдан бошланади, у биринчи эди”, деб таъкидлаган. Етти донишманднинг етакчиси бўлган Фалес, “Энг қийин нарса нима?”, деган саволга “Ўзни англаш”,¹⁴ деб жавоб берган. Файласуф Хилон, “Ўзингни билгил ва сен Худоларни ва коинотни билиб оласан”,¹⁵ деган.

Инсон руҳий қувватининг рамзига айланган Сукрот шундай деган: “Ким ўзини билса, унинг учун нима фойдали эканлигини билади, худди шунингдек нимага қодир ва қодир эмаслигини тушунади. Биладиган нарсалари билан шуғулланиб, у ўз эҳтиёжларини қондиради ва бахтиёр яшайди, билмаган нарсаларига қўл урмай, хатоларга йўл қўймайди ва бахтсизликларни четлаб ўтади. Шу туфайли, у, шунингдек бошқа одамларнинг баҳосини ҳам билади ва уларга таяниб, фойда олади ва ўзини бебахтликлардан сақлайди.”¹⁶

Исломда ҳам “Ким ўзлигини таниса, Роббини танийди” деган ҳадис мавжуд. Тасаввуф таълимоти “Худшуноси, худошуноси аст”, яъни “Ўзликни таниш, англаш, Худони танишдир” деган тамойилга асосланади. “Оллоҳни англашдан аввал ўзликни англамоқ жоиз”, - дейди Ғаззолий. Шунингдек у, “Афсуски, фақат инсонгина ўз ҳақида ҳақиқий билимга эга эмас. Биз ўзимизни фақат сиртдан – у ёки бу қилмишимиз ва ташқи қиёфамиз орқали биламиз. Руҳий моҳиятимизни билишга уринмаймиз” деб таъкидланган. Башарият мутафаккири Жалолиддин Румий “кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил”, деб инсонни ўзлигини англашга чақирган.

Ўзликни билишнинг моҳияти нима? Масалан, ручка. Уни қўлга олиб ўрганиб, нимага лозимлигини биламиз. Уни жойи ошхонада,

¹⁴ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Т.: Янги аср авлоди, 2007. 10-бет.

¹⁵ Сержило тафаккур дурдоналаридан. Т.: Наврўз, 2003. 29-бет.

¹⁶ Ўша асар. 62-бет.

пичоқ-қошиқлар ёнида эмас, столимиз устида қоғоз-қаламларимиз билан эканлигини ақлимиз олади. Ундан илм таҳсили, иш давомида ёзиш жараёни учун фойдаланамиз. Ручка ўз ўрнида турса, ўринли фойдаланилса, ўз қадр-қимматини топади. Кераксиз жойда бўлса у оёқ остиларига юриб, болалар кўлига тушиб, девор, эшик-ромларда ортиқча кераксиз чизиқларни пайдо қилади. Инсон ҳам ўзини кимлиги, нима учун бу дунёга келганлиги, ўз имкониятларини билса, ўз қадр-қимматига муносиб иш қилади, манзил-макон топади, ўзгаларга фойдали ва керакли бўлади.

Инсонни ўз-ўзини таниши, англаши, энг аввало инсон зотининг моҳиятини билишидир. Бу инсон маънавияти, шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси орқали намоён бўлади. Ўз-ўзини англаш инсонга ҳаётининг маъно-мазмуни, мақсадини тушунишга ёрдам беради. Инсон, энг аввало “Мен кимман?”, “Бу ёруғ дунёга нима учун келдим?”, “Менга ато этилган буюк неъмат-ҳаётимни нималарга сафарбар этмоғим лозим?” деган саволларга жавоб излаб, ўз-ўзини англаши ва жамиятда ўз ўрнини топиши лозим.

Ҳазрат Алишер Навоий, “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмасам”, “Ўз вужудингни тафаккур айлагил, ҳар на истарсен ўзингдан истағил”, каби ўғитлари билан инсонни ўзлигини англашга чорлаган.

Ўз-ўзини англаш жараёнининг аввалида инсон ўзини ҳайвон эмас, ўсимлик эмас, тош-кесак, жонсиз маъдан эмас, балки Ҳазрати инсон эканлигини англаши лозим. Фалесдан “Энг гўзал нарса нима?”, деб сўраганларида, у “Одам, чунки у Тангрининг маҳсули”, деб жавоб берган. Демак, инсон бутун мавжудотлар ичида энг гўзали экан, чунки Тангри уни ўзига монанд қилиб, мукамаллик даражасида яратган.

Одам ҳайвонот олаmidан онги, тафаккур қила олиши, нутқи, меҳнат қилиш ва меҳнат қуролларини ярата олиши, ижод қудрати билан ажралиб туради. Инсонни инсонлиги, унинг ҳайвондан туб фарқи айни ўз-ўзини англашдадир, яъни ўзини кимлиги ёки нималиги, нималарга ва қандай ишларга қодирлигини била олишидан бошланади.

Ўз-ўзини англаш жараёнида инсон ўзини бутун борликдан ажратиб, унга “ўзга кўз” билан, четдан қарайди, ўз қилаётган ҳар бир иши, ўтказган ҳар бир дамани сарҳисоб қилади. Ўз-ўзини англаш жараёнида инсон ўз қадр-қимматини билади, унда ўзига ишонч ҳосил бўлади, характери шаклланади. Инсон ўз-ўзини англаса фаол бўлади, чунки у “ўз ўрнида” бўлади.

Ўз-ўзини англаш жараёнида билиш объекти ҳам, субъекти ҳам инсоннинг ўзи бўлади. Инсон ўз-ўзини англаш жараёнини қуйидаги шакллари мавжуд:

Биринчи, дастлабки шакли – ўз-ўзини ҳис қилиш, яъни киши ўзини, ўз жисмини қуршаб турган дунёдаги предметлар, ҳодисалардан фарқини билади.

Иккинчи шакли – одам жамиятдаги ўз ўрни, бу жамият аъзоси, аниқ фаолият эгаси, маълум ижтимоий гуруҳга мансублигини билишдир.

Учинчи, юқори шакли – ўзини фуқаро сифатида англаши, ўз ишлари учун масъулликни ҳис қилиши, ўз фаолиятини назорат қилиши, ўз-ўзига баҳо бера оладиган, ўз-ўзига ҳисоб бера оладиган шахс даражасига етишидир.

Ўз-ўзини нотўғри англаш инсонни, бир томондан, ўзига ортиқча баҳолаш ва кибру ҳавога берилишига олиб келса, иккинчи томондан, ўзига паст баҳолаш-ўзидаги иқтидор, истеъдодни очолмай, фаоллиги етарли бўлмасликка, пассив, умидсиз, инқироз ҳолатига туширади. Бу икки ҳолат ҳам инсон камолотига ёмон таъсир этади. Шунинг учун Ҳазрат Алишер Навоий айтган эдилар:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,

То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.

То зулму ситам жонига бедод ўлмас,

Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Инсонда ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини назорат этиш, ўз-ўзидан ҳисоб олиш мунтазам давом этадиган жараён бўлганида инсон меъёрда яшайди. Чунки “одами нусхаи жомиъа турур, ондоғким, малакий сифатлари бор турур ва сабъий ва баҳимий сифатлардан ҳам холий эрмастур.”¹⁷ Хожа Аҳрор Валий бу иборалари билан инсонда ҳам малакий, фаришталарга хос сифатлар мавжуд, шу билан бирга йиртқич ва бошқа тўрт оёқли ҳайвонлар каби нафс иллатлари ҳам борлигини таъкидлаб, инсонни “нусхаи жамиъ”, яъни борликдаги бор нарсаларни ўзида жамъ этган нусха демоқдалар.

Президент И.Каримов инсонларни Раҳмон йўли билан бориб, ҳалол пок яшаётган, ва нафсу ҳаво қурбони бўлган Шайтон измида бўлганлар деб, икки тоифага бўлиб, таҳлил этганлар.¹⁸

Ўзликни англаган одамда меҳр, муҳаббат, мурувват, саховат кучли бўлади. Хожа Аҳрор Валий шундай байтни ўқиган эканлар:

¹⁷ Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот: (Оби Ҳаёт томчилари). – Табдил ва сўнгсўз муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. 344-бет.

¹⁸ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 22-23-бетлар.

*Одами дийд асту боқий нўст аст,
Дийд он бошад, ки дийди дўст аст.*¹⁹

Мазмуни:

*Одамий, яъни ҳақиқий инсон кўздир, бошқаси ҳаммаси нўстдир,
Кўз агар дўст кўзи бўлса, шундагина кўз бўлади.*

Хожа Аҳрор бу билан инсон қалби оинаси бўлган кўздан фақат бутун борлиққа дўстона назар, меҳр-муҳаббат порлаб турсагина, ҳақиқий инсон номига уйғун бўлади, дейди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, баркамол авлод – ўзини англаган, ўз кадр-қиммати, ҳаёт мазмунини, жамиятдаги ўрнини билган ва шунга муносиб амал қиладиган фаол шахсдир. У бирор нафасини ҳам беҳудага сарфламайди, чунки у умрини шу нафаслардан иборатлигини билади. Унинг ҳамсухбати яхши одамлар бўлади, чунки ёмон ҳамсухбат умрни, вақтни нобуд этиши, беҳуда сарфлаш эканлигини англайди. Ўзини англаган инсон барча борлиқ, мавжудлик, хусусан бошқа инсонларни ҳам кадру-қийматини билади, чунки уларнинг ҳар бири унинг бахтиёр яшаши учун лозимлигини тушунади. Ўзини англаган инсон ҳақиқий бахтиёрдир. Чунки у ҳирсу ҳавас, нафсу ҳаво, зулму ситамдан пок. Ўзини англаган инсон севимлидир. Чунки у барчани севади, меҳр-муҳаббат билан назар қилади, бу эса унга нисбатан бошқаларда ҳам шундай пок, гўзал туйғуни уйғотади.

Ҳозирги кун фалсафаси инсон муаммосига махсус эътибор бермоқда. Хожа Аҳрор Валий нақшбандия таълимотини жаҳоний даражага кўтарган мутафаккир сифатида маълум ва машҳурдир. Унинг асарларида инсон, инсонийлик ва инсоний ҳақиқат тушунчаларига махсус эътибор берилган. Бу тушунча айниқса унинг асосий асари “Фикроти Аҳрория”да ёритилган. “Фикроти Аҳрория” “Фақароту-л-орифийн”²⁰ номи билан ҳам маълум.

Хожа Аҳрор ўз асарида инсонийлик тушунчасини кўп ишлатади. У “инсонийликнинг энг катта мақсади зоҳирни ёмонликлардан халос қилиш, буйруқларга итоат қилиш ҳамда ботинни ўй-фикрлардан тозалашдир, токи дилга Ҳақнинг салтанати тажаллий

¹⁹ Рашаҳот. 390-бет.

²⁰ Бобохонов Ш., Мансур А. Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Т.: Мовароуннаҳр, 1993. 24-25 – бетлар.

қилсин, дилни ғайрнинг шууридан озод айласин”²¹ деб, Фикроти Аҳрорияни “башарият алоқаларидаги ифлосликлардан дил ва бадан тозаланишига сабаб бўлсин” мақсадида ёзганлигини таъкид этади.

Иқтибослар таҳлили кўрсатадики, Хожа Аҳрор инсонни зоҳир ва ботинни уйғунлигидан иборат деб қарамоқда. Инсон зоҳири унинг ташқи кўриниши, шакли бўлиб, унинг ёмонликлари инсон ботини, қалбига таъсир этади. Ботин инсоннинг ички олами, мазмун-моҳияти, уни ҳиссий органлар билан билиш қийин, тафаккур ва интуиция билан англаш мумкин. Ботинни ўй-фикр ва кераксиз боғланишлардан тозалаш зоҳирни гўзал, нурли қилади. Инсон зоҳири – юзи, муомаласи, ўтириб-туриши ботиний ҳолатига боғлиқдир. Хожа Аҳрор зоҳирни бадан ва ботинни дил, қалб деб, уларни поклаш инсонни инсоний сифатни олишига ва инсонийлик ҳолатида бўлишига ёрдам беради деган. Демак, ҳақиқий инсон зоҳиран ва ботинан пок, бадан ва қалби тозадир. Бу мазмунда Хожаи Жаҳон номи билан машҳур хожагон тариқати асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳам шундай ёзганлар:

*Покиза хисол боши андар ҳама ҳол,
Ки аз хислати покиза шавад аҳли камол.
Беҳтар зи ризогии Ҳақ чи ёбад банда?
Рози аст Худо зи марди покиза хисол.*

Мазмуни:

*Барча ҳолларда покиза хислатли бўлгин,
Чунки камол аҳли покиза хислат ила бўлади.
Банда учун Ҳақ розилигидан яхшироқ нима бор?
Худо покиза хислатли Марддан розидир.*

Хожа Аҳрор инсонларни уч тоифага бўлади: 1.Мардлар. 2.Инсонийлик сифатидаги инсонлар. 3.Инсонийлиги бўлмаганлар – ҳайвонлар. Бу маънода у шундай ёзади: “Эй, Инсон. Ҳаракат қил, токи инсонийлик мартабасидан ўтгайсан ва мардлик мақомига етгайсан. Сен Инсон киму Мард кимлигини билмоғинг керак. Билгинки, инсон “Жоҳаду фийно (“Бизнинг йўлимизда жидду жаҳд айлаган”) майдонида “Ло” (йўқ) тиғини қўлга олган мубориздир. У Аллоҳнинг душманлари нафс ва шайтон билан бирга жангга киришган. Мард эса тавҳид тиғи ила ғайрнинг бошини олган ғозийдир. У жангу жадал

²¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 51 – бет.

қилишдан фориғ бўлгандир. Бул иккисидан бошқа яна бир тоифа борки, уларни чорполар қаторидан санаса ҳам бўлади.”²² Демак, Хожа Аҳрор инсоний даражадаги инсонлар деганда нафси ёмонлиги ва шайтон васвасасига қарши жидду жаҳд билан курашадиган одамларни тушунган. Мардлар эса инсонийлик мақомидан юксалиб, нафс ёмонликларидан тўла ғалаба қозониб, зоҳирий ва ботиний қувватларини ўз тасарруфига олган хос кишилардир. Нафс қули ва шайтон ўйинчоғи бўлганлар шаклан одам зотига ўхшасалар ҳам, уларни мазмун – моҳиятан Хожа Аҳрор чорполар яъни ҳайвонлар деб, Аъроф сураси, 179 ояти – “Улар (кофирлар, мушриклар) ҳайвонлар кабидирлар, балки ҳайвонлардан ҳам бадтардирлар”–ни асос қилиб келтиради.

Хожа Аҳрор Валий бу маънони “Жавомиъ ул-калим” номи билан аталувчи охират учун зарурий калималар – ҳикматли сўзлар мажмуасида ҳам баён этган. У ёзади: “Кишилар уч тоифадурлар: Авлиёки, ботинлари зоҳирларидан яхшидир. Уламоки, зоҳирлари ва ботинлари баробардир. Жоҳилларки, зоҳирлари ботинларидан яхшидир”.²³ Бу калима билан юқоридаги ғояни таққосласак, авлиёларни мардлар билан бир дейди. Тасаввуф аҳли кўпинча авлиёларни мард ёки эранлар деганлар. Айтиш лозимки бу тушунча инсон жинсига нисбатан эмас, инсонийликни ботинда нақадар юксаклигига ишоратдир. Уламолар деганда зоҳир ва ботини уйғун, мос, яъни инсоний сифатли, ўз нафсини таниб, унга қарши тура оладиган кишилар тушунилмоқда. Жоҳиллар зоҳири инсон зотига ўхшаш, шунинг учун яхши, лекин ботинан ҳайвон сифатидаги кишилардир.

Хожа Аҳрор мардларга яна шундай таъриф берган: “Мардлик улдурки ҳар ким санга ёмонлик қилса, ўрнига яхшилик қил! Ва ҳар ким сендан узулса, ёпишғил! Ва ҳар ким сени ноумид қилса, анга эҳсон қил!”²⁴ Кўриниб турибдики, мардлар илоҳий сифатлар билан безанган ва барчага эзгулик қилишга қодир бўлган кишилардир.

Хожа Аҳрор фикрича, инсон инсонийлик даражасида бўлиши учун ғафлатга қолмаслиги, нафс ва шайтондан огоҳ бўлиши лозим. Хожа Аҳрор: “Ғафлат уйқудандир ва уйқу сувдан ва сув (кўб) таомдин. Ҳар кимки, кам еса ҳозир бўлғай ва ҳар кимки кўб еса ғофил бўлғай”²⁵, деб таом емакка доир қатор қуйидаги ўғитларни айтганлар:

²² Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя. /Табаррук рисоалар. 60 – бет.

²³ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Жавомиъ ул-калим. /Табаррук рисоалар. 330 – бет.

²⁴ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Жавомиъ ул-калим. /Табаррук рисоалар. 330 – бет.

²⁵ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Жавомиъ ул-калим. /Табаррук рисоалар. 340 – бет.

- Меъда таомни жойидур. Ҳар нимаеки анга юборсанг, агар халол бўлса тоатга қувватдур. Ва агар шубҳали бўлса Ҳақ йўлин санга беркитур. Ва агар ҳаром бўлса, маъсият туғор.

- Таомни андоғ егилки, сан ани егайсан, на ул сани егай. Агар сан они есанг ҳаммаси нур бўлур ва агар ул сани еса ҳаммаси зулмат бўлур.

Сўфийларни “нафси ўлик, қалби тирик” деб таърифлаганлар. Хожа Аҳрор ҳам нафсга шундай таърифлар берган: “Ҳар нарса то тирикдур тозадур. Вақтеки ўлса, нопок бўлур, магар нафски тирик бўлса, нопокдур ва ўлса покдур”, “Ҳақ субҳонаҳу ва таоло буюрурки, “Ва аъриз анил-жоҳилийн”, яъни юз ўгиргил нодонлардин. Нафс нодонларнинг нодонроғидир, керакдурки, андин юз ўгирсанг ва хилофин олсанг”.²⁶ Инсон ҳақиқий инсоний, аслига уйғун бўлиши учун нафсини ёмонликларини англаши, унга қарши туриш лозим.

Хожа Аҳрор инсонийлик ҳақиқати деган масалага махсус эътибор беради. У – “Инсонийлик ҳақиқати Ҳақ субҳонаҳудан бошқага муҳаббат ва майл аралашмаларидан холи бўлиш”²⁷-эканлигини ёзади. Хожа Аҳрор муҳаббат ва майл инсонда Ҳақга ҳам ғайрга ҳам бўлиши мумкин деб, ғайрнинг зотига ибодат қилиш ғайрга муҳаббат ва майл эканлигига ва ғайрга мансуб бўлиш ва ҳойу ҳавас этагини ушлашлигини таъкид этади. Хожа Аҳрор буни Қуръони Каримдаги Жосия сураси, 23 оят – “Эй Муҳаммад (с.а.в.)! Ҳойу-ҳавасини, орзу-ҳавасини илоҳ қилиб олган кимсани кўрдингиз-ми? У била туриб (Аллоҳга эмас, ўз нафсининг орзусига қул бўлгани учун ҳам) Аллоҳ уни залолатга қолдиради!” асосида изоҳлайди.

Нафс истаги ейиш, кийиш, зеб-зийнат, шахват, мол-дунё кабиларга меъёридан ортиқ боғланиш инсонни тубанлаштиради. У мол-дунё, мансаб, нафс истаклари учун ҳайвоний ҳолатга тушади. “Ҳақиқий мақсад одамзот Ҳақдан бошқага гирифтор бўлишдан халос бўлсин”, “инсонийлик ҳақиқати Ҳақ субҳонаҳудан бошқага гирифтор бўлишдан озод бўлиш”²⁸ эканлигини Хожа Аҳрор таъкид этади.

Хожа Аҳрорнинг бу таърифларидан маълум бўладики, у инсонни илоҳий сифатли мавжудот дейди ва шунинг учун ҳам илоҳийликка уйғун ҳаракатни унга мос деб ҳисоблайди. Илоҳий сифатли инсон бутун борлиқни Ҳақ назари билан кўради ва уни эъзозлайди. Бундай инсонни назари баланд, ўзи жуда юксак мартабада бўлади.

²⁶ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Жавомий ул-калим. /Табаррук рисоалар. 341 – бет.

²⁷ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. 66 – бет.

²⁸ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. 66 – бет.

Хожа Аҳрор икки асари “Рисолаи Ҳавроийя” (“Ҳурлар ҳақидаги рисола”) ва “Фикроти Аҳрория”да ҳам инсонга нисбатан қуйидаги рубоийни келтиради:

Эй нусхаи номаи илоҳи, ки туи,
Эй оинаи Жамоли Шоҳи, ки туи.
Берун зи ту нест, ҳар чи дар олам ҳаст,
Дар худ биталаб ,ҳар он чи хоҳи, ки туи.²⁹

Мазмуни:

Илоҳий номанинг нусхаси сенсан,
Шоҳ (Ҳақ) Жамолининг кўзгуси сенсан.
Нимаики оламда бўлса, сендан ташқарида эмас,
Нимани истасанг, ташқирдан эмас ўзингдан изла ўша сенсан.

Шунингдек Хожа Аҳрор шу мазмундаги “Ман арафа нафсаҳу фақод арафа Роббаҳу” (“Кимки ўз нафсини таниса, бас у (шундан сўнг) ўз Роббисини танигай” ҳадисини ҳам келтиради.

Хожа Аҳрор инсонийлик ҳақиқатига эришиш учун саъй-ҳаракат, ҳиммат ва вақтга эътиборни зарур, деб ҳисоблаганлар. “Кунларни беҳуда ўтказмаслик керак. Умрни шундай нарсага сарф қилмоқ лозимки, сендан мақсад шул бўлсин. Сенинг камолинг ўшандадир”³⁰ деб, у ҳар бир инсон ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятини, ўз истеъдодини таниши ва жамиятда ўз ўрнини топа олиши лозимлигини уқтиради.

Хожа Аҳрор инсон тана ва руҳдан иборатлиги ва “руҳнинг жасадга гирифтор бўлиши” инсон ҳақиқати эканлигини айтади. Руҳ танага кирганида муқаддас, илоҳий оламда бўлмаган нарсалар унда ҳосил бўлади. Чунки тананинг талабларини нафс акс эттира бошлайди ва турли ҳижоб, парда, боғланишлар пайдо бўлади. Натижада инсон ўз-ўзини англаб, саъй-ҳаракат қилмаса тубанлашиб, залолатга тушиши мумкин.

Инсоний ҳақиқатни Хожа Аҳрор валийларга таяниб, қалб ва руҳ билан боғлайди. Қалб илоҳий ишқу муҳаббатга гирифтор бўлиши лозим дейди. “Маънавий давлат шулки, ўз дилингни шалоғили кавнайдан холи қилмоғингдир”,³¹ яъни қалб икки дунё боғланишларидан фориғ бўлиши лозим, дейди Хожа Аҳрор. У “Қалб ул-мўъмин Аршуллоҳил аъзам” – “Мўъмин банданинг қалби Аршуллоҳдан ҳам аъзам”дир ҳадисини келтиради.

²⁹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Ҳавроийя. /Табаррук рисоалар. 374 – бет.

³⁰ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя. /Табаррук рисоалар. 120-121 – бетлар.

³¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя. /Табаррук рисоалар. 130 – бет.

Хожа Аҳрор қалбни поклашга эътиборни қаратиб шундай ўғит беради: “Ўзингни фаррош сингари тутмоқ керак. Дилни кавний тааллуқотлар хасу хашагидан тозаламоқ даркор.”³² Хожа Аҳрор фаррошнинг супургиси деб - зикр яъни Ҳақни эслаш эканлигини уқтиради ва шу маънода ёзади:

Зикр гў, зикр то туро жон аст,
Зиндагийи дил ба зикри Яздон аст.
Чун ту фоний шави зи зикр ба зикр,
Зикри хуфияки, гуфтаанд он аст.³³

Мазмуни:

Зикр айт, зикр, то танангга жонинг бор,
Қалб тириклиги Яздон-худо зикри биландир.
Сен зикрдан зикргача фоний бўлсанг,
Хуфия зикр айтганлари шудир.

Хожа Аҳрор фикрича, дил – қалб Ҳаққа огоҳ бўлиш шарафига мушарраф бўлса, дилда ҳеч нарсага ўрин қолмайди у ғафлатдан уйғонади. Огоҳлик ҳақиқийликка далилдир, деб Хожа Аҳрор: “Ҳақиқий саодат мана шу огоҳликдан бошқача бўлмайди”,³⁴ деган ғояни таъкид этади. Бу саодатга эса инсонни Хожа Аҳрор фикрича хожагон-нақшбандия таълимоти муяссар қилиши мумкиндир.

Хожа Аҳрор ғоялари Баҳоуддин Нақшбанднинг куйидаги ғоялари билан уйғундир:

Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам холи,
Ки ғайратро намешояд дар ин хилватсаро будан.

Мазмуни:

Ғайрат қилиб, дил уйини ғайр (мосиво)дан тозаладим,
Чунки бу хилват саройида ўзга муносиб эмас.

Хожа Аҳрор шундай айтганлар: “То кўнгулни дунё ва уқбо муҳаббатидан тозаламасанг, Ҳазрати Худованди Каримга маҳал бўлмайду. Зероки, экилган ерга экиб бўлмас ва битилган қоғозга битиб бўлмас.”³⁵ Қалб бошқа нарсаларга боғланса, Хожа Аҳрор уни экилган ер ёки битилган қоғоз каби демоқда. У қалбни асосий

³² Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя. /Табаррук рисоалар. 138 – бет.

³³ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя. /Табаррук рисоалар. 133 – бет.

³⁴ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя. /Табаррук рисоалар. 134 – бет.

³⁵ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Жавомеъул калим. /Табаррук рисоалар. 347 – бет.

вазифаси Ҳақни маҳали – манзил-макони, тажаллий этадиган кўзгуси бўлиши лозим демоқда.

Хожа Аҳрор инсонга турли таърифлар берган. У бир жойда шундай айтади: “Дунёдаги бор нарсаларнинг улуғроғи зоҳирга қараганда одамзоддир. Ва хорроғи кучукдур. Хирадмандлар иттифоқи бирла Ҳақ танигувчи кучук Ҳақни танимаган одамзоддан яхшироқдур”³⁶ Хожа Аҳрорнинг бу фикри қуйидагиларга уйғундир:

Писари Нуҳ бо бадан биншаст,
Хонадони нубувваташ гум шуд.
Саги асҳоби Каҳф рўзе чанд,
Паи некон гирифтум мардум шуд.

Мазмуни:

Нуҳнинг ўғли ёмонлар билан бўлди,
Натижада пайғамбарлик хонадонини йўқотди.
Каҳф асҳоби ити неча муддат,
Яхшилар билан бўлиб, жаннатий бўлди.

Хожа Аҳрор инсоний ҳақиқатни топишда хотиранинг махсус ўрни борлигига эътибор берган. Инсон камолотида хотиранинг ўрни катта. Тасаввуф аҳли бу масалага махсус эътибор берганлар. Хожагон таълимоти асосчиси Хожаи Жаҳон номи билан машҳур Абдулҳолиқ Ғиждувоний тариқатига киритган ёдқард (хотирга келтириш, эслаш), бозгашт (қайтиш, қайтадан қилинган амалларни эслаб таҳлил этиш), нигоҳдошт (хотира мувоқабаси, хотирани сақлаш), ёддошт (хотирани тўхтатиш) каби тамойиллар инсон хотирасини мустаҳкамлаш ва асл зарурий нарсаларни ёдда сақлашга қаратилган. Хожагон тариқатининг йирик намояндаси Ҳазрат Азизон номи билан машҳур Хожа Али Рометаний ўзининг “Рисолаи Азизон” асарида инсон камолоти учун зарур бўлган ўн шартдан бири хотирани сақлаш деб ёзади. У инсон хотирасини нафсоний, шайтоний, малакий, раҳмоний бўлишини таъкидлаб, инсон ёмон хотира – шайтоний, нафсонийни ўчириб, йўқотишга ҳаракат қилиши ва малакий, раҳмоний хотирани сақлашга интилиши лозим деб таъкид этади.

Хожагон таълимотидаги ғоялар асосида вужудга келган нақшбандияда ҳам бу тамойиллар тўла қабул қилинди. Нақшбандия таълимотининг йирик вакилларида бири Хожа Аҳрор Валий ҳам асарларида ёдқард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддоштни батафсил таҳлил этган. У ўзининг “Анфоси нафийса” (“Нафис нафаслар”, “Нозик

³⁶ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Жавомеъул калим. /Табаррук рисоалар. 346 – бет.

„латиф иборалар, фикрлар”) рисоласида инсон бор ғайратини Ҳақ – Худони “Ҳар вақт ,балки ҳар лаҳза ёдда сақлашга сарф этиши”³⁷ зарур дейди. Буни Хожа Аҳрор маърифатни ҳосил бўлиши учун асосий сабаблардан бири сифатида “Рисолаи волидия” асарида ҳам кўрсатади.

Хожа Аҳрор Валий инсонни яралишидан мақсад маърифатли бўлиши деб ҳисоблайди. У Қуръони Каримдаги Ва-з-Зориёт сурасининг 56-ояти: “Мен жинлар ва одамларни ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим”дан мурод маърифатдир деб айтади. “Маърифат эса фақат ботиний амал”³⁸ деб таъкид этади.

Хожа Аҳрор инсон деганда инсонийлик ҳақиқатини англашга эътиборни қаратиши масаласини кўтарган алломадир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хожа Аҳрор Валийнинг инсон, инсонийлик, инсон ҳақиқати ғоялари, инсон фалсафасининг долзарб масалаларини ичига олади. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- У инсон фалсафасида инсон тушунчаси шакли ва мазмун уйғунлиги, ўзаро боғлиқлигини айтган бўлса ҳам, моҳият масаласига асосий эътиборини қаратган. Шунинг учун у асосан инсонийлик тушунчаси билан ўз фикрини баён этган.
- У инсонийликни инсоннинг илоҳийлик даражасидаги зоҳир ва ботинан покланишидир, яъни ўз асли билан уйғунлигидир деб тушунган.
- У инсонни моҳиятига қараб мард, инсон ва ҳайвон даражасидаги уч тоифага бўлади.
- У инсонийлик ҳақиқати деганда ҳақиқий бандалик, яъни фақат Ҳақ, асл билан боғланиб, ўшанга мос уйғун яшашни тушунган.
- У инсоний ҳақиқат учун инсон муҳаббат ва майл – ихтиёри тўла илоҳий бўлишини зарур деган.
- У инсонийлик ҳақиқатга етишда нафс тарбияси, қалб тасфиясининг ўрни муҳимлигини таъкидлаган.
- У инсонийлик ҳақиқатини англаш учун тор доирадаги, нафсоний боғланишларни узиб, бутун оламни илоҳий неъмат сифатида қадрлаш даражаси ва ҳолатига етиш лозим деб ҳисоблайди.

³⁷ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи “Анфоси нафийса.” /Табаррук рисоалар. /Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004. 38 – бет.

³⁸ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидийа. /Табаррук рисоалар. 27 – бет.

- У инсоний ҳақиқатга етиш учун саъй-ҳаракат, ҳиммат, вақт қадрини билиш, руҳ камолоти ва қалб поклиги, хотира ва огоҳликни муҳим деб таъкид этади.
- Хожа Аҳрор Валийнинг инсоний ҳақиқат ҳақидаги ғоясини ҳозирги кунда комил инсон тарбияси жараёнида қўллаш яхши самара беради.

II БОБ. НАҚШБАНДИЯ ВА ИЛҚ СЎФИЙ ТАРИҚАТЛАРИ

1. НАҚШБАНДИЯ ВА МУҲОСИБИЯ

Муҳосибия дастлабки тариқатлардан бўлиб, Муҳосибий томонидан асосланган. Абу Али ал-Ҳарис б. Асад ал-Анази Муҳосибий (тах. 781-857) – суфийлик таълимотининг биринчи назариётчиларидан бўлиб, Басра шаҳрида туғилган. Ҳадис ва фикҳ илмини Йазид б. Харун (821 йил ваф.) ва Абз Исҳоқ ал Курашидан ўрганган. Ёшликда Бағдодга кўчиб келиб, бу ерда мустақил илм ўрганишни давом эттирган. Ҳаёти шу ерда ўтгани учун уни суфийликнинг Бағдод мактабига мансуб деб айтадилар.

Муҳосибий сўфийлик “психологияси” (илм ал-қулуб ва-л-хатарот)нинг асосий қоидаларини асослаган. Унинг фикрича инсон камолоти учун, ўз-ўзини камолотга етказишда мувожаба – ўз-ўзини кузатиш ва мувожаба – ўз-ўзини назорат этиш асосий қурол бўлиб хизмат этади. Шунинг учун ҳам унга Муҳосибий номи берилган. Чунки муҳосибий – ўз-ўзини назорат этувчи, ўз-ўзига ҳисобот берувчи маъносини англатади. Муҳосибий фикрича, назорат этиш объекти энг аввало ният ва қалб ҳаракати (хатарот) бўлиши лозим, чунки улар инсонни ҳатту-ҳаракатини белгилайдилар. Ҳақ йўлидан борувчининг йўлида турли хавф-хатар ва алдовлар учрайди. Баъзилар дунё шон-шуҳратидан фойдаланмоқчи бўладилар. Бунга улар ташқи томондан ўзларини художўй қилиб кўрсатиб эришадилар. Буни Муҳосибий риё ва кибр деб атади ва уларга ният ва амалдаги сидқ ва ихлос фазилатларини қарама-қарши туришини таъкид этди. Инсон атрофдагиларнинг у Ҳақдаги фикрига ишонмаслиги лозим, чунки фақат унинг ўзигина уни ҳаракатга келтираётган асл мотивларни билади. Имонли киши ўзини Тангрининг ҳақиқий бандаси деб ҳисоблаб, дунёвий боғланишлардан узилган бўлиши лозим. Чунки бу инсонга ҳар бир ҳаракатини илоҳий ирода асосида амалга оширишга ва фақат Оллоҳ ризолигини талаб этадиган бўлишга ёрдам беради. Илоҳий ҳуқуқларга тўғри риоят этиш учун инсонга ақл берилган. Муҳосибий ақлни тоат ва ақлсизликни маъсият деб баҳо беради.

Муҳосибий 30 асар муаллифидир. Унинг қуйидаги асарлари маълум ва машҳурдир:

1. Китаб ар-раъийат ли-ҳуқуқ Аллах.
2. Китаб ат-таваҳҳум.

3. Китаб ал-баъс ва-н-нушур.
4. Китаб ал-васая.
5. Фаҳм ал-Қуръан.

Муҳосибий сўфийликнинг Бағдод мактабини асослаб жуда кўп кишини тарбиялади. У Жунайд Бағдодийнинг ҳам устозидир.³⁹

Ҳужвирий “Кашф ал-махжуб” асарининг биринчи бўлими 11-бобига “Абу Абдуллоҳ ал-Ҳорис ибн Асад ал Муҳосибий” номини бериб, у ҳақида маълумотлар беради. Унинг фикрича Муҳосибий ўз давридаги барча уламолар томонидан тан олинган. Унинг “Раъият ли-хуқуқ Аллоҳ” – “Оллоҳ олдидаги вазифаларни бажариш” асари сўфийликни тамойиллари ҳақидадир. “Муҳосибий ўз даврида Бағдоднинг биринчи шайхи эди,”⁴⁰ – деб ёзади Ҳужвирий.

Ҳужвирий Муҳосибийни қуйидаги фикрини келтиради: “Кимга қалбининг яширин ҳаракати таниш, у танани ҳаракат қилдириб амал қила оладиган кишидин афзалдир.” Илм бу камолот, илм бу илоҳий сифатдир, дейди Муҳосибий “Бир онлик тафаккур олтмиш йиллик ибодатдан афзал”, деб Муҳосибий қалб ҳаракати, маънавий, руҳий, тафаккурий ҳаракатни жисмоний ҳаракатдан афзал ва устун деб ҳисоблайди. Шунинг учун “Донишманднинг уйқуси, нодоннинг бедорлигидан афзал” деб айтадилар. Чунки доно киши қалби доим Тангри билан, демакки танаси ҳам у билан боғлангандир. Асарда шунингдек Муҳосибийни “Ёки илоҳий бўл, ёким ҳеч ким бўл” деган фикри келтирилган. Яъни Илоҳий иродага бўйсуниб, покиза бўл, бўлмаса сени одам зотига мансуб дейиш хато.⁴¹

Ҳужвирий “Кашф ал-махжуб” асарининг биринчи бўлими 14-бобида дастлабки суфий тариқатларининг таълимотларини таҳлил этган. Биринчи сўфий тариқати сифатида муҳосибияни тилга олган ва бу таълимотга хос бўлган томонларни кўрсатган.⁴² Унинг фикрича, муҳосибийлар Абу Абдуллоҳ Хорис ибн Асад Муҳосибийнинг давомчиларидир.

Муҳосибия тариқатига хос бўлган асосий эътиқод **ризо ва муҳосаба**дир.

РИЗО - розилик, хушнудлик, мамнунлик. Тасаввуфда Оллоҳ ҳукми ва иродасига тўла таслим бўлиш. Зуннун Мисрийга кўра, "Ризо

³⁹ Қаранг: Кныш А. Ал-Мухосибии. Ислам. Энциклопедический словарь. Москва: Наука, 1991.182-183-бетлар.

⁴⁰ Али ибн Усман аль-Джулаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль кулуб). /Перевод с английского А.Орлова, Изд. Перв. – Москва: Единство, 2004. 107-108-бетлар.

⁴¹ Қаранг: Ўша асар. Ўша жойда.

⁴² Қаранг: “Кашф ал-махжуб”. 176-182-бетлар.

- қайғу ва қадарнинг аччиқлигини қалб севинчи ила қаршиламоқ". Рувайм бин Аҳмад ал-Бағдодий эса ризони инсонга қисмат этилмиш балолардан лаззатланиш истейдоди, дея таърифлайди. Мавлоно Фузулий:

Ё Раб, балойи ишқ ила қил ошно мани,
Бир дам балойи ишқдан этма жудо мани,

деганида, бу - ўткинчи дунё ҳирсу ҳавасларидан кўнгилни бутунлай поклашни назарда тутган эди. Зеро, Жунайд Бағдодий қайд этганидек: "Ризо - қалбларда восил бўлган илмнинг мустаҳкам ва саҳиҳ бўлишидир. Қалб илмнинг ҳақиқатига юзлангач, илм уни ризога йўналтирар".

Ризо масаласида сўфийлар хилма-хил фикр ва мулоҳазалар билдирганлар. Қушайрий шундай деган: "Ироқлик сўфийлар билан хуросонлик маломатийлар ризо ҳолми ёки мақомми деган масалада мунозарага киришдилар. Хуросонликлар дедиларки, ризо - мақомлар жумласидандир, таваккулнинг ниҳояти эрур. Бунинг маъноси, ризо - қулнинг ҳаракати ва интилиши билан эришиладиган нарсалар тоифасидан демак. Ироқликлар эса бундай дейдилар: "Ризо - ҳолларга мансуб. Қул бунга меҳнат, машаққат билан етиша олмас. Аслида, ризо дастлаб қулнинг интилиши ила қўлга киритилар. Ушбу ҳолатга кўра, у мақомлардан бири ҳисобланар, натижа эътибори ила эса ризо ҳоллар тоифасига кирар, шунинг учун у қозониладиган бир нарса эмасдир".

Ризо тушунчасининг асосчиси Ҳорис Муҳосибни шундай айтади: "Ризо – илоҳий тақдир амри билан бўладиган воқеалар вақтида қалбнинг сокинлиги, хотиржамлиги илоҳий лутф билан бўлади. Ризо Илоҳий муҳаббат натижасидир, чунки ҳақиқий ошиқ маъшук томонидан бериладиган барча ишдан розидир." Хужвирий "Ризо мақомларнинг охири ва ҳолнинг бошидир деб таъриф беради."⁴³ Лекин Муҳосибни ризони ҳол деб белгилаган, чунки унга фақат Илоҳий лутф билан эришилади.

Ризо ҳақида Хужвирий ўз асарида ёзадики, у икки хил бўлади:

1. Тангрининг инсондан розилиги.
2. Инсоннинг тангридан розилиги.

⁴³ Кашф ал-махжуб. 181-бет.

Тангрининг инсондан розилиги, инсоннинг ҳар бир эзгу иши учун ажру барака бериш ва унга алоҳида кароматга ўхшаш файзлар лутф этишида кўринади.

Инсоннинг Тангридан розилиги у томонидан Илоҳий амрларни бажаришида намоён бўлади. Тангрининг инсондан розилиги, инсонни Тангридан розилигидан олдин келади. Чунки фақат илоҳий марҳамат билан инсон Тангри амрларини бажара олади. Инсон розилиги тақдир зарбаларидан норози бўлмаслик, унга боғлиқ бўлмаган ишларга руҳнинг истиқомати-устуворлиги, Тангри қаҳри ва лутфини бир хил қабул этиш, тангри томонидан нима берилса рози бўлишдир. Шунинг учун ҳам ризо қалбни поклайди.

Ризо ахлоқ нуқтаи назардан шундай ҳолатки, барча нарса Тангри тасарруфида эканлигига ва Тангри барча ҳолатда уни қўллашига ишончдир. Ризо ҳолатидаги инсонлар хотиржам бўладилар. Уларни тўрт хили бор:

1. Илоҳий ажр ва маърифатдан рози бўлганлар.
2. Бу дунёда берилган неъматлардан рози бўлганлар.
3. Бандага синов сифатида бериладиган балоларга рози бўлганлар.
4. Оллоҳ томонидан танланганлиги ва бу илоҳий муҳаббат самараси эканлигидан рози бўлганлар.⁴⁴

Ким ҳадяга кўзини тикиб, унга Ҳадя бераётгандан кўзини олса, у неъматни йўқотади, шунинг учун ризо ҳадя берувчидандир.

Мурсали ҳаёт тарзи ҳақида мутасаввифлар, инчунин Ғавсул Аъзам – Буюк Сақловчи, Пири Дастгир номлари билан машҳур Абдулқодир Гийлоний (1078-1167) ҳам тафаккур қилиб, бунёдкор ғояларини ёзиб қолдирган. У киши ҳам ризо тушунчаси ҳақида фикр юритган ва у ҳам нақшбандия ғояларига таъсир этган.

Биз Абдулқодир Гийлонийнинг “Фатҳур Раббоний вал-Файзур Раҳмоний”, яъни “Раббонийлик ва Раҳмоний файзни фатҳи” асари асосида буюк мутасаввифни ризо ҳақидаги ғояларига тўхталмоқчи эдик. Ғавсул Аъзамнинг бу асари Тошкентдаги “Мовароуннаҳр” нашриётидан 2005 йилда биринчи томи, 2006 йилда иккинчи томи самарқандлик уламо аҳлидан Муҳаммаджон Нуриддин, Олимхон Юсуф, Аброр Абдулазим, Абдулбоқи Азимлар таржимасида “Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш” номи билан нашр этилди. Бу китоб олтмиш саккиз мажлисдан иборат бўлиб, таржимонлар эллик мажлисини чоп этганлар.

⁴⁴ Қаранг: Кашф ал-махжуб. 177-бет.

Бутун тасаввуф аҳли каби Ғавсул Аъзам борлиқни илоҳий моҳиятга эга эканлигини ва у жуда ҳам мукаммалликда яратилганлигини тан олади. Шунинг учун борлиқдаги мукаммаллик, мутаносибликка мос, уйғун ҳаракат тўғри, эзгу, яхши иш деб қаралган. Ғавсул Аъзам ўз асарларида бутун илоҳий моҳиятга мос мувофиқ яшашни борлиқдаги барча тизим ва структураларни ўзаро уйғун яшаши деб англайди.

Ўз асарларида Гийлоний мувофиқ, уйғун, муроса, рози каби тушунчаларни тез-тез ишлатади. “Солиҳ бандалар Унинг ҳузурида ихлос билан тавба қилиб собит турадилар. Қазои қадарга ўзингиз учун ҳам, бошқалар учун ҳам мувофиқ бўлинглар. Азизлику хорлик, бойлику фақирлик, саломатлигу касаллик ва яхши-ёмон нарсаларда Ундан рози бўлинглар”⁴⁵ деб ёзади Ғавсул Аъзам. Бу иқтибос унинг норозилик гуноҳни келтириб чиқаришини ва инсон ундан қайтиб, тавба қилиб рози бўлиб, борлиққа уйғун, муроса билан ҳаракат қилиши зарурлиги, бунинг учун қазои қадарга мувофиқ бўлиш кераклиги нуқтаи назарини ёритади.

Дарҳақиқат, инсон ўз-ўзини яхши англаса, ўзига берилган имкон, ақл-идрок, фаҳм-фаросат, интилиш ва лаёқатни сезса жамиятдаги ўрни ва ўз вазифасини билади ва шунга мос ҳаракат қилади. Розилик муросаю мадорани, у бўлса хотиржамлик ва сокинликни келтириб чиқаради. Норозилик, ўзига мос бўлмаган нарса ва ҳодисаларга интилиш муросасизлик, низо, жанжал, урушни келтириб чиқаради ва инсонлар ҳаловати бузилади. Ўз-ўзини англамаслик, билмаслик ва муросасизлик инсонга турли изтиробларни ва бу изтироблар ёмон ҳис-туйғулар: ғазаб, нафрат, ҳасад, жаҳл, рашқ, умидсизлик, кибру ҳаволарни уйғотиб, инсонни ўз нафсининг қурбонига айлантиради. Шунинг учун Ғавсул Аъзам ёзади: “Аллоҳ таоло тортишувчи ва жанжалкаш билан дўст бўлмайди. Балки у гўзал хулқли, зоҳири ва ботини хотиржам, тўғри, софдил кишига ҳамроҳдир. Қадарга рози бўлган ҳар бир кишига Аллоҳ таолонинг ҳамроҳлиги доимий бўлади”⁴⁶.

Ғавсул Аъзам Аллоҳга мувофиқ бўлишга, унинг сизга ва бошқаларга нисбатан феълларига рози бўлишга чақиради. Аллоҳга мувофиқлик деганда у тор доирадаги боғланишлардан узилиб, энг олий ҳаддаги умумборлиқ миқёсидаги зотга боғланиш ва бутун

⁴⁵ Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва Раҳмоний файзни қозониш. Биринчи китоб. /Масъул муҳаррир Тўлқин Ийсо ўғли. Т.:Мовароуннаҳр, 2005. 43-бет.

⁴⁶ Ўша асар. 45 - бет

борлиққа юқоридан назар қилиб, меҳр-муҳаббатли бўлишни тушунади. Инсонлар кўпинча ўз мансаблари, мавқелари, одамларнинг уларни ҳурмат-иззат қилиши, пул, мол-дунё, оила-фарзанд ва бошқаларга боғланиб, тор доирада ўйлайдилар. Оллоҳга мувофиқлик ёки унга боғланиш бутун миллатларни бу зот яратгани, барча динлар, уларнинг пайғамбар, валий, муқаддас китоблари унинг изни билан бўлганлигини англашга ва уларни ҳурмат қилишга, улар ҳам яшаш ва мавжудлик ҳуқуқига эга бўлишини тушунишга олиб келиб, тинч-тотувлик, бағрикенгликка асос бўлади.

Ғавсул Аъзам бутун борлиққа мувофиқлик билан ҳаракатга хилоф ишни нафс деб айтади. Дарҳақиқат, инсон тана ва руҳнинг уйғунлигидан иборат. Тана истаклари нафсни туғдиради. Уларни меъёрдан ортиши баднафслик, бахиллик, жоҳиллик, зулм, хиёнат, мунофиқлик, риёкорликка сабаб бўлади. Абдулқодир Гийлоний “Агар нажот истасанг, Раббинг азза ва жаллага мувофиқ бўлиш орқали нафсингга хилоф иш тут. Унинг тоатига мувофиқ бўлиб, осий бўлишдан сақлан”⁴⁷, дейди. Бу билан бутун борлиқ доирасидаги илоҳий мувофиқлик инсонни имонлилик ва бандалик каби улуғ мақомга етказиб, эзгу ишдир. Нафсга мувофиқлик эса тор доирада ўйлаш, номутаносублик, номукамалликка олиб келади ва исён ва осийликка сабаб бўлиб, инсонни тубанлаштиради деган ғояни илгари суради.

Ғавсул Аъзам бутун махлуқотни уч турга бўлади: фаришта, шайтон, инс. “Фаришта бутунлай яхши, шайтон бутунлай ёмон. Инсда эса яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам аралаш. Агар яхшилик ғолиб келса, фаришта кўшилади, агар ёмонлик ғолиб келса шайтон билан танишади”⁴⁸, деб ёзади Гийлоний.

Ғавсул Аъзам “Машғуллик ила фориғлик” шиор билан бутун ҳолатда Оллоҳдан огоҳ бўлишга, яъни ҳар бир амални бутун борлиқ учун эзгу бўлишига эътибор бериб қилишга чақиради. У бирор иш билан машғуллик сизни асдан фориғ этмаслиги лозим дейди. Сиз мансаб, пул, мол-дунёга машғул бўлиб, ёлғон, макр-хийла, омонатга хиёнат қилганингизда Раҳмонни унутиб, шайтон йўлига ўтасиз. Бу эса номақбул ҳаракатлигини Ғавсул Аъзам таъкидлайди.

Ғавсул Аъзам ўз асарида “Одамларга муросою мадора қилиш ҳам садақадир” деган ҳадисни келтириб, сахий бўлишга, Оллоҳнинг сизга қилган икромидан уларни ҳам баҳраманд этишга чақиради. Одамларга меҳрибонлик ва юмшоқлик туфайли инсон хулқи илоҳий

⁴⁷ Ўша асар. 91 – бет.

⁴⁸ Ўша асар. Иккинчи китоб. Т.: Мовароуннаҳр. 2006. 124-бет.

сифатни эгаллаши ва натижада инсон илоҳий моҳиятга мувофиқ бўла олишини буюк мутасаввиф таъкидлайди.

“Мувофиқлик муҳаббат шартларидандир. Муҳолифлик эса душманлик шартларидандир”⁴⁹, деб, Ғавсул Аъзам тақдирдан рози бўлишга чақиради.

Ғавсул Аъзам инсоннинг зоҳирини ботинига, дилини тилига, амалини илмига мувофиқ, уйғун бўлиши лозим деб, риё, мунофиқлик, сохталикдан инсонларни сақлаш лозим дейди.

Мутасаввиф мувофиқ, уйғун, муросадан чекинганда, гуноҳ юкларидан кутулиш учун тавба қилишни тавсия беради.

Ҳужвирий ҳақ деб кўрсатган Ҳорис Муҳосибий асослаган муҳосибия тариқати учун ризо тушунчаси асосий бўлиб, нақшбандия тариқати уни тўла қабул этган. Нақшбандия тариқати асосида турган 11 умдатнинг 6-чиси “Бозгашт” бўлиб, унга асосан бу йўлдаги шахс ҳар бир қилган амалини таҳлил этиб, поклаб, “Тангрим, менинг мақсудим сен ва сенинг ризолигингни тилайман” деб ибодат этади. У тавба ва шукр орқали Ҳаққа ўз ризолигини изҳор этади.

“Бозгашт” тамойилини тариқатга Абдулҳолиқ Ғиждувоний киритган. Бу кўрсатадики нақшбандия таълимотидаги ризо ғоясининг шаклланишида хожагон тариқатининг ҳам ўрни бор. Хожагон тариқатидаги ризо ғоясининг шаклланишида эса муҳосибия тариқати таъсири бор. Абдулҳолиқ Ғиждувоний бу маънода шундай ёзган:

Покиза хисол боши андар ҳама ҳол,
Ки аз хислати покиза шавад аҳли камол.
Беҳтар зи ризогии Ҳақ чи ёбад банда?
Рози аст худо зи марди покиза хисол.⁵⁰

Мазмуни:

Барча ҳолатда покиза хислатли бўл,
Чунки камол аҳли покиза хислат ила бўлади.
Банда Ҳақ ризолигидан яхшироқ нимани топа олади?
Покиза хислатли эр кишидан Худо ҳам розидир.

Хожаи Жаҳон бу мисралар орқали ризо мақоми поклик даражаси эканлигини ва Оллоҳ покиза хислатлидан розилигини қайд этмоқда.

Шунингдек бу ғояларни давом эттириб, хожагон тариқатининг тўртинчи пири Хожа Али Ромитаний ҳам ўз “Рисолаи Азизон” асарида

⁴⁹ Ўша асар. 100 – бет.

⁵⁰ Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Васиятнома қўлёзма. 17 б – варақ.

Ҳаққа етишнинг ўн шартларидан еттинчисини ризо деб кўрсатган. Манбада бу ҳақда шундай ёзилган: “Еттинчи шарт – Оллоҳ Таоло ҳукмига ризо бўлиш. Таваккул ва тафвиз – бутун ишларни Оллоҳга топшириш ҳам шулардандир.”⁵¹ Бу ерда ризо мақоми - таваккул ва тафвиз мақомлари билан уйғун, мувофиқ ва боғланишда эканлиги қайд этилмоқда. Дарҳақиқат ризо бўлган одамгина таваккул қила олади.

Ризо шартида Ҳазрат Азизон инсон ўзини меъёрда сақлаши, хотиржам бўлиши, таназзулга тушмаслиги учун хавф-қўрқув ва рижо-умид мақомлари орасида бўлишини тавсия беради. Яъни инсон доимо ҳар бир қилган амалини назорат этиб туриши, гуноҳ қилишдан қўрқиши, яхши, хайр ишнинг баракаси фойзига умид қилиши лозим. Ризо шарти инсонни ҳақиқий банда мақомига етказди. Бундан маълум бўладики, муҳосибиядан ризо мақоми тасаввуфий тариқатларга, бир томондан таваккул ва тафвизни, бошқа томондан, хавф ва рижо мақомларини вужудга келишига сабаб бўлган.

Ризо ҳақидаги таълимотни шаклланишида Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Муҳаммад Бобойи Самосийнинг ҳам ўз ўрни бор. Бу ҳақда манбаларда қуйидаги маълумот берилади: Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад Бобойи Самосийни хизматларига бориб, уйлари ёнидаги масжидда туни билан ибодат қилиб, бошини саждага қўйиб, кучли ҳожатмандлик илтижоси билан тилидан: “Илоҳо, бало ва кулфатнинг юкини кўтара олиш ва муҳаббатнинг меҳнатини торта олиш қувватини менга арзон тут”, деган сўз ўтди. Тонг отгач, Баҳоуддин Ҳазрати Хожа Бобойи Самосий ҳузурига кирди. У киши шундай дедилар: “Эй фарзанд, дуода: “Илоҳо, Сенинг улуғ ризоинг нима ишда бўлса бу бандани ўша ишга мубтало эт!” демоқ лозимдир, чунки Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз ҳикмати билан ўз дўстига муҳаббат балосини юборади ва ўз инояти билан ўша юкни тортишни ўз дўстига ато қилади.”⁵² Бу иборалар Нақшбандия тариқатидаги ризо ғоясининг шаклланишида асослардан бири бўлиб хизмат қилган.

Ризо инсонни тамкин, уйғунлик, мувофиқлик, мураса ва мадорага олиб келувчи зарурий ҳолатдир. У инсонлар орасида хотиржамлик, сокинлик, барқарор муносабатни олиб келади. Жамоа ҳаётининг барқарорлиги шартларидан бири ризодир. Баҳоуддин Нақшбанд бу ғояларни ривожлантириб айтган эдиларки,

⁵¹ Наврўзова Г. Ҳазрат Азизон камолотга етишнинг ўн шarti хусусида. Бухоро: 2007. 32-бет.

⁵² Қаранг: Баҳоуддин Балогардон. 24-бет.

“То дар ин хирқаем мо,
Ҳам наранжем, ҳам наранжонем”⁵³

Мазмуни:

“Биз шу хирқа-дарвешлик кийимида эканмиз,
Бировдан ранжимаймиз ҳам ва бировни ранжитмаймиз ҳам.”

Ризо тушунчаси мураса фалсафасининг ҳам муҳим таркибий категориясидир. Мустақиллик даврида фалсафа фани мазмун-моҳияти жиҳатдан тубдан ўзгарди. Синфийлик, қарама-қаршилик нуқтаи назарлар жойини мураса, тадрижийлик каби инсониятга тинч-тотув, хотиржам ҳаётӣ тарзни таъминловчи тушунчалар эгаллай бошлади. Лекин ҳали мураса фалсафасини ҳар жиҳатдан ўрганиш талаб этилади. Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида қуйидагиларга эътибор бериш керак деб, бешта масалани кўрсатдилар. Бешинчи масала юзасидан И.Каримов юртимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида тотувликни, фуқаролараро аҳилликни кўз қорачиғидай асраш яқин ва узоқ кўшнилари билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш, жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик муҳитини янада кучайтириш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши даркор деб таъкидладилар. Шунинг учун ҳам бу вазифани амалга оширишга ёрдам берадиган таълимотларни ўрганишни давримиз тақозо этади.

Ризо мақоми тинчлик ва осудаликнинг ҳам асосидир. Халқимиз азалдан тинч-осуда, хотиржам, муросаю-мадорада, ўзаро уйғунлик ва мувофиқликда яшашни истайди ва шунга ҳамиша ҳаракат қилади. Бундай тамойиллар асосида яшаш бағрикенглик турмуш тарзидир. Лекин тинч-осудалик жойини уруш-жанжал, муросаю мадоранинг ўрнини муросасизлик ва зиддият, ўзаро уйғунлик ва мувофиқликни эса низо ва келишмовчилик эгаллаб туриш ҳоллари кўп учрайди. Инсонлар рози бўлиб, сокин, ботамкин яшашга муносиб бўлганлари ҳолда кўпинча норози, изтиробда, беҳаловат яшайдилар. Натижада бағрикенглик жойини бағриторлик эгаллайди.

Инсон зотининг бағри, кўкси, қалбида бутун олам сиға оладиган бўлатуриб, арзимайдиган нарса учун жисму жонини азобга қўяди. Ахир инсон зотига беҳудага қуйидаги таъриф берилмаган:

⁵³ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1983. 97-бет.

Гар ба сурат олами асгар туи,
Лек ба маъни олами акбар туи.

Мазмуни:

Суратинг, зоҳиран кичик олам бўлсанг-да,
Лекин маъно жихатидан, ботинан буюк оламсан.

Антик давр файласуфларидан тасаввуф намояндаларигача инсон бутун борлиқ ичида кичик зарра, микроолам бўлса-да, лекин маъно жихатидан макроолам эканлигини тавсифу тадқиқ этганлар.

Инсон ўз моҳиятига уйғун рози ҳолатда амал қилса бахтли яшайди, лекин унга номувофиқ, норизо бўлса изтироблар занжирида ўралашади. Инсон ўз-ўзини англамай, изтироблар гирдобига қолишига сабаблар нима? Инсон ўз-ўзини, моҳиятини, ҳаётдаги ўрнини, умр мазмунини англаб, тақдирга рози бўлиб яшаса сокин, хотиржам бўлади. Лекин маълум тор доирадаги нарсаларга боғланса, умрини фоний ўткинчи нарсаларга қурбон қилиш мумкин. Инсон тана ва руҳи учун озуқа бўлган нарсаларга меъёрида боғланиши мумкин. Меъёридан ортиқ жуда ҳам, девонавор боғланиши мутаассиблик, ақидапарастликни олиб келади.

Ҳаётий тажрибалар кўрсатадики, инсон ўзини мавқеи, ўрнига, одамлар орасидаги унга бўлган муносабатга, ҳукмронликка, пулга, ўз қобилиятига, бировларни назорат қилиб туришга, ўзининг номукаммаллиги, яъни қўлидан иш келмаслигига, оила, болаларига, жинсий майлга, ўз мақсадига, ўз фаолиятига, ақли, хуснига, маълумоти ва ишонган ғоясига мол-мулк ва бошқаларга меъёридан ортиқ боғланиши мумкин.⁵⁴ Бу боғланиш уни безовта қилади. У боғланган нарсасидан ажралишдан кўрқади, биров у ҳақда нотўғри фикр айтса жаҳли чиқади, уни қўлламаган кишидан нафратланади, уни айблайди, улардан хафа бўлади, рашк қилади, кўнгли тўлмайди. Мабодо боғланган мақсадига эришмаса уялади, хавотирланади, умидини узиб, руҳан тушкунликка тушади, ғазабланади, ҳасад жисму-жонини куйдиради ва шундай вазиятга тушмаслик учун ноинсоний, ҳайвонга хос ҳаракатлар қилади. Нақшбандия таълимоти асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд шундай деганлар:

Тааллуқ ҳижоб асту беҳосили,
Чун ин бандҳо бигусели восили.

⁵⁴ Қаранг: Свяш Александр. Как быть, когда все не так как хочется. Москва. ЗАО Центрополиграф, 2005. С. 270.

Мазмуни:

Боғланишлар ҳижоб, парда, тўсиқдиру сен ҳосилсизсан,
Бу бандлардан қутулсанг, уларни узиб ташласанг, улар билан
хайрлашсанг восилсан.

Дарҳақиқат, маълум мақсад-муддаога меъеридан ортиқ боғланиш инсон кўзини кўр, қулоғини қар қилиб, қалбини қаттиқ ва тор қилади. Натижада инсон кибру ҳавога берилиб ўз мақсади йўлида гуноҳ ишларга ҳам қадам қўйиб, ўз-ўзига жабр қилади. У бировга туҳмат қилиш, ҳаётига зомин бўлишдан ҳам тонмайди. Бир гуноҳни ёпиш учун ундан ҳам каттароқ гуноҳга қўл уради.

Буларни ҳаммаси инсонда турли изтиробларни туғдиради. Психолог А.Свияш тадқиқ этганки, инсон жисмига кириб олган изтироблар 50% бўлгунча у қулай, роҳатланиб яшаши мумкин. Лекин улар сатҳи 70%га етса муаммолар ўсади. Масалан: Машинасига жуда боғланган киши аварияга учраб, бу машинаси омадсизлик келтириши мумкин. Мол-мулкига муккисидан берилган уйига ўғри тушиши ёки ёнғин бўлиши мумкин. Яъни табиат мувозанат, меъёр бузилганлиги билан инсонни огоҳлантириб, ҳушёрлик ва огоҳликка чақириб, ғафлат уйқусидан уйғота бошлайди.

Изтироблар кўзаси 85%га етса мақсадларга тўсиқлар пайдо бўлади. Шу мақсадига етиши йўлида инсон боғланган компания ёки банк банкрот бўлиши, ўша ғоянинг хатолиги фош бўлиши мумкин. Булар инсонни ўзига келишга, ҳаётни чуқурроқ мушоҳада қилишга, тор доирада ўйламасликка олиб келади. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд Халил Ота деган шайхга олти йил хизмат қилдилар. Тақдир тақозоси билан Халил Отага тахту тож насиб этиб, у Султон Халилга айланади. Баҳоуддин яна олти йил унинг хизматида бўлади. Олти йилдан кейин тахту-тож таназзулга учрайди. Бу Баҳоуддин Нақшбанд учун яхши сабоқ бўлади ва мол-мулк ва бу фоний дунёга боғланишнинг хатолигини бир умрга англайди.

Дарҳақиқат, ўз дини ва эътиқодига меъеридан ортиқ боғланиш, уни абсолютлаштириш мутаассиблик, фанатизм, ақидапарастлик, фундаментализм, экстремизм ва ҳатто терроризмга олиб келади. Ўз ирқига қаттиқ боғланиш ирқчилик, миллатга ўта боғланиш миллатчилик каби иллатларга олиб келиб, низо, уруш-жанжалларга сабаб бўлади, бегуноҳлар қони тўкилади, моддий ва маънавий ёдгорликлар ер билан яқсон бўлади. Шунинг учун ризо инсонни меъёрга сақлаш воситасидир.

Хўш, изтироблар кўзаси тўлмаслиги, роҳат-фароғат ва тинч осудаликка яшаш учун нима қилиш лозим? Аввало жисму жонимиз, тана ва руҳиятимиздаги бу номутаносиблик, гуноҳ ва хато юкидан қутулиши лозим. Бунинг учун қуйидагиларни тавсия бериши мумкин:

1. Юрак амри ва ақл-тафаккур билан қадам босиш лозим. Бу ишни амалга оширишда нақшбандия таълимотидаги “Хуш дар дам” – яъни ҳар бир нафас, онда хушёр бўлиш, “Назар бар қадам” – ҳар бир қўяётган қадамга назар қилиб уни таҳлил этиш, “Сафар дар ватан” – ўз-ўзингни ички таҳлил этиб, ҳаракат мотивини англаб, эзгу ният билан амал этиш, “Хилват дар анжуман” – жамоа ичида риёсиз, холис Оллоҳ ризолиги учун ҳаракат қилиш, “Вуқуфи қалби” – қалбдан огоҳлик, “Вуқуфи замони” – вақтдан огоҳлик тамойилларининг ўз ўрни бор. Бу тамойиллар мазмун-моҳиятини англаш ва уларга риоя этиш “изтироблар кўзасини” бўшашига сокин ва хотиржам яшашига ёрдам беради.

2. Шахс ўзидаги ижобий томонини ривожлантириши лозим. Абдулхолик Ғиждувоний асослаган “Бозгашт” – яъни қайтиш тамойили бунга ёрдам беради. Қилинган ҳар бир амалдан кейин уни таҳлил этмоқ керак. Ундаги тўғри, мақбул, ижобий томонларга “Шукр” қилиб, уни ривожлантириш ва салбий томонлар учун “Тавба” қилиб ундан қутулиш яъни муҳосаба-ҳисоб-китоб қилиб ижобийликка томон ўзгариш лозим.

Инсон ўз-ўзини таҳлил- муҳосаба-ҳисоб-китоб қилаётганда, бировни айблаш, бошқаларни гуноҳкор қилиш позициясидан воз кечиб, “Мен қаерда хато қилдим?”, “Нимани нотўғри бажардим?” деб, ўз-ўзини англаш, ният, қалб ҳаракатларини билишга томон бориши лозим. Шунга у душманига ҳам ўз хатосини англашга ёрдам бергани учун раҳмат дейдиган бўлади. Лукмони Ҳакимдан: “Одобни кимдан ўргандингиз?” деб сўраганларида, “Одобсиздан” – деб жавоб берибдилар. Яъни ҳар бир ҳаракатга ибрат кўзи билан қараш инсондаги ижобий томонни ошишига ёрдам беради ва гуноҳлардан уни поклайди.

3. Ҳаётда сиз учун белгиланган вазифаларни бажармоқ. Бутун борлиқ мукамаллик билан яралган бўлиб, ундаги бир ғишт ҳам ўз ўрнидан қўзғатилса акс таъсири бўлади. Борлиқдаги инсонларнинг ҳар бирига ҳам шундай меъёрида ақл-идрок, фаҳм-фаросат, касб-хунар берилганки, у ўзига белгиланган вазифани бажарса иши олға боради, унумли бўлиб яшайди. Лекин ўз тақдиридан норозилик, ўзига белгиланмаган вазифага интилиш - номутаносиблик низо ва жанжал,

омадсизликни келтириб чиқаради. Шунинг учун инсон ўз ўрнини билиши, ўз мавқеига мос ҳаракат қилиши лозим.

Бундай бағрикенгликка асосан турмуш тарзини жорий этиш жамиятимизда тинч ва барқарор турмуш тарзи асосидир.

Муҳосибия тариқатидан муҳосаба ҳисоб-китоб қилиш ҳолати ҳам сақланган. Бу ҳам ризо билан уйғун ҳолатдир. Нақшбандия тариқатида орифлар камолоти учун мушоҳада, муҳосаба ва муроқаба асосий шарт деб қабул этилган ва Баҳоуддин Нақшбанд шунинг таъсирида вуқуфи замони – ҳар бир ондан огоҳ бўлиш рашҳасини кашф этган.

М у ҳ о с а б а - орифлар руҳий камолининг учинчи йўлидир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу учинчи йўл - орифларнинг Ҳаққа етиш воситасини шундай изоҳлаган: "Муҳосаба - ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текширишдир. Ўтган ҳар бир соатимиз, нафасимиз ва замонамиз ҳ у з у р билан ўтдими ёки нуқсон биланми, агар ҳаммаси нуқсон билан ўтган бўлса, қайтамиз ва амални аввал бошдан бошлаймиз"⁵⁵.

Баҳоуддин Нақшбанд муҳосаба билан вуқуфи замони тушунчасини бир маънода ишлатади⁵⁶.

М у ҳ о с а б а даражасига етиш учун ориф вақтнинг қадрини биладиган бўлиши керак. Нақшбандия тариқати аҳли орасида бутун тасаввуф аҳлига хос бўлганидек, вақт жуда қадрланган. Вақтнинг нақадар қимматли ва азиз эканлигини билиш лозимлигини солиқларга уқтирганлар. Уни бекорга зое этиб сарфлашдан уларни сақлаганлар. Зеро, в а қ т - н а қ д д и р. Уни бошқа қайтариб бўлмайди. Шунинг учун солиқлар йўлнинг қайси мартабасида бўлсалар ҳам вақтни муҳофаза ва муҳосаба этиб, уни зое этмасликка ҳаракат қилганлар. Туркиядан чиққан "Тасаввуфий ахлоқ" деган китобда муҳосаба ҳақида гап кетганда қуйидаги мисралар ёзилган:

Нақди умри йўқ ерга сарф этма ғафлат айлайиб,
Ҳар замон тоатда бўл, ул ғафлатла эптар бўлмагил.
Вақтингга олим бўлиб, дарк айла дуру нафъини,
Бўлма жоҳил вақтингга, хусронга мазҳар бўлмагил.⁵⁷

⁵⁵Сафий Фахриддин Али. Рашаҳот. (Оби ҳаёт томчилар.)/Табдил ва сўнгсўз муаллифи М.Ҳасаний/ - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. 39-бет.

⁵⁶Қаранг: Рашаҳот. 39-бет.

⁵⁷Аҳмад Заҳид Кутку. Тасаввуфи Ахлоқ. Истанбул: Сена, 1985. 102-бет.

Вақтни сақлаш, асраш учун бу таълимот кундузлари - рўздор, кечалари бедор бўлишни талаб этади. Яъни вақтни ейиш ва ухлашга сарфламасдан, оз ейиш, оз ухлаш керак, дейди. Қалбни беқарорликдан, Оллоҳдан ўзгага боғланишлардан ҳимоя этиш, тилини куруқ сўздан, кўзини фойдасиз нарсага боқмоқдан, қулоқларни кераксиз ва гуноҳкор овозлардан, оёқларини беҳуда ерга, гуноҳга ботган жойларга боришдан муҳофаза эта олиши керак. Ҳаром ва шубҳали нарсаларни ейишдан жуда ҳам сақланиши керак. Ахлоқи замимани тўлалигича тарк этиши, бу моддий дунёдаги тааллуқотларини узиши лозим. Вақтида қилиниши лозим бўлган тоат ва зикрларни қилиш, уни бошқа замонга қолдирмаслик керак. Дангасаликдан жуда сақланиш керак.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асослаган бу тариқат аҳли ўртасида шундай фикр ҳукмрон бўлган: "Мусибатлар жуда кўпдир. Фақат энг буюк мусибат эса в а қ т нинг фойдасиз, бекорга кетишидир"⁵⁸.

Абдурахмон Жомий шундай ёзганлар:

Аз зиндагиям бандагии туст ҳавас,
Бар зиндадилон бе ту ҳаром аст нафас.
Хоҳад зи ту мақсуди дили худ ҳама кас,
Жомий аз ту ҳамин туро хоҳад бас⁵⁹.

Мазмуни:

Менинг яшашимдан сенинг банданг бўлиш ҳавасдир,
Қалби тириклар учун сенсиз бир нафас ҳаромдир.
Сендан ҳар бир киши ўз мақсудини сўрайди,
Жомий учун фақат ўзинг басдур.

Вақт муҳим фалсафий тушунчадир. Вақт фалсафий тушунчаси олам атрибути бўлиб, барча объектлар мавжудлигининг давомийлиги ва ҳолатлар алмашинувининг изчиллигини характерлайди. Қадимдан ҳозирги кунгача бу муаммо файласуфларни баҳс мавзуи бўлган ва бўлмоқда. Цицерон “Фалсафа Фалесдан бошланади, у биринчи эди” деб айтган. Ана шу инсон, яъни Фалес: “Ҳаммадан донороқ нарса нима?” деган саволга, “Вақт” деб жавоб бериб, “Чунки ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани ойдинлаштиради”,⁶⁰ деган. Қадимги Юнонистондаги

⁵⁸Тасаввуфий ахлоқ. 102-бет.

⁵⁹Хўжа Аҳрор. Анфоси Нафиса. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 х. й. 5-бет.

⁶⁰ Ҳақиқат манзаралари. Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. 10-бет.

етти етакчи файласуфнинг бири приеналик Биант: “Энг яхши маслаҳатчи ким?” деб сўраганда, “Вақт” деган. Бошқа юнон файласуфи Лукреций Тит Кар – “Вақт илдамлагани сайин буюмларнинг моҳияти ҳам ўзгара боради”, деган. Ўрта аср файласуфи италиялик Фома Аквинский: “Вақт ва мангулик айни бир нарса эмас”, “Боэцийнинг фикрича, вақт ва мангулик ўртасидаги фарқ шундаки, мангуликнинг ҳар бир лаҳзаси яхлит воқеликдан иборат. Вақт эса бундай сифатдан маҳрумдир. Мангулик – мавжудлик мезони бўлса, вақт – ҳаракат мезони”, “Вақтнинг чеки йўқ дейдилар. Лекин унинг маълум бир бўлагини олиб бошланиш ва тугаш нуқтасини белгилаш мумкин. Масалан, биз кун ёки йилнинг бошланиши ва охири ҳақида гапирамиз. Аммо мангулик ҳақида бундай деёлмаймиз. У бундай сифатдан холидир,” деган. Ўрта Осиё мутафаккирлари ҳам вақт ҳақида мушоҳада ва тадқиқотлар этганлар.

Тасаввуф аҳли учун ҳам вақт жуда қадрли бўлган.⁶¹ Нақшбандия таълимотида Баҳоуддин Нақшбанд вуқуфи замоний – замон, вақтдан огоҳ бўлишни асосий тамойил сифатида киритган.⁶² Хожа Аҳрор Валийнинг маънавий мероси у кишидан вақт хусусидаги ҳикматли сўзлар ва эзгу фикрлар сақланганини кўрсатади.

Хожа Аҳрорнинг вақт тўғрисидаги фикрлари тасаввуфий мазмундадир. У кишидан Қуръон тафсирига оид сақланган рашҳаларнинг 16-чисида шундай ёзилган: “Кулла явмин хува фи шаън” оятида сўзлар ойтдилар. Ул аснода тақриб била ойтдиларким: “Бақоун баъд ал фано.” “Ва яна бир маъноси улким, ҳар бир онда ва замоннинг ажзоларидан жузъи ло йатахайяларида асмой зотиянинг осориданким, онда онга хорожда мазохир йўқ турур, ўзида асаре топар. Ва бу осори мутанаввийа ва муталаввинани онан фи онан ўз ботинида идрок этар ва асарларининг ихтилофи эътибори била ҳар бирининг орасида замонларнинг аксар замонида имтиёз этар ва бу бағоят нодиру олий турур. Арбоби валояти хоссадин афроди инсонийнинг акмалиға бул маъни бар сабили надра ҳосил бўлур.

Ва ояти каримаи “Кулла явмин хува фи шаън” бу маънининг мубайъаани турур.

Байт:

Ҳар дам аз ин боғ боре мерасад,

⁶¹ Қаранг: Наврўзова Г.Н. Вақтнинг тасаввуфий талқини.//Фалсафа ва ҳуқуқ – 2009. №3 – 21-23-бетлар.

⁶² Қаранг: Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро: Фалсафа ва ҳуқуқ институти , 2009. 104-109-бетлар.

Тозатар аз тозатари мерасад.
(Бу боғдан ҳар нафас мева етишади,
Тоза мевалардан ҳам тозароғи етишади.)⁶³

Хожа Аҳрор бу рашҳалари орқали вақтда, яъни ҳар куни, ҳар он, ҳар нафасда бутун олам, инчунин инсонда ҳолатлар ўзгаради, яъни уларнинг мавжудлиги бардавом бўлади демоқда. “Кулла явмун ҳува фи шаън” – “Ҳар куни шаъндир” – оятида шаън – кору ҳол, иш ҳолат маъносида бўлиб, ҳар куни бутун олам доимо ишда, яъники ҳаракатда бўлиб, ҳолати, даражаси ўзгаради дегани. Хожа Аҳрор бу оятни тафсирида “Бақоун баъд ал фано”, яъни фанодин кейинги бақо деганлар. Бу ерда вақтга нисбатан бақо ва фано тушунчалари қўлланилмоқда. Бақо – боқий, абадий бўлса, фано-фоний, ўткинчи, ўзгарувчандир. Инсон фоний, ўткинчи нарсалардан узилса – фано ҳолатига етади. Фано ҳолатида яъни бошқа нарсалардан мосиво бўлиб, Тангри билангина боғланиб, холис, таъмасиз, риёсиз меҳнат қилса боқийлик, абадийлик билан ҳаёт кечиради ва бақо даражасига юксалади. Хожа Аҳрор ҳар бир нафас, ҳар бир онни боқий, абадийга айлантириш мумкин, бунинг учун эса фано ҳолатига етиш лозим демоқдалар. Шунингдек бу оят тафсирида ҳар бир он ва замоннинг жузъида илоҳий осор топиб, бу осорнинг турли ранг ва кўринишларини ўзини ботинида идрок этади. Улар маълум замонда инсонни ҳолатини имтиёз – зиёда этади. Бу жуда нодир ҳолатдир. Бунинг маънисига уйғун деб, юқоридаги байтни келтирганларки, бу боғдан яъни илоҳий лутф, марҳамат, илм, нур, файз, барака, хайр, эзгулик, маърифатдан ҳар доим, ҳар он ҳар нафасда мева етишади, яъни маълум бир янги ҳолат, эзгулик, яхшилик келади. “Тоза мевалардан ҳам тозароғи етишади” деб оламдаги барчалар янгиланиб, ўзгариб туришни таъкид этади.

Бу ғоя Саъдий Шерозийни “Гулистон” асаридаги қуйидаги мисралари билан уйғундир.

Абру, боду, маҳу, хуршеду фалак дар коранд,
То ту ноне ба каф орию ба ғафлат нахўри.⁶⁴

Мазмуни:

Булут, шамол, ой, қуёш ва фалак доимо ишдадир,
(яъни ҳаракат билан маълум ишни бажаради),
То сен нонни кафтингга олгину, ғафлат билан емагин.

⁶³ Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот: (Оби ҳаёт томчилари). (Табдил ва сўнг сўз муаллифи М.Ҳасаний.) Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. 299-300-бетлар.

⁶⁴ Саъдий Шерозий. Гулистон. Тошбосма. 3-бет.

Дарҳақиқат, буғдой тупроқ тагидан, бошоқ, дон ва кейинчалик нон бўлиб бизга етиб келгунча бутун олам ҳаракат қилиб, ёрдам беради. Инсон буни англаса ғафлатдан уйғониб, шукроналик билан яшайди.

Маълум бўладики, Хожа Аҳрор вақтни ҳаракат билан уйғунликда таърифляптилар. Вақт қадри ҳаракат ҳолати ва сифатига боғлиқ демоқдалар. Илоҳий марҳамат ила бутун олам еру само, аршу фарш ҳаракат қилиб, янгиланиб инсон учун хизмат қиладилар. Инсон буларни англаб, шукроналик билан меҳнат қилса вақтни абадиятга боғлайди, ғафлат билан бўлса у вақтни ўлдиради, йўкотади ва умрини зое ўтказди. Ҳушёрлик ҳолати эса инсонни вақт ичида бўлиб, унинг имкониятларидан фойдаланиб, ўз ҳолати, даражасини зиёда бўлишига, яъни “тозароқ мева бериш” ҳолатига етишига ёрдам беради. Вақт – мунтазам бутун борлиқнинг ҳаракати, инсонга туғилиб бораётган янги-янги, бой ва чексиз имкониятлар, моддий ва маънавий бойликларни пайдо бўлиши экан.

Хожа Аҳрор “Ли маъаллоҳу вақтун”-“Оллоҳнинг мен учун вақти бор” ҳадисининг шарҳига бешинчи ҳаётбахш ўғитлари яъни рашҳаларини бағишлаганлар. “Ойтур эрдиларким: “Тариқат кубаролари қаддасаллоҳу арвоҳаҳумнинг баъзилари ҳадиси “Ли маъаллоҳу вақтун”нинг маъносида ойтиб турурлар: “Ай вақтун мустамаррун шомихун ли – жамиъи авқотиҳи”, яъни Набий саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг сирлариға иттисол ва иртибот бар сабили давом Ҳақ субҳонаху ва таъолонинг жанобиға ҳам бар сабили давом иттисол ва иртибот ҳосил этдиким, онда ҳеч нарсага ганжойиш йўқ эрди. Аммо қуввати мудрикаким, мусаммо ба қалб турур ҳамма нарсага ганжойиш бор эрди.”⁶⁵

Хожа Аҳрор бу рашҳалари орқали инсон вақтини мунтазам, доимий энг комили мукамал инсон охирги замон пайғамбари мақомини олган Муҳаммад (с.а.в.) билан боғланиб, ишга сарф этса, яъни у кишининг гўзал ахлоқлари билан безаниб, у кишининг мислсиз сифатларини олса, Ҳақ билан ҳам боғланиб билади, дейди. Бу боғланиш қалбда воқеъ бўлади. Хожа Аҳрор вақтни илоҳий мазмун эгаллаши, яъни инсонга илоҳий назар бўлиши, аввало инсонни ҳолати – ахлоқи, сифатларига боғлиқлиги ва иккинчидан, бундай вақт макони қалб бўла олишини кўрсатади. Яъни вақт инсон ҳолати ва макон – қалб билан боғлиқ ҳолда илоҳий мазмунни олиб билади.

⁶⁵ Рашаҳот. 336-бет.

Хожа Аҳрор таъкидлаганларким, “Баъзилар ойтиб турурлар: “Ли маъаллоҳ вақтун”, “Ай вақтун нодирун, азизун”. Ва ойтдиларким: Хожа Алоуддин Гиждувоний алайҳир-р-рахма қавли сонийға табдил этибдурлар. Ва ойтур эрдиларким, комилларға бар сабили надрат бу ҳол воқий бўлур.”⁶⁶ “Оллоҳнинг мен учун вақти бор” ҳадисини Хожа Аҳрор “Бу вақт жуда нодир ва азиз” демоқдалар. Оллоҳ инсонга назар, лутфу марҳамат этадиган вақт барча вақтлар ичида энг азиз ва нодир, топилмасдир. Баҳоуддин Нақшбанд шогирди Алоуддин Гиждувоний бу ҳол, яъни илоҳий вақт фақат комилларга жуда нодир равиш йўл билан воқеъ бўлади дейдилар.

Инсонларга вақт тўғрисидаги нодир йўл ва равишни ўргатадиганлардан бири тасаввуф таълимотидир. Хожа Аҳрор машойихлар сўзи таҳлили билан боғлиқ рашҳаларининг 39-чисида Шайх Абу Саид Абул Хайрнинг шундай ҳикматли сўзларини келтирадилар: “Машойихи тариқат қуддисаллоҳу таъоло арвоҳаҳумдин етти юз тан (яъни киши) тасаввуфнинг моҳиятинда сўз ойтиб турурлар. Ул сўзларнинг ҳаммасининг тамомроғи ва яхшироғи бу турурким: “Ал-тасаввуфу сарф ул-вақти бима ҳува авла биҳи”, яъни тасаввуф сарфи вақт турур вақтига лойиқ ва муносиб бўлгон нимарсаким, муқтазойи вақтдир эрди.”⁶⁷ Демак, тасаввуф таълимоти вақт тақозо этадиган, шу вақтга муносиб ишга вақтни сафлашни ўргатади.

Масалан, ёшлиқда қабул қилинган билим мияда нақшланади. Шунинг учун ёш авлодга аввало ўзини англашга, жамиятда ўз жойини топишга ёрдам берадиган илмни бериш ва давр талаб этадиган руҳда тарбиялаш, шунга муносиб устозларни танлаш лозим.

Хожа Аҳрори Валий куннинг маълум вақтларни жуда қадрли эканлигини, ўшандай вақтга махсус эътибор зарурлигини айтганлар. Бу маълум вақтни қадрли билиш халқимизга хос. Маълумки, тонг вақти, Наврўз куни, арафа ва ҳайит кунлари, жумъа куни, Қадр кечаси кабилар халқимиз учун ардоқли ва жуда қадрлидир.

Хожа Аҳрор 7-рашҳада айтганлар: “Баъзи акобири дин ризвонуллоҳи таъоло алайҳим ойтибдурларким, намози дигардин сўнг соатедурким, керакдур ул соатда аъмолнинг яхшироқиға машғул бўлсунлар. Баъзилар ойтибдурларким, аъмолнинг яхшиси муҳосаба турур ва муҳосаба ултурким, кеча ва кундузнинг соатида авқотларини ҳисоб этарлар, неччаси ондин тоатга сарф бўлиб турур ва неччаси маъсиятға ва улчаким тоат била ўтубдур онга шукр этурлар ва

⁶⁶ Рашаҳот. 336-бет.

⁶⁷ Рашаҳот. 352-бет.

улчаким маъсият бирлан ўтубдур онга истиғфор ойтурлар.”⁶⁸ Хожа Аҳрор аср намозидан шом намозигача бўлган вақтни жуда кадрли эканлиги ва шунинг учун уни яхши амаллар билан ўтказилса яхши самара беришини айтмоқдалар. Яхши амаллардан бири деб муҳосабани тавсия этмоқдалар. Муҳосаба тушунчаси тасаввуфга илк тариқатлардан бири бўлган муҳосибиянинг асосчиси Муҳосибий томонидан киритилганлигини Хужвирий таъкидлаб, бу ҳақда маълумотлар берган,⁶⁹ Хожа Аҳрор энг яхши амал деб муҳосабани тавсия этади ва унга “бир кеча кундузга ўтказилган вақтларни ҳисоб-китоб қилиш” деб таъриф беради. Қандай инсон пули, молу дунёси каби ўткинчи нарсаларни ҳисобласа, ўз вақтини ҳисоб-китобига ҳам вақт ажратиши лозим экан. Асосий эътибор вақт нимага сарфланди ва қандай ўтди масаласига қаратиш лозим. Агар вақт ибодат билан, яъни бандалик талабига уйғун ўтган бўлса шукр этиш лозим. Аммо ўтган вақтда хато, камчилик, гуноҳ қилинган бўлса истиғфор айтиш ва тавба қилиш лозим. Тавба фақат тил билан эмас, қалб билан бўлиб, иложи борича ўша хато, гуноҳни тузатиш керак. Яъни кимни озор берган бўлса, бориб мағфират сўраб, кўнглидан чиқариш, ёки хато ёзган бўлса тузатиш, молини хато сотган бўлса, харидорни топиб камчиликни тузатиши ва ҳоказо. Инсон вақтини ҳисоб-китоб қилиб турса, яхшига шукр этса ва хатоларини вақтида тузатса, руҳияти покиза бўлиб, тана ва руҳи илоҳийликка уйғун камол этади ва дуолари ижобат бўладиган бўлади. Муҳосабани Баҳоуддин Нақшбанд вуқуфи замони – замондан огоҳ бўлиш рашҳаларига киритганлар.

Хожа Аҳрор вақтини сарфлашга муносиб, яхши самара берадиган деб, “ўзини бир кишининг суҳбатига етқурурким, онинг суҳбатида ҳар нимарсаким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ғайри турур ондин маълум бўлур ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ғайри турур ондир малул бўлур ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға мойил ва мунжазб бўлур”,⁷⁰ деганлар. Яъни яхши ҳамсуҳбат инсонга таъсир этади. “Яхши билан ўтирсанг етарсан муродга” деб халқимиз беҳудага айтмаган.

Хожа Аҳрор шу маънода ғояларини қуйидагича таъкид этганлар: “Жамъе билан ултурунгларким, сизларга ғолиб бўлмасунглар, то сизларни емасунлар, яъни нафсу ҳаво юзидан қавий

⁶⁸ Рашаҳот. 341-бет.

⁶⁹ Али ибн Усман аль-Джулаби аль-Худжвири. Раскытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-махжуб ли арбоб ал-кулуб) / перевод с англ. А.орлова изд. перво – Москва: единство, 2004. 107-108, 176-182-бетлар.

⁷⁰ Рашаҳот. 341-бет.

бўлмасунлар, яъни сизларни вақтингизни зойиъ ва нобуд этмасунлар.”⁷¹ Хожа Аҳрор ёмон ҳамсухбат деганда нафсу ҳавога берилган инсонларни тушунади. Бундай инсонлар суҳбати натижасида инсонда ҳирсу-ҳавас, нафсу ҳаво кучайиб, у инсон сифатида кадрсиз бўлиб, икки оёқли ҳайвонга айланади. Бундай одамлар билан ўтириб вақтни ўтказишни Хожа Аҳрор “вақтни зоеъ ва нобуд этмак” ва инсон сифатида мағлуб бўлмак, бировга емак бўлмак деб тушунган.

Хожа Аҳрор вақтни жуда чуқур таҳлил этиб, ҳатто сўз айтмоқнинг ҳам вақтини айтганлар: “вақтинин аввал сўз айтмоқ ва насиҳат этмак маъсият турур”, дейдилар Хожа Аҳрор. У киши ҳар бир сўзни айтиш вақти бор, насиҳат этмак учун ҳам вақтини топиш, уни ушлаш лозим деб, шундай қилинмаса гуноҳ иш қилган билан тенглаштирганлар. Хожа Аҳрор тариқат ақоиблари мавъиза ва тазкир вақтини тадқиқ қилиб, кўп сўз айтганларни таъкидлаб, “сўз айтмоқ вақти раво бўлурким, мутакаллим ул даражага етушган бўлсаким, онинг тили кўнглининг ноибни бўлуб, Ҳақ субҳонаҳунинг ноибни бўлгон бўлса”. Демак, инсон қалби Ҳақ тажаллийси бўлиб, тили бундай қалб ойнаси бўлган он, вақт, замонда сўзлаши раводир. Вақт инсон ҳолати билан уйғундир.

Инсон вақтни билиши, айна вақтда муносиб, вақт тақозо этадиган ишларни қилишни Хожа Аҳрор тавсия этиб, айна вақтда қилиш зарур ишни фурсати етган деб, бундай дамни ғанимат билиш лозим дейдилар. “Неча кунларким, мен қайди ҳаётда турурман, саъй этмассизлар ва Худойбин бўлмассизларким, қачон бўлурсизлар. Бу фурсатни ғанимат билингким, пушаймон бўлурсизлар ва пушаймонлик фойда этмасдур.”⁷² – дейдилар Хожа Аҳрор. Дарҳақиқат, буюк инсонлар, олиму фузалоларни бутун олам қувватлари ҳаракату баракат буриб тайёрлайдилар. Уларни қайди ҳаётлик даврида илму маърифатларидан, касбу ҳунарларидан баҳраманд бўлиши – вақтни, фурсатни тўғри сарфлашдир. Аммо улар тириклигида вақт, фурсатни ғанимат билмаслик пушаймонлик келтиради. Бундай азиз-авлиё, олиму фузалоларни олам ҳар кун ҳам бизга тухфа қилиб, неъмат қилиб, яратиб бермайди. Улар қайди ҳаётдан кетгандан кейин бундай фурсат, имконият қўлдан кетади. Бундай пушаймонлик ўзингга душмандир. Чунки бундай вақт қайтиб келмайди. Бу ерга вақтга хос хусусиятлардан бири, унинг макондан фарқли, қайтариб бўлмаслиги таъкидланмоқда. Шунинг учун “Вақт-нақд”дир, “Вақтинг кетди, нақдинг кетди”, дейдилар. Бу яна бир бор

⁷¹ Рашаҳот. 360-бет.

⁷² Рашаҳот. 377-бет.

вақтида, вақт тақозо этадиган, фурсати бўлган иш билан шуғулланишни тақозо этади. Пушаймонлик фойда бермайди.

Хожа Аҳрорнинг вақт тўғрисидаги фикрларидан шундай умумий хулосалар қилиш мумкин:

- Тасаввуфга вақт илмини ўргатадиган таълимот сифатида қараш унга берилган энг мақбул таърифдир.
- Инсон фано ҳолатга етганидан кейин, яъни ўз ҳаёти мазмунини тўғри англагандан сўнг бақога етиб, вақтни боқийлик, абадийликка боғлайдиган амалларга сарф этади. Вақт фаний ва абадий бўлиши мумкин.
- Вақт ҳаракат билан узвий боғлиқ. Вақтда, вақт ичида бутун олам ҳаракатда, ишда ўзгариш ва тараққиётдадир.
- Инсон ҳар нафас, онни огоҳликда ўтказиб, бутун олам у учун ҳаракатда эканлигини билиши ва шукронасини адо этиши лозим. Вақт қадр қиймати инсон ҳолатига боғлиқ.
- Вақт –бутун борлиқ мунтазамнинг ҳаракати, инсон ва инсоният учун янги-янги, чексиз имкониятининг туғилишидир.
- Вақт илоҳий бўлиши мумкин. Бундай вақт инсоннинг илоҳий сифатни эгаллаши, ҳолати билан боғлиқ.
- Вақт макон билан узвий боғлиқ. Илоҳий назар вақтининг макони қалбдир.
- Вақт ичида илоҳий назар воқеъ бўлиши, энг азиз ва нодирдир.
- Маълум вақтлар жуда қадрли бўлиб, уни билиш ва яхши амаллар билан ўтказиш лозим.
- Муҳосаба – ўтган вақтларни ҳисоб-китоб қилиш энг яхши амаллардир. У инсонни тана ва руҳини илоҳий меъёрга солади.
- Вақтни яхши ҳамсуҳбат билан ўтказиш лозим. Ёмонлар билан ҳамсуҳбат вақтни зоеъ ўтказиш ва нобуд қилишдир.
- Инсон сўз айтиш вақти – тилни илоҳий қалб кўзгуси бўлишидир.
- Вақтни англаш, фурсатни ғанимат билиш лозим. Фурсатни йўқотиш фойдасиз пушаймонликка сабаб бўлади.
- Вақтни орқага қайтариб бўлмас. Бу унинг ўзига хос хусусиятидир.

Демак, Муҳосибий таълимоти ва муҳосибия тариқати таъсирида нақшбандия таълимотидаги қуйидаги ғоялар вужудга келган ва ривожланган.

- Тасаввуфда муҳосибийлар асослаган инсон камолотида ўз нафсини кузатиш ва назорат қилиш йўлини нақшбандийлар давом эттирганлар.⁷³
- Муҳосибия учун асос бўлган ризо тушунчасини нақшбандия тариқати асос сифатида қабул этган.
- Вақт илми – вуқуфи замони ғоялари муҳосибия тушунчаси асосида шаклланган.
- Муҳосаба нақшбандларнинг ҳаёт тарзининг асоси, турмуш тарзига айланган.

Илк тариқат муҳосибия асослаган муҳосаба ва ризо қодирия, хожагонлар таъсирида бойиган ва нақшбандия йўли учун асос бўлган. Бу ғоялар ҳозирги кунгача жамиятимизда барқарор турмуш тарзи, муроса, мадора билан яшаш, хотиржамлик ва тинчлик учун зарурдир.

⁷³ Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия – камолот йўли. Т.: Фан, 2007. 5-6-бетлар.

2. НАҚШБАНДИЯ ВА ҚАССОРИЯ

Қассория Ҳамдун Қассор (884 йилда вафот этган) томонидан асосланган дастлабки тариқатлардан биридир. Ҳужвирий “Кашф ал-махжуб” асарида қассория номи билан бу тариқатни тилга олади. Лекин Ўрта Осиёда у маломатия номи билан маълум ва машҳурдир. Шунинг учун биз ҳам уни маломатия сифатида тилга олиб таҳлил этамиз.

Маломатийя - тасаввуф заминида туғилиб, тасаввуфга ҳам таъсирини ўтказган олган илк тариқатлардан биридир. "Маломат" арабча сўз бўлиб, қийнаш, қийнамоқ мазмунидаги "лавм" ўзагидан пайдо бўлган калимадир. Маломатийлик йўли эса, асосан, нафсни қийнаш, ўз нафсига ранж етказиш, бошқаларнинг таъна-маломатларини қувонч ила қаршилашни акс эттиради. IX асрда шаклланган бу оқимга Хуросонда яшаган машҳур сўфий Ҳамдун Қассор асос солган. Шунинг учун у қассорийя деб юритилган. Ҳужвирий бу йўлни “мақбул ва мўътабар” бўлган ўн тариқатнинг иккинчиси сифатида тилга олган.⁷⁴ Баъзи олимлар маломатийликни айрим сўфиёна ақидаларга қарши пайдо бўлган “фикр ва тажриба ҳаракати” ўлароқ таърифлаган: "Маломатий - улуғликдан, даъводан, ўзини кўз-кўз қилишдан, халқнинг олқиш ва эҳтиромини қозониш ғаразидан кечган, каромат иддаосидан йироқ, бошқаларни ўзидан устун кўрган, халқдан ҳеч бир тарзда ажралмаган, зикрга, важдга берилиб, бақириб-чақириб ила ўзини кўрсатишга интилмаган, ҳалол меҳнат ила бўлган кишидир".⁷⁵ Сухравардийнинг эътирофича, "Ҳақиқий маломатий - томирларида ихлос завқи жўшган, том маъноси ила сидқ ва садоқатга эришган бир кишидир".⁷⁶

Маломатия – IX асрда Хуросонда Нишопур мактаби доирасида вужудга келган илк сўфийлик тариқатларидан бирининг номи. Асосчиси Ҳамдун Қассор таълимотида Муҳосибий таъсири сезилади. Маломатийликни шаклланишида Абу Ҳафс Амр (Умар) ан-Найсабури ал-Ҳаддад (877-881 йиллар орасида вафот этган) ва Саид ал-Ҳири ал-Ваиз (911 йилда вафот этган) ларнинг ҳиссаси бор. Тасаввуфшунос Сулами (ваф. 1021) ёзадики, маломатийда Муҳосибий, Боязид Бастомий ва Саҳл Тустарий каби сўфийликнинг Ироқ мактаби намояндаларининг таъсири сезилиб турган. Маломатия Нишопурда

⁷⁴ Кашф ал-махжуб. 182-бет.

⁷⁵ Гулпинорли А. Туркияда мазҳаблар ва тариқатлар. Истамбул, 1969 йил. 246-248-бетлар.

⁷⁶ Сухравардий. Аворифул-маориф. 91 бет.

вужудга келди ва Ғарбга Ироқ, Сурия, Шарққа Мовароуннахр ва Туркистонга томон ёйилди.⁷⁷

Маломатийлар учун Оллоҳга муносабатда **сидқ** ва **холислик** хосдир. Маломатийлар риёни жуда қоралаганлар. Маломатийлар тўла Оллоҳга таяниб таваккал қилиб яшашни қоралаб, ўз меҳнати билан кун кечириш зарур деб ҳисоблаганлар. Улар кун кечириш учун зарур миқдорда меҳнат қилиб, қолган вақтларини ибодат билан ўтказардилар. Қолган одамларнинг уларга нисбатан фикрлари – маломатларига умуман эътибор бермасдилар.

Ҳужвирий “Кашф ул-махжуб” асарининг биринчи бўлимининг 6-бобини маломат тушунчасини таҳлилига бағишланган. У маломатнинг уч тури бор деб, қуйидагиларни кўрсатади:

1. Ҳақ йўлидан борувчиларни маломати;
2. Ўзини маломат этишни қасд қилганлар маломати;
3. Қонун-қоидаларни тарк этувчи, инкор этувчилар маломати.⁷⁸

Учунчиси хато эканлигини муаллиф таъкидлайди.

Нақшбандия таълимоти маломатия ёки қассория номи билан маълум йўлнинг зоҳирга эмас ботинга эътибор талабларини қабул этган ва ривожлантирган. Баҳоуддин Нақшбанд “Ба зоҳир бо халқ, ба ботин бо Ҳаққ” деб, қуйидагиларни таъкид этган:

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.⁷⁹

Мазмуни:

Ичкаридан, қалбан Ҳаққ билан ошно бўлу, ташқаридан буни билдирма.

Бундай гўзал равиш дунёда кам бўлади.

Бу билан Нақшбанд маломатийлар каби чин ихлос ила пок ибодат қилиш, риёдан сақланиш лозимлигини уқтирганлар.

Ҳужвирийнинг таснифи бўйича, маломатнинг уч шакли бор: 1. Истиқоматда бўлмоқ. 2. Қасд. 3. Тарк.

Истиқоматда бўлмоқни Ҳужвирий шундай шарҳлайди "Маломат йўлига кирган, мунофиқлик, иккиюзламачилик хушомад офатидан

⁷⁷ Қаранг: Акимушкин О. Ал-Маломатия. / Ислам. Энциклопедический словарь. Москва: Наука, 1991. С. 155-156.

⁷⁸ Қаранг: Ҳужвирий. Кашф ал-махжуб. 62-69 бетлар.

⁷⁹ Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий. /Наврўзова Г. Нақшбандия – камолот йўли. Т.: Фан, 2007 – 194-бет.

ўзини халос этган ва риёдан сақланган шахслар, халқнинг кийноқларидан қўрқмаслар, ҳар ҳол ва шарт ичида ҳақ йўлидан юрурлар, халқнинг уларга берган ном, унвон ва лақаблари не бўлса бўлсин, улар учун мутлақо аҳамиятсиздир".⁸⁰

Маломатийлар қилган ишлари, эришган ютуқларига эмас бурчга, ўз бурчларининг ниҳоятда оғирлигига аҳамият берган. Шу боис қилган ишига, ҳолига диққатни тортган кимсани ғофил ва амалга оширган ишларидан қувонган ёки мамнунлик сезганларни риёкор ҳисоблаганлар. Сулабийнинг "Рисолаи маломатия" асарида маломатийларнинг фикр-қарашлари, хос хусусият ва амалий ҳаракатлари атрофлича талқин этиб берилган. Шу рисоладаги сўз ва ҳукмларга асосланиб айтиладиган бўлса, маломатийлар учун энг муҳим, энг аҳамиятли нарса - **қалб** ва **вақт**дир.

Маломатийлик бадий ижодга сезиларли таъсир ўтказган. Шарқдаги бир талай буюк шоирлар маломати машраб ва маломати маслак шоирлари бўлган. Хусусан, Фузулий маломатийлик ҳақида бундай байт битган:

Камоли ишқ - маломатдадур, хаёл этма,
Ки, ишқ завқ бера олмас маломат ила.

Иброҳим Ҳаққул Нажмиддин Кубронинг "Тасаввуфий ҳаёт" асаридаги истилоҳлар шарҳида шундай фикрни баён этган: бир неча тариқат, жумладан кубравийлик маломатийлик заминида вужудга келган.⁸¹ Лекин маломатийлик вақт ўтиши билан асл моҳиятидан йироқлашиб, унга ботил унсур ва тушунчалар ҳам аралашган. У ҳижрий бешинчи асрдан кейин бутунлай ботинийлашган ва бу ҳол саккизинчи асрга қадар давом этган.⁸²

Шарқшунос олим О.Акимушкин ёзадики, "маломатийлар таълимоти нақшбандийларнинг "Хилват дар анжуман" тамойили, хуфия зикрида ўз изини қолдирган."⁸³ Биз ҳам бу олимнинг фикрига қўшиламыз.

"Баҳоуддин Нақшбанд Ҳиротда бўлганида Малик Ҳусайн билан учрашади. Малик Ҳусайн у кишидан сўрайди: "Сизнинг хулафонгизда жаҳр билан зикр айтиш, хилват ва самоъ борми?" У киши жавоб бердилар: "Йўқ". Яна сўрайдилар: "Сизнинг тариқатингизнинг асоси

⁸⁰ Кашфул мажуб. 64-бет.

⁸¹ Гулпинорли А. Маломатийлик ва маломатийлар. Истанбул, 1931. 16-бет.

⁸² Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. 227-бет.

⁸³ Акимушкин О. Ал-Маломатия. Ислам. Энциклопедический словарь. 156-бет.

нима?" Баҳоуддин буюрдилар: "Анжуманда хилват, ватанда сафар, зоҳирда халқ билан ва ботинда Ҳаққ билан бўлиш"⁸⁴.

Бу жавоб кўрсатадики, буюк шайх "анжуманда хилват" орқали бир-бирига муқобил кўринадиган бу тушунчаларнинг, ботиний йўллар билан уйғунлаштириш воситаларини топган. У ўз издошларига "анжуманда хилват" талаби орқали риёсиз фақат тангри ризолиги учун пок амаллар қилишни ўргатган ва бу билан инсонлар ҳаётининг мазмунини ва камолот йўлини белгилаб берган.

"Хилват дар анжуман" нақшбандия таълимоти асосида турадиган 11 талабнинг биридир. Уни Юсуф Ҳамадоний Абдулҳолиқ Ғиждувонийга насиҳат қилган⁸⁵. Хожаи Жаҳон уни қабул этиб, ўзи асослаган Хожагон тариқати учун қоида қилиб қўйган. Баҳоуддин Нақшбанд муршидидан бу ўғитни қабул қилиб, такомиллаштириб мукамал қилган ва ўзи асослаган тариқатнинг негизи сифатида қўйган ва шунинг воситаси билан комил инсон бўлишнинг энг яқин ва энг мақбул йўлини кўрсатган.

Нақшбандийликдаги бу тамойил ҳалол луқмага риоят, қаноат, ўз меҳнати билан кун кечирришга чақиртиради. Бу эса уларни жаҳонга машҳур этган "Даст ба кору, дил ба ёр" - "Қўл ишдаю, қалб Оллоҳда" шиорларини ҳам келтириб чиқарган. Бу шиор Абдулҳолиқ Ғиждувоний асослаган таълимот ва хожагон тариқатидан ворис бўлиб кирган.

Кўпинча мазкур таълимотнинг асосий йўналиши, маъносини белгилаб турадиган бу шиор "Дил ба ёру, даст ба кор!" (Дил Худо билан ва қўл меҳнат билан) деб ёзилади ва талқин этилади. Ҳолбуки бу машҳур шиор "Рашаҳот айн ул-ҳаёт" асарининг Хожа Аҳрори Валига бағишланган (иккинчи) қисмида Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний тилидан шундай тарзда берилади: "Мифармудандке, Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний (қ.с.) фармуданке, гароний аз халқ бармибояддошт ва он намишавад, илло бо касби ҳалол даст ба кор, дил ба ёр дар тариқи Хожагон (қ. с. арвоҳам) амри муқаррар аст"⁸⁶ деб ёзилган. Мазмуни: Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувоний буюрадилар: "Халқни оғирлигини енгил қилмоқ керак. Бу эса фақат "Қўл меҳнатда ва қалб Оллоҳда", дейилган. Хожагонларда муқаррар амр ила ҳалол касб билан бўлади."

⁸⁴Муҳаммад Боқир, Мақомати Ҳазрат Хожа Нақшбанд. - Бухоро: Бухорои шариф, 1326 х. й. 53-54-бетлар.

⁸⁵Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. - Тошкент: Университет, 1993 17-бет.

⁸⁶Рашаҳот. 255-бет.

"Рашоҳат айн-ул-ҳаёт" асаридан келтирилган юқоридаги иқтибос "Даст ба кору дил ба ёр" шиорининг моҳиятини очиб беради. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний бу шиорни айтишдан олдин "гарони аз халқ бар мебояд дошт" дейдилар. Гарони - сўзининг мазмуни оғирлик, мушкулликдир. Яъни халқнинг оғирини енгил қилиш керак дейилмоқда. Бунинг учун эса меҳнат қилиш, қўлни ишда қилиб, қалбда Оллоҳни асраш лозим. Фақат шу йўл билан кишиларнинг оғирини енгил қилиб бўлади.

Нақшбандия таълимотининг асоси "хилват дар анжуман" тамойилининг моҳияти шундаки, Тангрини таниш учун анжумандан узоқлашишга зарурат йўқ. Балким "Даст ба кору, дил ба ёр", "Дил ба ёру тан дар бозор" деб ҳалол меҳнат қилиш лозим. У таъкид қиладики, Тангрини таниш учун чилла ўтириш, узлатга чекинишга зарурат йўқ. Аксинча, ҳалол меҳнат билан, жамоага фойда келтириб, фано бўлиш ва боқийлик даражасига етиш мумкин. Чунки ҳалол меҳнат жараёнида инсон нафсини жиловлайди, ўзини танийди ва шу орқали Тангрини ҳам танийди. Нақшбандия таълимотида "хилват дар анжуман" талаби асосида вужудга келган "Даст ба кору, дил ба ёр" талаби орқали бу тариқат XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳунармандлар ўртасида катта эътибор топган. "Хилват дар анжуман"даги кундалик турмуш билан зоҳирий ҳаракатда фарқ йўқлиги, яхшилик, олий ҳиммат, меҳнатга муҳаббат, ҳунармандчилик, деҳқончилик қилиш, фақат ўз меҳнати билан кун кечириш, текинхўр, мағрур, насабпараст ва шунга ўхшаш дарвешларни танқид қилиши бу йўлнинг обрў ва нуфузини халқ ичида кўтарди. Шунинг учун Хожа Исмаил, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар бу йўлни танладилар⁸⁷.

"Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида" рисоласида Ориф Усмон мазкур шиорнинг фавқуллодда муҳимлиги ва нақшбандия (Хожагон) таълимотининг туб моҳиятини ва ижтимоий-дунёвий аҳамиятини белгилаб беришини назарга олиб, унинг ўзбекча, туркча ва татарча таржималарини ҳам келтирган. Бу машҳур шиордаги "даст ба кор", яъни "қўл ишда" талаби "дил ба ёр"лик ҳолатидан олдин келган. Бу эса нақшбандия тариқатида ижтимоий-дунёвийлик асосий масала эканлигидан далолат беради. Ҳар бир киши аҳил меҳнат қилиши билан ўзининг имонли эканлигини кўрсатишини исботлайди.

Тасаввуфшунос тожик олими А. Муҳаммадхўжаев хилватни инкор этиб, меҳнат билан кун кечиришни Абу Али Даққоқ, Нажиб

⁸⁷Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. – Душанбе, 1989. - С. 85. 2

Сухраварди, Абу Сайид Абулхайрлар ҳам тавсия этганини ёзган.⁸⁸ Шунингдек, бу мазмунда иш олиб борган бошқа валий ва шайхлар ҳам мавжуд. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фақат Баҳоуддин Нақшбанд ўзининг тариқати асосига "хилват дар анжуман"ни қўйди ва бу таълимотни мукаммал такомил этиб таҳлил қилди. У қандай қилиб анжуманда хилват қилиш мумкин эканлигини исботлади. Ўзи ўз ҳаёт йўли орқали бу амалнинг афзаллигини кўрсатди. Шунинг учун бу ишда Баҳоуддиннинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тасаввуфшунос олим Н. Комилов "Тасаввуф" китобида "хилват ва анжуман"га махсус боб ажратиб, уни чуқур таҳлил этган.⁸⁹ Нақшбандия таълимотида хилват ва анжуман тушунчаларининг шаклланишида икки ҳадис - "Исломда роҳиблик йўқ" ва "Фақирлик менинг фахрим"нинг ўрни борлигини исботлаган.⁹⁰

Бутун борлиқ гултожи, бутун олам меҳвари бўлган Ҳазрати Инсон қўлидан Хайр, Эзгу ишлар келади. Нақшбандия таълимотида "Даст ба кор", яъни "Қўл ишда" шиори моҳиятини англаш мақсадида "Инсон қўли" тушунчасини таҳлил этишга азм этдик. "Инсон қўли" тушунчасини кенг ва тор маънода қўллаш мумкин. Тор маънода инсон танасининг бир узви бўлган ва инсонни ҳаракат ва меҳнат жараёнида асосий ролни бажарадиган қўлидир. Кенг маънода – инсон салоҳияти, иқтидори, инсон қила оладиган барча ишлар. Бу маънода "қўлидан келади", "қўли узун", "қўли калта" деган иборалар инсонга нисбатан ишлатилади.

Инсоннинг вужудга келишига доир эволюцион ва диний қарашлар мавжуд. Икковида ҳам умумийлик шундаки, инсон тўрт оёқли ҳайвонот олаmidан ўзини иккита қўли борлиги билан тубдан фарқ қилади. Бу қўллар кейинчалик аста-секин вужудга келганми, ёки Тангри инсон зотини икки қўли билан яратганми бошқа тадқиқот мавзуи. Асосийси инсон зотининг ўзига хослиги икки қўли борлигидадир.

Биринчидан, таъкидлаш лозимки, инсонни одам зотига мансуб бўлишида, онгли мавжудотга айланишида қўлнинг катта ҳиссаси бор. Антропология фанининг далолат беришича одамлар пайдо бўлиши, ривожланиши жараёнидаги қатъий бурилиш – бу уларнинг тўрт оёқлаб юришдан тик юришга ўтишидан ва олдинги оёқлари қўл

⁸⁸ Муҳаммадходжаев А. Идеология нақшбандизма. Душанбе: Дониш, 1993-С. 169-170.

⁸⁹ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Тошкент: Ёзувчи, 1996й. 90-113-бетлар.

⁹⁰ Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 203-225 – бетлар.

вазифаси учун бўшатилишидан бошланган.⁹¹ Қўллар вазифасини бажара бошлаган олдинги икки оёқ бутунлай бошқа вазифалар учун ихтисослаша бориб, меҳнат жараёнида янги-янги янада мураккаб вазифаларни бажариб, такомиллашиб борди. Бу қўллар ёйиш учун ярқли ўсимлик илдизларини қазиб олишдан тортиб, ерларга ишлов бериш, меҳнат қуролларини яшаш ва улар ёрдамида ёввойи ҳайвонларни овлаш каби мураккаб ишларни бажара бошлайди. Натижада, одам қўллари бора-бора юқори тараққий этган одамсимон маймунларнинг қўлларида бутунлай фарқ қиладиган хусусиятларга эга бўла боради. Чунки бу қўллар меҳнат қуролларини ясайди, уни ўзгартириб, такомиллаштириб, ижод қилади, моддий ва маънавий бойликлар яратади, яъни инсонни ижтимоий фаол бўлишига ёрдам беради. Ҳолбуки энг юқори тараққий этган одамсимон маймунларнинг қўллари ҳеч қачон бирорта энг қўпол тош пичоқ ҳам ясаган эмас.

Одам қўлларининг такомиллашиб бориши, ўз навбатида, одам организмнинг бошқа қисмларига ҳам, хусусан, мияга, унинг ривожланишига жуда кучли таъсир кўрсатади. Бинобарин, қўлга фойда келтирган жамики нарса шу қўл жойлашган бутун танага ҳам фойда келтиради.

Меҳнат тақсимооти маълум меҳнат соҳасида қўлларни ихтисослаштиради. Шу билан инсонларнинг бир-бирини махсулотига эҳтиёж асосида тил ва нутқ ҳам вужудга келади. Бу жараёнда ҳам қўлнинг махсус ўрни бор. Меҳнат жараёни, тил ва нутқ инсон онгини шаклланиши ва ривожланишида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Қўл ҳаракати, меҳнат жараёни мияда янги хусусиятларни шакллантирди. Мия ва сезги аъзолари такомиллашади. Одамнинг абстракциялаш, умумлаштириш ва зеҳн ишлатиш қобилияти тараққий этади. Инсон миясида идрок этиш, тасаввур, тушунча, ҳукм, хулосалар пайдо бўлади. Қўл таъсири мияда фикр шаклида инъикос этади. Бу тилда реаллашади, ифода этилади.

Оловдан фойдаланиш, пишган гўштга эҳтиёж ҳайвонларни қўлга ўргатишга олиб келди. Бу қўл меҳнатининг янги шакллари вужудга келтирди: овқат пишириш, уй-жой қуриш, кийим-кечак тикиш, касб-ҳунарлар – кулолчилик ва бошқалар.

Қўл, сўзлаш органлари ва миянинг биргаллашиб ишлаши кишиларда тобора мураккаброқ ишларни бажаришга имкон берди. Аста-секин санъат ва фан пайдо бўлди. Хуллас, одамни ҳайвонот дунёсидан ажратган ижтимоий – тарихий ҳодиса бўлган онгининг

⁹¹ Қаранг: Фалсафа: (Ўқув қўлланма)/ Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 1999. 361-365-бетлар.

вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишида инсон қўлининг хизмати беқиёс. Чунки меҳнат жараёни, айниқса жисмоний меҳнатда қўлнинг ўрни катта ва айнан шу жараён тил ва нутқ, тафаккурни ҳосил этди. Тафаккурлаш миқёсининг ошиши қўлга ҳам таъсир этди. Энди бу қўллар оддий тош-пичоқни эмас, осмон ўпар бинолар, компьютер, робот, космик кемалар каби мураккаб нарсаларни ҳам қура оладиган бўлди.

Қўл такомиллашиб, меҳнат, касб-ҳунар, илму-фан жараёнида фаол бўлди. Натижада ўз ишини жуда яхши бажарганларга нисбатан “қўли гул”, “моҳир қўллар”, “қўллари дард кўрмасин”, “қўли юмшоқ”, “қўли ширин”, “қўли чаққон”, “қўли иссиқ”, “қўлининг тафти бор” деган қўлнинг тавсифу таърифлари ҳам вужудга келди.

Инсонларнинг ўзаро муносабатида ҳам қўл ҳолати муҳимдир. Дастлаб саломлашганда қўлни очиб, “Кафтимда ҳеч нима йўқ, мен яхши ният билан келдим”, деб саломлашганлар. Кейинчалик маълум келишувга келганда қўл бериш одати юзага келган. Ҳозир ҳам дустлик, биродарлик рамзи сифатида барча миллат, элат, жинс ва аҳоли қатламини бир-бири билан қўлма-қўл олиб турган ҳолати тасвирланади. Чунки инсонларни бир-бирини қўлини олиши ҳамжиҳат, дўст иттифоқ бўлишидир. Ҳадиси Шарифда “Ким бировга тили билан ва қўли билан озор бермаса ҳақиқий мусулмондир” деб беҳудага ёзилмаган. Ота-онани боласини бешигини қўли билан тебратишидан, уни катта бўлганида елкасига қўлини қўйиб, қўллаб-қувватлашигача, қўл фарзандга куч-қувват ато этади.

Қўлнинг тафти, унинг очиқлиги қалб ҳолати билан боғлиқдир. Қалби кибру ҳаво, нафсу ҳавас, ғазаб ўти билан кирланган кишиларни “қўли қаттиқ”, “қўли ёпиқ”, “қаттиққўл” дейдилар. Қалби покни Хожа Хизр билан тенглаштирадиларки, у кишини қўлини олиб, нима ният қилинса ўша амалга ошади. Хизрнинг қўллари юмшоқ бўлар экан.

Қодирия тасаввуфий таълимотидаги “Машғуллик ила фориғлик”, нақшбандиядаги “Даст ба кору, дил ба Ёр”лик шиори инсон меҳнат қилар экан, қўл ҳаракати қалб амрига бўйсуниси, яъни холис, тамаъсиз эзгулик ниятида бўлиши лозимлигига ишоратдир. Модомеки, инсонга маълум ишни қила олиш учун куч-қувват, маҳорат, иқтидор, истеъдод, салоҳият берилган экан, уни фақат Хайр иш учун, Эзгулик мақсадида сарфламоқ лозим.

Қўл Эзгу ният, Эзгу фикрни амалга оширса бундай қўл билан қилинган дуо ҳам ижобат бўлади. Шунинг учун аввалдан халқ табобатида, руҳшунослар қўлга эътибор берганлар ва унинг қандай туришига қараб инсонга баҳо берганлар. Масалан: ёшлиқдан боланинг

қўли очик бўлиши ёки муштлаб туриши; гапирганда қўлни бигиз қилиб, тик тутиши ёки пастда бўлиши; тик турганда қўлни қовуштириб туриши ёки очик бўлиши; сизга томон чўзилган, ёки орқада туриши ҳам қўлни инсон гавдасини тили сифатида гапиришини аниқлаганлар. Қўллар бир-бири билан туташганда панжалар ҳолатига қараб характерни белгилаганлар. Қўлдаги нуқталар асосида инсонни даволаш мумкинлигини аниқлаб, халқ табобатида игналар ва массаж билан бутун тананинг нуқталари даволанган. Шу билан бирга қўлдаги чизиклар ҳам инсон тақдири ҳақида ахборот бера олиши масаласи ўрганилган ва хиромантия деган таълимот вужудга келган. Хиро – грек тилидаги *chier* – қўл ва *manteia* – фол очиш, башорат қилиш маъносидаги сўзлар бўлиб, хиромантия – инсон қўлининг кафтидаги чизикларга қараб фол очиш, уни тақдирини башорат қилиш, келажагини айтиш, кафтшуносликдир.⁹² Хиромантияни нотуғри, бидъат, ўтмиш қолдиғи деб баҳолаш, қарашлар ҳам мавжуд. Лекин фаннинг ҳозирги тараққиёти инсон қўлидаги ҳар бир чизик, ҳар бир нуқтанинг ўзига хослигини аниқлаб, қўлни чуқурроқ ўрганиш масалаларига аҳамият бермоқда.

Ислом оламида жуда кўп азиз – авлиёларнинг мақбаралари аксарияти зиёратгоҳ сифатида мавжуд. Халқ уларни эътиқод билан тавоф этади. Кўп қабрлар устида туғ бўлиб, унда қўл очик, беш панжаси билан кўтарилиб, ҳамма учун кўринган ҳолатда қўйилган. Айнан қўл, хусусан очик қўлни тасвирлаб, маълум қилиб қўйилганини, албатта, мазмун-моҳияти бор:

Биринчидан, қўлнинг панжалари тенг эмас, лекин улар ҳар бири маълум вазифани бажаради ва бир-бирини тўлдириб, уйғунликда зарурдир. Инсоният ҳам, “беш панжа тенг бўлмагани каби тенг эмас”. Лекин инсон зоти ҳар бирининг ўзига хослиги бутун инсониятнинг бахтли ҳаёти учун хизмат қилади. Шунинг учун очик қўл барча инсонлар тенг, ҳаммани севиш ва ҳаммани баравар кўриш, деган маънони англатади.

Иккинчидан, инсон бу оламдан кетаётганида, қабрига ўзи билан ҳеч нимани олиб кетмайди. Яъни унинг қўли очик ва бўш бўлади. Шунинг учун Искандар Зулқарнайн: “Мени ўлимимдан кейин қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглар, токим одамлар кўрсинларким, шунча мол-мулким бўла туриб, шунча жангу-жадал билан мамлакатларни забт қилганим билан, мен қабримга ҳеч нимани олиб кетаётганим йўқ.” Шунинг учун очик қўл – “Мол-мулк тўплашга ружу

⁹² Словарь иностранных слов. Москва: Русский язык, 1989. С.560.

қилманглар”, “Охират озиғини тўпланглар”, “Бир-бирингиз билан аҳиллик ва дўстликда яшанглар” деганларини ифодасидир.

Учинчидан, очик қўл-хайр, саховат рамзи бўлиб, барчани умри давомида қўли очик бўлиб, етим-есир, бева-бечора, ожизу мухтожларга ёрдам қўлини чўзиш лозимлигига ишорадир.

Қўл мушт ҳолатида ҳам ижобий бўлиши мумкин. Кўпинча чуқур тафаккур вақтини файласуфлар қўл муштлашган ҳолатига чаккага қўйилган сифатида тасвирлайдилар. Қадимги Юнон файласуфи китийлик Зенон бу ҳақда фикр билдирган. “Донишманддан ўзга ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди”, деб ёзганди Зенон. У ўзининг бу фикрини ҳаракат орқали тушунтирган. Яъни бармоқлари ёзилган қўлига ишора қилиб: “Бу тимсол аломати” дейди. Кейин бармоқларини сал букиб, шундай дейди: “Бу ризолик аломати”, ниҳоят бармоқларини мушт қилиб тугиб: “Бу эса англаш аломати” дейди ва ўзининг бу ўхшатмасига каталепсис деб ном беради. Сўнгра чап қўлини узатиб, ўнг муштини қаттиқ сиқиб: “Мана бу донишманддан ўзга ҳеч ким эриша олмайдиган билимдир”, - деб сўзини тугатади.”⁹³ Демак, олган билимни англаш жараёни инсондан куч-қувват талаб этади, шунинг учун у қўлларини муштлаб, кучини йиғади. Бу ҳолатни Хожа Аҳрор Валий ҳам шундай мисралар билан баён этганлар:

Як ҳамлаи мардонаи мастона бикардам,
Аз илм гузаштаму ба маълум расидам.

Мазмуни:

Бир мардона, мастона ҳамла қилдим,
Илмдан ўтдим, маълумга етдим.⁹⁴

Қўл ўз вазифасини адо этмас экан инсон зоти таназзулга юз тутади. Қўлни ёмон, фаҳш ишларга, ўғирлик, зўравонлик, бузғунчиликка ишлатиш гуноҳ. Қўл қатор-қатор узук, билагузук ва безакларни тақиш учун эмас, хайр ишларни қилиш учундир. Меҳнат қилмайдиган қўл, қуруқ ёғоч кабидир. Абдулла Орипов “Аёл” шеърисида шундай кишиларни танқид қилиб, қуйидаги сатрларни ёзган:

Баъзида тирноқлар беағи учун,

⁹³ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Т.: Янги аср авлоди, 2007. 128-бет.

⁹⁴ Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот: (Оби ҳаёт томчилари) (Табдил ва сўнгсўз муаллифи М.Ҳасаний). Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. 303-бет.

Сахардан шомгача қилурсиз тоқат.
Лекин ёрингизни кутгали нечун,
Топилмас тирноқча сабру-қаноат?

Бола санокни дастлаб ўз қўлларидан ўрганади, нарсаларни қўлга олиб, таниб, билиб боради. Таъкид этиш лозимки, дастлаб санокни аждодларимиз ўрганганлиги ва Хоразмийни хизматини академик шоир Ғафур Ғулом қуйидагича таърифлаган:

Бизда лагарифманинг мушкул муаммолари,
Қўлдаги бармоқлардай оддий қилинганда ҳал.
Олий ирқ даъвогари, Черчильнинг боболари,
Ҳатто санай олмасди, ўн бармоғин мукаммал.

Аждодларимиз қўлда узук таққанида ҳам уни безак учун эмас, маълум эзгу маъно-мазмун учун таққанлар. Узук меҳр-муҳаббат, севги ва садоқат рамзи бўлган. Сулаймон пайғамбар узугининг юзида “Бу дунёдаги ҳамма нарса ўткинчи”, ички томонида “Бу ҳам ўтиб кетади” деган ёзувлар бўлиб, уни қайғули дамлари ва ғазаби келганида меъёрда сақлаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, баркамол авлодни тарбиялаш асоси бўлган ўзликни англаш масаласида инсон бутун тана ва руҳиятини, шу қаторда ўз қўлини мукаммал билиши, уни кадр-қимматини англаши ва ундан фақат эзгулик ишларига фойдаланиш лозим. Инсон қўли жуда қудратли куч бўлиб, у шундай мўъжизаларни амалга оширган:

1. Инсон тўрт оёқли ҳайвонот олаמידан ўзининг икки қўли борлиги ва улар ёрдамида меҳнат қуроқларини ясай олиши билан ажралиб туради. Инсон зотини пайдо бўлиши, ривожланишида қўл меҳнатининг ўрни беқиёс. Ҳозир ҳам инсон икки қўл ёрдами билан қиладиган меҳнати билан ҳақиқий инсондир, бўлмаса икки оёқли ҳайвон бўлиши мумкин.

2. Одам қўлларининг такомиллашиб бориши, меҳнат туфайли одам миясининг ривожланишига жуда кучли таъсир этади. Инсон онгли фикрлайдиган зот бўлишида, тафаккурини кенгайтишида қўлнинг роли беқиёс.

3. Қўл меҳнати жараёнида инсонни ҳайвондан ажратадиган тил ва нутқ ҳам вужудга келган. Ҳозир ҳам меҳнат жараёни тил ва тафаккур имкониятларини кенгайтирмоқда.

4. Меҳнат жараёнида қўл ҳаракати мияда идрок, тасаввур, тушунча, ҳукм, хулоса кабиларни пайдо қилди, тафаккур қилиш жараёни вужудга келди.

5. Тафаккур ва ижодий меҳнат қўлнинг имкониятларини оширди. Ҳозирги кундаги моддий ва маънавий неъматлар инсон қўли томонидан яратилган.

6. Инсонларни аҳил, барқарор, ҳамжиҳат, дўст бўлиш қўлни қўлга бериб яшашларига боғлиқ.

7. Қўлнинг Эзгу, Хайр ишларни бажариши, бир томондан, инсон қалбига, иккинчи томондан, унинг тафаккур тарзига боғлиқ.

Инсон қўли сирини ўрганиш, бу масалани ҳар томонлама тадқиқ этиш, инсонни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, баркамол бўлишига ёрдам беради. Бу соҳада қуйидаги маслаҳатлар ва тавсияларни эътиборга олиш инсон камолотига ёрдам беради:

- Ўз қўлингга боқгин, унинг ҳар бир нуқта ва чизигини ўргангин, ундаги ҳар бир ўзгаришга эътибор бергин.
- Бирор киши муҳтож бўлса, тезда ёрдам қўлингни чўзгин.
- Қўлингдан келадиган яхшилиқни қилгин, у албатта ўзингга кўпайиб қайтади.
- Меҳр-саховат учун қўлинг мудом очик бўлсин, бахилликни саховатпешалик билан йўқотгин.
- Ҳамма вақт қўлингни дуои Хайрга, яхши ниятларни амалга ошиши учун кўтаргин.
- “Қўли очик”, “Қўли гул”, “Моҳир қўл” лилар билан ҳамсуҳбат бўл ва улардаги яхши томонларни ўзингга сингдиргин.
- Қўлинг қалбинг амрини бажо этсин. “Даст ба кору, дил ба Ёр” бўл!
- Сени севадиган, сенга ёрдам берадиган инсонларни кафтингга кўтариб юргин.
- Бутун борлиқ, хусусан табиатни, янги ниҳолларни асраш сени қўлингда эканлигини унутма.
- Илм олганингда, қўлни мушглаб, бутун кучингни тўплаб, англа, шунда донишманд бўласан.
- Муаммо туғилганида қўлинг билан пешонангни сила, муаммо ечими топилади.
- Қўлни беҳуда ҳаракатдан асра. Қўл кучини фақат Эзгу ва Хайрли ишга сафарбар эт.

Демак, қассория-маломатия тариқатидаги тамойиллар нақшбандия тариқатининг қуйидаги ғояларини шакллантириш асоси бўлган:

- “Хилват дар анжуман”.
- Ихлос-риёсиз, сидқ билан холис эзгулик қилиш.
- Хуфия зикр.
- Фаол турмуш тарзи.

Қассорияда вужудга келган ва нақшбандияда ривожлантирилган бу ғоялар бунёдкорлик хусусиятига эга бўлиб, ҳозирги кун фаровон турмуш тарзи учун зарур.

3. НАҚШБАНДИЯ ВА ТАЙФУРИЯ

Тайфурия тариқати Абу Язид ёки Боязид Тайфур бин Исо Бистамий издошлари номи билан юритиладиган йўлдир. Бистамий (875 йил вафот этган) жуда машҳур форс сўфийсидир. Тайфурия тариқати унинг вафотидан кейин ташкил топган. У Эроннинг шимолий-ғарбий томонидаги Бистам шаҳрида туғилгани учун Бистамий номи билан машҳурдир. Бистамий бутун умрини шу шаҳарда ўтказди ва шу ерда вафот этди. Тасаввуфда унинг устози Абу Али ас-Синдий ҳисобланади. Синдий араб тилини билмаган ва Бистамий унга ўргатган. Синдий эса Бистамийни сўфийлик сирлари билан ошно этган.

Бистамий “Султонул орифин” ёки Жунайд Бағдодийнинг “Фаришталар орасида Жаброил қандай мавқеъда бўлса, Боязид ҳам бизлар учун шундай” деган таърифларга муносиблиги унинг нақадар юксак мақомга етганидан далолат беради. Рус олими О.Акимушкин Боязид Бистамий ўзидан кейин бирор асар қолдирмаган, лекин 500 бетга яқин шогирдлари томонидан ёзиб олган ўғит ва сўзлари сақланган⁹⁵ деб таъкидлаган. Ҳужвирий “Кашф ал-махжуб”да Боязид Бистамийни сўфийликда мавжуд танланган ўнта имомнинг биридир⁹⁶ дейди.

Боязид Бистамий таълимоти суқр йўлидир. **Сакр ва сахв** - сархушлик ва ҳушёрлик. Тасаввуфдаги асосий тушунчалардан биридир. Улар ғайбат ва ҳузур ҳолининг олий шаклидир. Сакр (ёки суқр) илоҳий ишқ майидан маст бўлиб ўзини унутган, ўзидан кечган ошиқнинг ҳолидир. Сахв эса бунинг акси: ўзин унутганининг ўзига келиш, ҳушёр бўлиш, тамкин ҳолати; ғайбат ҳолининг зоил этилишидир.

Қушайрийнинг таъкидлашича, "Қул сакр ҳолида ҳол шоҳиди (маънавий бир ҳол ила ҳузури илоҳийдадир) биландир. Сахв ҳолида эса илм шоҳиди (шариат илми талабларига кўра амал қилгувчи) биландир". "Кашфул махжуб"даги таснифга кўра, сакр икки турлидир: 1. Муваддат (дўстлик) шаробидан туғилажак сакр. 2. Муҳаббат қадаҳидан ҳосил бўладиган сакр. "Муваддат сакри мадлулдир. Зеро, у неъматни кўрмақдан юзага келур. Неъмат бергувчини кўрган ҳар бир киши Уни унингга кўрур. Бу тақдирда

⁹⁵ Акимушкин О. Ал-Бистами. /Ислам. Энциклопедический словарь. Москва: Наука, 1991. 42-бет.

⁹⁶ Кашф ал-махжуб. 106-бет.

ўзини кўрмас бўлур..." деганлар Хужвирий. Ул зот сахвни ҳам "Ғафлат сахви" ва "муҳаббат сахви" дея иккига ажратиб бундай ёзганлар: "Ғафлат сахви Ҳақ билан қул ўртасидаги энг катта ва энг қалин ҳижобдур. Муҳаббат сахви энг очиқ кашф эрур...".⁹⁷

Сакр ва сахв орасидаги асосий фарқ эса мана бундай: сакр ҳолида инсон ўзини тамоман унутади. У ақлу хушини тарк айлагани учун фано ва бақога доир билим ва тушунчалардан ҳам фориғ бўлади. Чунки Ҳаққ қулга жамол сифати билан тажаллий этгач, у бундан сархуш ва сармаст бўлиб "мен"ликдан йироқлашади. Сахв ҳолида эса бундай эмас, инсон ҳамма нарсага ақл нигоҳи билан қарайди, ўзлигига доир тушунчалардан ажралмайди. Фақат буларнинг барчасига "фано" кўзи ила боқади. Чунки ҳақиқатда боқий бўлган ва боқий қоладигани ёлғиз Оллоҳдир. Бошқаси ўткинчи ва йўқликка маҳкум эрур.

Боязид Бистамий ва ул зотнинг тарафдорлари сакрни сахвдан юксак ҳисоблаганлар. Уларнинг ақидаси бўйича, сахв қул билан Оллоҳ орасида қалин парда бўлган ўша башарий сифатларнинг мавжудлигини таъминлайди. Сакр эса бу сифатларни йўқотиб, ихтиёр, тадбир, тасарруф сингари ҳижобларни ҳам ўртадан кўтаришга қодирдир. Айрим сўфийлар сакрни "султоний ҳол"нинг энг юксак камолга эришуви деб билганлар Абдуллоҳ Давалининг "Гулзори сўфия"сида "нафснинг воридати ғайбия сабаби ила завқ ва сурурдан туғилган" сакр - "сакри табиий", ишқнинг ғалабасидан юзага келган сакр - "сакр илоҳий" деб номланган.

Боязид Бистамий тасаввуфда фано ҳақидаги таълимотни ҳам киритган. Нақшбандия таълимотида унинг ғояси ривожлантирилган. Баҳоуддин Нақшбанд фанони умуман икки хил: зулмоний табиий вужуд фаноси ва нуроний – руҳоний вужуд фаноси, деб ёзади⁹⁸. Баҳоуддин фанога хос валоятнинг ибтидоси деб шундай таъриф берган:

Чист меърочи фалак? Ин нести!
Ошиқонро мазхаби дин нести!
Ҳеч касро гар нагардад ў ф а н о
Нест раҳ дар боргоҳи кибриё!⁹⁹

Мазмуни:

⁹⁷ Кашф ал-махжуб. 187-бет.

⁹⁸ Мақомот. 61-бет.

⁹⁹ Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. Тошбосма. 89-бет.

Фалакнинг меърожи нима? Бу йўқлик!
Ошиқлар мазҳабу дини бу йўқлик!
Ким агар ф а н о га етмаса
Кибриё боргоҳига унга йўл йўқ!

Шунингдек, Баҳоуддин фанонинг маълум даражалари борлигини кўрсатиб, шундай айтган:

Биринчи даража - ф а н о ф и ш а й х деб номланади. Бу солиқнинг ўзини зоҳиран ва ботинан мушоҳада этиш ва уни Шайх зоҳир ва ботинига мослашдан иборатдир¹⁰⁰.

Бу мартаба ф а н о и а д н о, яъни фано ҳолатининг қуйи босқичи ҳам дейилади. Солиқ фано ҳолига энди кира бошлаган ҳолатини шу ном билан ифодалаганлар.

Бу мартабага етган солиқ бутун оламни Шайх суратида кўради. Шунинг учун бу даражани ф а н о ф и Ш а й х мақоми деб атайдилар. Бу фано фи набий мақомининг муқаддимасидир. Бу вақтда нафъ ва исбот амали ижро этилади. Яъни бир нафасда 21 бор калимаи тайиба айтилади ва борлиқдаги мавжудодга фано кўзи билан қаралади, асл зот кўрина бошлайди.

Кейин қ а л б ф а н о с и бошланади. Унда қалбда Тангридан ўзга нарса қолмайди.

Кейинги камолот даражаси ж а с а д и й ф а н о ҳолатидир. Унда солиқ жасадини илоҳий нур билан мушоҳада этади.

Бу даражани босиб ўтгач, с и ф а т и й ф а н о ҳолатига этади. Солиқ ўз сифатларини илоҳий сифатлар ила кўради.

Кейинги камолот номи ф а н о ф и н а б и деб номланади. Бу солиқ ўзлигининг Муҳаммад нурларига тўла маҳв бўлишидир.

Кейинги даража ф а н о ф и О л л о ҳ деб номланади. Бу ўзни Тангри химоясида ҳис этиш ва илоҳий сифатларда бўлиш мақомидир. Бу мақом икки қисмдан иборатдир:

1. Фанои шухудий

2. Фанои вужудий

Фанои Шухудий - (шухудий фано) илоҳий шухуддан иборат. У Тангридан ўзгани мушоҳада этмасликдир.

Фанои вужуди - ягона вужудни танишдир.

Фано фи Тангри - Тангрида фано бўлиш мақоми фано мақомларининг олийсидир. Бундан кейин б а қ о б а А л л о ҳ ҳолати

¹⁰⁰ Қаранг: Умар Форук. Сайдо ал Жазарий. Тасаввуф сирлари. -Тошкент: Моваруннахр. 2000. 53-55-бетлар.

бошланади. Солик бутун мавжудотнинг Илоҳий сифатлар ҳимояси остида эканлигини топади¹⁰¹.

Демак, фано ҳолати нақшбандия таълимотида:

1. Фано фи Шайх

2. Қалб фаноси.

3. Жасадий фано.

4. Сифатий фано.

5. Фано фи Наби.

6. Фано фи Тангри даражаларидан иборат экан. Фано даражаси ҳолатида солик биринчи шайхида фано бўлади, кейин унинг қалби, жасади, сифати фано бўлиб, набийлар ҳолатига етиб энг охири Тангрида фоний бўлади.

Фано фи Тангрини Валояти сағир мақоми деб номлайдилар. Кейин Валояти Кабир бошланади. Бу анбиёлар валоятидир. Бу валоятда Халқ оламининг лотоифлари билан машғул бўладилар. Кейин Малоикалар валояти бошланади, бу жуда олий мақомдир. Демак, бу вақтда инсон фаришталар сифатини эгаллайди. Бу Халқ олаמידан бўлган олов, ҳаво, сув лотоифлари фаноси билан бўлади. Яъни инсонда тупроқ сифатигина қолади. Кейин Нубувват камолоти валояти бошланади. Бу мақомни ҳам б а қ о деб номлайдилар. Биринчи ҳолатда Амр олами лотоифлари бақога етган бўлса, иккинчи ҳолатда жисмдаги Халқ олами лотоифлари ҳам аслини таниб бақога етади¹⁰². Кейин ҳақиқатлар очила боради. Дастлаб Каъбаи Муқаррамаи Раббоний Ҳақиқатига етади. Бу даражада кашфлар бўлади, мушоҳадага етади. Кейин Қуръон ҳақиқати очилади. Кейин Ҳақоик ал Ҳақоик очилади. Бу Муҳаммадий ҳақиқатдан иборатдир.¹⁰³

¹⁰¹ Рисолаи дигар мансуб ба Соҳиб-зода.// Моле М. Нақшбандиёт. –Техрон, 1959. 321-бет.

¹⁰² Ўша ерда.322-бет.

¹⁰³ Қаранг: Наврӯзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. 141-144 – бетлар.

ИНСОН КАМОЛОТИДА ФАНО

Даража номи	Ҳолат
ФАНО	Фано фи Шайх Қалб фаноси Жасадий фано Сифатий фано Фано фи Аллоҳ а)фанои шухуди б)фанои вужуди

Манбаларда Баҳоуддин Нақшбандга оид қуйидаги маълумот бор: Бир дарвиш нақл қилиб деди: “Насаф йўлида Ҳазрат Хожамиз қуддуса сиррухунинг ёнларида кетар эдим. Улар эса ўз сулуклари ҳақида сўзлаб борардилар, сўзда жуда кўп машойихларн зикр қилдилар ва дедилар: “Султон Абу Язид қуддуса сиррухунинг мақомларида сайр қилдим, у қаерга етган бўлса, ўша ерга етдим. Шайх Жунайд, Шайх Шиблий ва Шайх Мансур қаерга етган бўлсалар мен ҳам ўша ерга етдим. Охири бир боргоҳга етдимки, бу боргоҳдан муаззамроқ боргоҳ йўқ эди. Билдимки, бу Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг боргоҳлари эди. Боязид қилган ишни қилмадим, яъни беадабликка йўл қўймадим”¹⁰⁴.

Демак, Ҳужвирий “Кашфул маҳжуб”да ҳақ деб кўрсатган тариқатлардан бўлган ва Боязид Бистамий асослаган тайфурия йўлидан нақшбандия фарқ қилади. Чунки Боязид Бистамий суқрмастлик йўлини инсон камолотининг юксак даражаси деб билганлар. Нақшбандия таълимотида эса хушёрлик асос бўлиб, мастликни ғафлат деб билади. Лекин Боязид Бистамий тасаввуфга киритган фано ҳолатига нақшбандия тариқати махсус эътибор бериб, бақо ҳолати ҳақидаги ғояларни яратган.

Ҳозирги кунда тасаввуфдаги фано тушунчасини тўғри тушуниш, моддий оламга боғланмасдан, фидоийлик билан муносабат каби тушунчаларни чуқур таҳлил этиш ва шу амалиётни тўғри англаш даври келди.

¹⁰⁴ Қаранг: Баҳоуддин Балогардон. 46-бет.

4. НАҚШБАНДИЯ ВА ЖУНАЙДИЯ

Жунайдия тариқати асосчиси Жунайд Бағдодийдир. Абулқосим Жунайд б.Муҳаммад ал-Каварири ал-Хаззаз Жунайд Бағдодий (910 йил вафот этган) – тасаввуфдаги хушёрлик – сахв йўлининг асосчиси. У Бағдодда туғилиб ўзининг ҳаётини тўла шу шаҳарда ўтказди. Ёшлигида отаси вафот этиб, тоғаси – сўфий Сари Сақати (867 йил вафот этган) кўлида тарбия топди. У Ҳорис Муҳосибийдан ҳам илм ўрганди. Жунайд сўфийликда мунтазам руҳий покланиш воситасини кўрарди. Унинг фикрича инсон учун ўзини илоҳий қувват олдидаги ожизлиги ва унга жуда муҳтожлигининг абадийлигини билиш зарур.

Жунайд Бағдодий қуйидаги уч поғонадан иборат сўфийлик назариясини асослаган:

1. Ягона реал борлик – бу илоҳий борлиқдир.
2. Бутун борлик шу асосдан бошлангани учун яна шунга қайтади. Жамъ ҳолати учун тафриқ ал-аввал деб уни номлайди.
3. Жамъ ҳолатига етиш учун фанодан бақо ҳолатига етиш, яъни илоҳий ҳолатдан инсонларга янги сифат билан қайтиш – бақо баъд ал-фана, ал-фарқ ас-сани, ал-фарқ ат-табии, жам ал-жам – номлари билан аталадиган ҳолга етиш. Бу ҳолатда инсониятга илоҳий нур ва маърифатни тарқатиб хизмат қилиш.¹⁰⁵

Демак Жунайд Бағдодий тасаввуфга Боязид Бистамий томонидан киритилган фанони инсон камолоти, ёки бақо ҳолига етиши учун бир восита сифатида қараган.

Бақо - фанонинг зидди, давомийлик. Тасаввуфий истилоҳда қулнинг ўзида мавжуд нарсалардан кечиб, Аллоҳга оид ҳақиқатлар билан бақога эришиши. Башарий иродадан илоҳий, яъни энг олий иродага юксалиш.

Нақшбандия таълимотида ҳам бақо ҳолатига оид қуйидаги фикрлар мавжуд:

Нубувват камолоти валоятини **б а қ о** деб ҳам номлайдилар. Биринчи ҳолатда Амр олами лотоифлари бақога етган бўлса, иккинчи ҳолатда жисмдаги Халқ олами латоифлари ҳам аслини таниб бақога етади¹⁰⁶. Кейин ҳақиқатлар очила боради. Дастлаб Каъбаи Мукаррамаи Раббоний Ҳақиқатига етади. Бу даражада кашфлар бўлади, мушоҳадага етади. Кейин Қуръон ҳақиқати очилади. Кейин Ҳақоик ал Ҳақоик очилади. Бу Муҳаммадий ҳақиқатдан иборатдир.

¹⁰⁵ Акимушкин О. Ал-Джунайд /Ислам. Энциклопедический словарь. С. 68-69.

¹⁰⁶ Рисолаи дигар мансуб ба Соҳиб-зода. /Моле. Нақшбандиёт. Техрон, 1958. 322-бет.

ИНСОН КАМОЛОТИДА БАҚО

Даража номи	Ҳолат
Бақо	<p><i>Бақо ба Аллоҳ</i> Амр олами латоифлари асли. Анбиёлар валояти Халқ олами латоифлари асли.</p>

Жунайд Бағдодийдан бирта “Расоил” асари сақланган. Улар мактуботлар, тасаввуфга оид рисола ва Қуръон оятлари шарҳлари тўпламидир.¹⁰⁷

Жунайдийларни “товус ал-уламо”¹⁰⁸ – яъни уламоларнинг товуси деб атаганларини Хужвирий қайд этади. Сўфийликни барча таълимотларидан Жунайд Бағдодийнинг қарашлари маълум, машхур ва кўпчилик томонидан тан олингандир.

Сакр ҳоли инсонни тобелик, қарамлик, маҳдудлик туйғуларидан халос айлаб, руҳий фаолликни таъмин этсада, ақл ва иродага ён бермагани боис, Жунайд Бағдодий ва унинг издошлари сакрдан саҳвни устун қўйганлар. Ва сакр соҳибларининг ҳолатларини мақбул ҳам кўрмаганлар. Жунайд тасаввуфда рационал йўлни бошлаб берган.

Ривоят этилишича, Мансур Ҳаллож Амр бин Усмон билан алоқани узгач, Жунайд Бағдодийнинг ҳузурига борибдилар. Жунайд: "Бизнинг ёнимизга нега келдинг?" деб сўраганида Ҳаллож: "Шайхнинг суҳбатидан баҳраманд бўлмоқ учун", деб жавоб берибдилар. Жунайд эса: "Мен телбалар билан суҳбат қурмасмен. Суҳбат ақлнинг комиллигини талаб этар. Акс ҳолда, оқибат салафларинг Маккий ва Тустарий каби бўлур", демиш. Ҳаллож: "Устод, саҳв ва сакр қулнинг икки сифати эрур. Қул башарий сифатларидан фориғ бўлар экан, Раббисидан маъжуб қолур..." Жунайд: "Мансур, саҳв ва сакр ҳақида ғалат фикрдасен. Саҳв-Оллоҳ ила саломатда бўлиш ҳоли эрур. Сакр эса шавқ ва муҳаббатнинг жўшишидир. Буларнинг иккисига ҳад қасддан ва мажбуран эриша олинмас..."¹⁰⁹

Тасаввуф оламида вужудга келган турли сулуклар комил инсон бўлишнинг турли йўл ва ўзига хос услубларини топганлар. Манбалар

¹⁰⁷ Ўша асар. 69-бет.

¹⁰⁸ Кашф ал-махжуб. 188-бет.

¹⁰⁹ Кашф ал-махжуб. 289-бет.

тахлили кўрсатадики, барча йўлларни умумий бўлган хусусият - хушёрлик ва хушсизликка муносабатига қараб иккига бўлиш мумкин. Тасаввуфда хушсизлик - суқр ва хушёрлик - сахв - йўли деб аталади ва манбаларда Боязид Бистамий ва Жунайд Бағдодий йўли ёки ишқ ва маърифат йўли деб ҳам ёзилади.

Тасаввуфдаги икки оқим - хушсизлик ва хушёрлик оқими нақшбандия тариқатидан анча олдин вужудга келган. Бу икки оқим ҳам амалиётда илоҳиёт билан интуитив етишиш мумкинлигини тан олиб, бунга эришишнинг руҳий йўлларини кўрсатганлар.

Тасаввуфдаги хушсизлик - ёки суқр йўлини анъанавий Боязид Бистамий билан боғлаганлар. Унинг таълимотида энг биринчи экстаз ва илоҳий ишқдан маст ҳолатига тушиш (суқр) характерлидир. Бу оқим тарафдорлари Оллоҳнинг ягоналиги мушоҳадасига тўла ва чуқур берилиш ботиний покликка олиб келади ва шахснинг "Мен"и абсолют даражада йўқолиб, фано ҳолатига етади ва шахс илоҳий сифатни эгаллайди деган фикрда турадилар.

Иккинчи сахв хушёрлик оқими Абулқосим Жунайд Бағдодий (ваф. 910 й.) фаолияти билан боғлиқ. Унинг таълимоти шахснинг илоҳий сифатини тўла эгаллаш - фано ҳолатига тушишни тан олади. Лекин Жунайд фанони фақат ундан юксакроққа кўтарилишнинг оралиқ йўли, воситаси деб билади. Шахс янада юксакроқда хушёрлик ҳолатига етиши керак. Оллоҳни билиш уни бақо даражасига олиб келишни ва илоҳий моҳиятни англаган шахс тўла ўз-ўзини бошқариш ва кузата олиш қувватига эга бўлиб, ўзини экстаз ҳолатидан қўлга олиб, яна бу оламга қайтиши ва кишиларга маърифат бериши керак дейди. Бу оқим хушёрлик номини олди, чунки у ўз ҳисларига хушёр, танқидий қараш ва уларни тўла назорат қилишга асосланади. Бу оқим тасаввуфда мўътадил оқим деган ном билан ҳам юритилади.

Сахв - хушёрлик йўлининг асосчиси Жунайд Бағдодийни "султонал муҳаққиқин" ва "абул машойих" номлари билан тилга олардилар. Унинг фикрича, ориф - мастлик ва беҳудлик ҳолатидан ақлга келиши керак ва ўзини англаши лозим ва Ҳақни ўз қалбида мушоҳада қилиши керак. Жунайд фикрича, сахв - хушёрлик Оллоҳга бўлган солиқнинг руҳий муносабатини мустаҳкам сақлай олади. Унинг фикрича, солиқнинг ўнг қўлида муқаддас китоб - Қуръон ва чап қўлида суннатни сақлаган шахс тариқат йўлини босиб ўта олади. Абдурахмон Жомийнинг "Нафаҳотул-унс" асарида Абдулҳолик Гиждувоний ҳақида берилган таърифда "рўй ба роҳи Ҳақ дорад ва китоби худойро иззу ва жалла ба дасти рост гирад ва суннати расулро

ба дасти чап гирад ва дар миёни ин рӯшнои роҳи сулук кунад"¹¹⁰. Мазмуни: солик "Юзини Оллоҳга борадиган йўлга қаратиб илоҳий китобни ўнг қўлида, Расул суннатини чап қўлида олиб ва бу ёруғлик орасида сулук йўли ила борган" дейилган. Бу сўзлар билан Жунайд Бағдодий кўрсатган йўл-йўриқлар айнан бир эканлигида чуқур маъно бор. Жунайд Бағдодий тасаввуфда катта обрўга эга эканлигини "Нафаҳотул-унс" асаридаги қуйидаги фикрлар кўрсатади: "Ҳар кас ки бо вай Жунайд ним рўз сўхбат дошта бошад аз вай беадаби намонад, фикайфа ки бештар"¹¹¹. Мазмуни: "Кимки Жунайд билан ярим кун суҳбатда бўлса, ундан адабсизлик чикмас, хусусанки кўпроқ. "

Бу асарда "Абу Жаъфар Ҳаддодни қуйидаги сўзлари ҳам келтирилади:"Агар ақл эр киши бўлганида Жунайд суратида бўларди деганлар"¹¹². Шунинг учун тасаввуфшунослар "Жунайдия йўлини ақлга кўпроқ аҳамият берувчи, олимликни устун қўювчилар"¹¹³ деган фикрни ёзадилар.

Бу икки йўлдан бирини танлаган мутасаввифларни шартли равишга аҳли маърифат ва аҳли муҳаббат деб ажратадилар. Маърифат аҳли - маърифат масалаларига кўпроқ аҳамият бериб, инсонни ўз-ўзини англаш ва маънавий маърифатни эгаллаш йўлларини таҳқиқ этадилар, макро ва микро олам алоқалари, комил инсон масалаларига кўпроқ тўхталадилар. Нақшбандия таълимоти ҳам шу йўлни танлаган.

Оллоҳга йўл боши "халқдан Ҳаққа" етганда инсон касратдан ваҳдатга томон юз тутаети. Тавҳид ҳолатига етгач, "Ҳақдан Ҳаққа томон" бориб ал-Ҳақ сифатларини қалб кўзи билан кўради ва Ҳақдан Ҳаққа сафар қилиб илоҳий сифатларни ўзида кўради ва сўнг "Ҳақдан халқ"га сафар қилиб комил инсон даражасига етган ҳолда халқга маърифат беради.

Жунайд Бағдодий ҳушёрлик ҳолатини мастлик ҳолатидан юқорироқ кўяди ва айтади: ҳушёрлик табиий ҳолат, мастлик ғайри табиий руҳий ҳолатдир. Шунинг учун Ориф - ҳақиқатга етганлар мастликдан ўзига келиши, ҳушсизликдан ақлга ва ғайбатдан хузурга келиб ҳақиқатни англаши лозим. Саҳв соликнинг руҳий ҳолати ва унинг ҳақиқатга муносабатини барқарор сақлайди. Жунайд ғояларини Абу Насри Саррож, Абуали Даққок, Абулқосим Қушайри ва тасаввуфнинг қодирия ва нақшбандия тариқатлари ривожлантирганлар.

¹¹⁰ Жомий. Нафаҳотул унс. 243-бет.

¹¹¹ Нафаҳотул унс. 53-бет.

¹¹² Ўша жойда.

¹¹³ Ҳазраткулов М. Тасаввуф. Душанбе: Дониш, 1990. 8-бет.

Тасаввуфшунос олимлар нақшбандия тариқатини жунайдия-хушёрлик йўлининг энг изчил давомчилари деб тан оладилар. Дарҳақиқат, бу тариқат комил инсон даражасига юксалиш учун таълимотдаги ўн битта талаблари орасида энг зарур ва аҳамиятлиси "хуш дар дам" - "ҳар бир дамда хушёрлик" деган талабни қўйганлар. Шунинг учун нақшбандия тариқати жаҳонда жуда кенг ёйилган ва у ҳақида "ақраб-ут-тариқ" - энг яқин йўл - деган таъриф мавжуд. Яъни бу тариқат олам моҳиятини англаш ва комил инсон даражасига юксалишнинг энг яқин йўлини кўрсатади деганлар.

"Хуш дар дам"- "хуш" ва "дам" сўзларидан олинган бўлиб, ҳар бир инсон ўз ўтаётган умрининг ҳар бир лаҳзаси, онда хушёр, зеҳнли, огоҳ бўлишини англатади. "Дам"- ибораси бу ерда лаҳза, фурсат, он, нафас маъносида келмоқда. Тадқиқотларда "хуш" ни баъзида "хуш" деб ёзиб, ҳар онни хурсанд, хушвақт ўтказиш маъносини англатади деган талқинлар учрайди. Лекин нақшбандияда у хушёр маъносида келган. Хушёрлик ғафлат тушунчасига қарама-қарши бўлиб, инсон ўз умрининг бирор нафаси, берилган бирор фурсатини ҳам ғафлат билан, уйқу ҳолатида ўтказишга ҳаққи йўқлиги айтилади.

Сафийнинг "Рашаҳот айн ал ҳаёт" китобида "хуш дар дам"- "рашҳа" сифатида тавсифланади. Рашҳа - ҳаётбахш томчи маъносини англатади. "Хуш дар дам"ни рашҳа дейиш билан уни англаган ва унга амал қилган толиб ҳаётбахш қатрадан ичиб абадий тириклик томон қадам қўйгандай бўлади дейилади.

Нақшбандия таълимотининг пири бўлган Абдурахмон Жомийнинг устози бўлган Саъдуддин Қошғарий ёзадики "хуш дар дам ҳар бир нафаснинг ғафлатда бўлмасдан ҳузур сиридан воқифлик ила ўтиши"¹¹⁴ маъносини англатади. Унинг фикрича, нақшбандия тариқати аҳли нафасни ҳимоя этишни муҳим деб билишлари лозим. Агар бирор киши нафасини муҳофаза қилмаса, у ҳақда " фалон киши нафасини йўқотибди, яъни тариқ йўлини йўқотибди"деб айтадилар. Демак, ҳар бир нафасдан огоҳлик ҳолатининг бўлиши, ғафлат, яъни йўлни йўқотишдан асрар экан.

"Хуш дар дам" талаби Юсуф Ҳамадонийдан қолган. Уни Абдулхолиқ Гиждувоний хожагон тариқатига тамойил қилиб олган эди. У бу ғояни ривожлантирди. Абдулхолиқ Гиждувоний хушёрликка чақириб, ҳар бир нафасни охирги ва умр сармоясини деб билган ва қуйидагича таърифлаган: "Ҳар доим охирги нафасга тайёр бўл! Яъни ҳар бир нафасни охирги деб ўйла! Ҳар ишни ўз вақтида қилки, ғафлат

¹¹⁴ Рашаҳот. 21-бет.

юз тутмасин"¹¹⁵. "Умр нафасларнинг сармоясидир. Бу сармоядан туну кун, уйқу ва бедорликдан огоҳликда харж қилиш керак. Уни жавоҳир каби асраш лозим. Агар у зое кетса катта зарар кўрилади. Худди бу асл жавоҳир бир хазинаю, беҳуда нафас хазинани ўғирлаган билан баробардир. Шунинг учун ҳам ҳар бир фурсатни ғанимат билиш керак ва уни эътибор ва истиғфор билан ўтказиш керак".¹¹⁶

Хожагон тариқатининг йирик намояндалари Ҳазрат Азизон ҳам бу маънода фикр билдирган: "бир кунда мингдан минг карра нафас оласиз. Ҳар бир нафас учун савол берилади. "Нега нафас олдинг ва нега нафасни чиқардинг?"

Рубоий

Зи ҳар нафас ба қиёмат шумор хоҳад бад,
Гунаҳ макунки, гунаҳқор хоҳад буд.
Басе савор, ки фардо пиёда хоҳад шуд,
Басе пиёда, ки фардо савор хоҳад шуд¹¹⁷.

Мазмуни:

Қиёматда ҳар бир нафас санокдадир,
Гуноҳ қилмагин, гуноҳқор бўласан.
Суворийлар эртага яёв бўладилар,
Яёв юрганлар эса суворий бўладилар.

У "Рисолаи Азизон"да Ҳаққа етишнинг ўн шартини кўрсатган ва унинг тўққизинчиси деб уйғоқликни таъкидлаган:

"Гуфтам: "Ба чи хизмат ба висолат бирасам?"

Гуфто: "Ба тааллуқи халоқ Оллоҳ"¹¹⁸.

Мазмуни:

Айтдим "Не хизмат билан сенга етаман ?"

Айтди "Ҳамма вақт Оллоҳ билан боғланишда бўлишинг билан!"

"Рашаҳот" асарида Ромитанийнинг шундай шеъри келтирилган:

Нафас мурғи муқаййид дар дарун аст,
Нигаҳ дораш, ки хуш мурғест дамсоз.
Зи пояш банд магсил то напарад,
Ки натвони гирифта баъди парвоз¹¹⁹.

¹¹⁵Ғиждувоний А. Маслак ал орифин. Қўлёзма. -В. 18а.

¹¹⁶Ўша асарда.

¹¹⁷Хожа Али Ромитаний. Рисолаи Азизон. 22-бет.

¹¹⁸Хожа Али Ромитаний. Рисолаи Азизон. 23-бет.

¹¹⁹Рашаҳот. 26-бет.

Мазмуни:

Нафас ботиндаги яширинган бир қуш,
Уни асрагин, у лаҳзаларни яратувчидир.
Оёғидан маҳкам боғлаб қўйгин, токи учиб кетмасин,
У учганидан кейин уни ушлаб бўлмайди.

Бу ерда Азизон нафасни асраш, ҳушёр ва огоҳ бўлиши лозим демоқда. Яссавия тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий ҳам ғофил бўлмасликни уқтиради ва ёзади. Унинг ғоялари ҳам нақшбандия таълимоти учун асос бўлган.

Оллоҳ ёдин айтур қуллар маъно бирлан,
Бемаънога ҳаргиз қулоқ солмас бўлур.
Оллоҳ деган ошиқ қуллар доим мудом,
Ҳақ ёдидин зарра ғофил бўлмас бўлур¹²⁰.

Баҳоуддин Нақшбанд огоҳликка ҳамма ерда, хусусан таом тановвулида риоятни шарт, деганлар.

Агар дарвешлардан бир киши луқмани ғафлат ичра егучи бўлса, Баҳоуддин дарҳол уларни шафқат ва тарбият қилиб айтарди: "Бир луқмани ғафлат билан ема. Агар бир таом ғазаб, кароҳат ва душворлик билан табақ бўлган бўлса, уни егин демаймиз"¹²¹. Ўзлари ҳам мудом шунга амал қилганлар. Ғадют деган жойда у киши уларга келтирган таомни емайдилар ва айтадиларки: "Бизга бу таомни ейиш мумкин эмас. Бунга сабаб шуки, у ғазаб билан пиширилгандир".

Баҳоуддин мудом шогирдларига таъкидлардиларки, агар таомнинг бир капгири ғазаб ва кароҳат билан пиширилган бўлса, бизлар емаймиз. Ҳар ишки, ғазаб ва нафрат, кароҳат ва душворлик билан бўлса, унда хайру баракот йўқдур, ҳавойи нафс ва шайтон унга йўл бўлишадир. Ҳосили аъмоли ҳасана таоми ҳалолдадир, уни ғафлатда емаймиз¹²².

Баҳоуддин Нақшбанддан сўрадилар:

- Ҳузури қалб намозда нимадан ҳосил бўлур?

Буюрдилар:

- Таомни ҳалол егул. Доим воқиф ва огоҳликда бўл¹²³.

¹²⁰ Яссавий А. Ҳикматлар.-Тошкент: 1991. 154-бет.

¹²¹ Анис ут-толибин.47-бет.

¹²² Салоҳ ибн Муборак. Анис ат-толибин. Тошбосма. 47-бет.

¹²³ Анис ат-толибин 48-бет. Мақомот. 67-бет.

Юқоридаги сўзлардан бу тариқат аҳли орасида ҳалол луқма ва огоҳлик асосий талаб эканлиги маълум бўлади.

Нақшбандия таълимоти учун қуйидаги мисралар шиор бўлган:

Доим ҳама вақт, дар ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳама ҳол,
Медор нухуфга чашми дил жониби ёр.¹²⁴

Мазмуни:

Мудом, ҳар ерда, ким билан бўлсанг-да, барча ҳолда
Яширин қалб кўзингни Ёр-Ҳаққа томон қаратгин.

Яна Баҳоуддин Нақшбанд ҳушёр, огоҳ бўлишга чақириб айтганлар:

Эй монда зи баҳри илм дар соҳил айн,
Дар баҳр фароғат асту, дар соҳил шайн.
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,
Огоҳ зи баҳр бош, байнул нафасайн.¹²⁵

Мазмуни:

Эй денгиз соҳилида илм олай деб кўзи очик турган киши,
Денгизнинг ўзида фароғат бору, соҳилида ёмонлик.
Сен назарларингни икки олам кўпик-мавжларидан ол,
Нафасларинг орасида ҳам денгиздан огоҳ бўл.

Бу билан инсон ҳар дам, ҳар нафаснигина эмас, нафаслар орасидаги вақтни ҳам асраб, фақат асл, боқий моҳиятдан огоҳ бўлиши унинг камолоти шарти деб қаралади.

Нақшбандия таълимотининг билимдони, шу тариқат пири ва муршиди бўлган Абдурахмон Жомий ҳам шу маънода уқтирган:

Туро як панд бас аст дар ду олам,
Ки аз жонат наёяд бе худо дам.
Агар ту пос дори поси анфос,
Ба султони расонандат аз он пос.¹²⁶

Мазмуни:

Икки оламда сен учун бир ўғит басдур.

¹²⁴ Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий. Тошбосма 139-бет.

¹²⁵ Сафий. Рашаҳот айн-ал ҳаёт. Т-2005 – 20-бет.

¹²⁶ Жоми А. Рисола дар маънии хуш дар дам. ЎзФАШИ. Кўлёзма №3844-В. 126а.

Худодан огоҳ бўлмай бир нафас ҳам чиқмасин.
Агар сен нафасларингни асрасанг, қўриқласанг,
Шу сени султонлик даражасига юксалтиради.

Демак, Жунайд Бағдодий асослаган жунайдия йўлининг изчил давомчиси сифатида нақшбандия таълимотида бу тариқат таъсирида куйидаги тамойиллар шаклланган:

1. Бақо ҳолати.
2. “Ҳуш дар дам” тамойили.
3. Огоҳлик ва ҳушёрлик.

Тасаввуфда ақл билан иш юритиш, ҳушёр, огоҳ бўлиш рационал йўл, маърифат тамойилини бошлаб берган жунайдия ғоялари нақшбандлар томонидан изчил ривожлантирилди. Бу тариқатнинг “Ҳуш дар дам” ғояси давлатимизнинг огоҳлик талаби билан уйғундир.

5. НАҚШБАНДИЯ ВА НУРИЯ

Нурия илк тасаввуфий тариқатлардан бири бўлиб, унинг асосчиси Абул Ҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад Нурийдир. У 907 йилда вафот этган. Ҳужвирий Нурийни сўфийликка нисбатан ўзига хос қарашлари борлиги ва унинг издошлари – нурийлар ҳам кўплигини таъкид этади. Нурий мужоҳада – ўз-ўзини бошқаришда жуда устувор эди. У Жунайд Бағдодийни дўсти ва Сари Сақатийни шогирди эди. У жуда нозик тасаввуфий ибораларнинг муаллифидир: “Ҳақиқат бошқаларнинг истакларига қарши бора олиш”, “Оллоҳ билан бирлашиш, бошқа нарсалардан узоқлашиш”, “Иккита топилмас нарса бизнинг вақтда мавжуд: Бири маърифатли инсон, қайсики унга ўргатилганларга амал қиладиган. Иккинчиси руҳан камолга етган ва ўзи етган реаллик ҳақида гапира оладиган.”¹²⁷ Сўфийлик одоб-арқониди у Жунайд Бағдодий билан уйғун, ҳамфикрдир.

Нурий суҳбат ҳақидаги ғояни киритиб, суҳбат асносида инсонларга муносабатда дўст, ўртоғи манфаатини ўзидан устун қўярди. Исор – ҳамсуҳбати манфаатини устун қўйишни асосий деб, тенг муносабатни нотўғри деб қарайди. У дарвишлар учун суҳбат жуда зарур деб ўйлаган. Унинг фикрича узлат мактовга муносиб эмас, чунки ҳар бир киши дўсти, ўртоғи манфаатини ўзиникидан устун қўйиши лозим. Унинг шундай сўзлари сақланган “Узлатдан қоч. У шайтонни эътиборини тортади. Суҳбатга интил – унда Худонинг розилигидир”.

Ҳужвирий ўз асарида исор – ҳамсуҳбат манфаатини устун қўйишни икки хили бўлади деб ёзган:

1. Одамлар билан суҳбат вақтида.
2. Муҳаббатда.

Биринчи ҳолатда қийинчилик туғилади. Иккинчи ҳолат роҳат бағишлайди.

Ҳужвирий асарида шундай воқеани келтирадики, халифа Ғулом Халил даврида Нурий, Раккам ва Абу Ҳамзани зиндик деб ўлимга ҳукм этадилар. Биринчи бўлиб жаллод Раккам бошини оламан деганда Нурий илтимос қиладики, аввало уни бошини танадан жудо этсинлар. Бунини сабабини сўраганда: “Мени таълимотим дўстим манфаатини устун қўйишга асосланган. Ҳаёт энг қимматли, нарсадир. Мен дўстимга бир неча онни-дақиқани бағишлаб, ўзимни қурбон қилмоқчи

¹²⁷ Қаранг: Кашф ал-махжуб. 129-131 – бетлар.

эдим. Бу дунёнинг бир они охиратни минг йилидан устундир. Бу дунё хизмат, у дунё қурбат жойидир. Қурбатга хизмат орқали етадилар,” деб жавоб беради. Халифа бу сўзлар билан уларни озод этди.

Хужвирий Нурийга бу ном берилишига сабаб-ундан нур таралиб турганлиги деб таъкидлайди. У қалбдаги бор нарсани ўқиб билганлиги учун “жосус ал-қалб”¹²⁸ деганлар. Хужвирий асарида арслоннинг туяни барча ҳайвонларга бериб, қолганинигина еб: “Ҳайвонлар ҳам озиқ-овқатини бировга бера олади. Инсон ўз ҳаётини, жони, руҳини қурбон қилиш керак,” деганидан Нурий ибрат олганлиги воқеасини ёзади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг нурийлар ғоясини қўллаб, Оллоҳ ризолиги учун меҳнат қилиши ва узлатни тарк этганлиги ғояси ҳам диққатга сазовордир. Чунки бундай меҳнат нафс , яъни ейиш, кийим-бош, мол-дунё, обрў ва мансаб, халқ кўзига тушиш учун эмас, балки Тангри ризолиги учундир. Шунинг учун Баҳоуддин "Ал косиб ҳабибуллоҳ" ҳадисини шарҳлаб, баён этганларини Алишер Навоий ёзган:

Нукта асносида Хабибуллоҳ,
Деди, ал косибу ҳабибуллоҳ.
Маъни айтур бу сўзга пири комил,
Ки сўз эрди Хақ сари шомил.
Ғараз эрмас бу сўздин дунё,
Балки эрур касбдин мурод фано¹²⁹.

Мазмунидан маълум бўладики, ҳалол меҳнат, холис амал натижасида ф а н о ҳолати ҳосил бўлади, шахс боқийлик билан боғланади. Яъни ўзга манфаати учун фидо бўлади.

Нақшбандия таълимотидаги "хилват дар анжуман"нинг хусусиятларидан яна бири - уни суҳбат билан боғлиқлигидир. Таълимотни суҳбат билан боғлиқлигига махсус эътибор бериб, Баҳоуддин шундай буюрган: "Бизнинг тариқатимизда жаҳр-баланд овоз билан зикр этиш ва рақс йўқ. Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватдир анжуманда ва ватанда сафар этишдир. Хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офат. Хайрият жамиятдадир"¹³⁰. Яхши кишилар билан суҳбат инсон камолотига ёрдам беради, аммо хилват бўлса шуҳрат келтиради, дейди у. Шуҳрат офати шундаки, бунинг натижасида

¹²⁸ Кашф ал-махжуб. 193-бет.

¹²⁹ Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами. 5-Т. Тошкент: “Фан”1990. 487-бет.

¹³⁰ Анис ат-толибин. 58-бет.

инсон турли йўллар билан уни сақлашга уриниб рухий таназзулга учрайди. Ёмон кишидан қочиш, хилватда бўлиш керак, лекин яхшилар билан суҳбатнинг аҳамияти катта.

"Анжуман" деган тушунча "суҳбат" орқали намоён бўлади. Баҳоуддин яхши ҳамсуҳбатга эътибор бериш керак, дейди.¹³¹

Нақшбандия Абул Ҳусайн Нурий асослаган нурия тариқатининг суҳбат ҳақидаги ғояларини тариқат асоси сифатида қабул этган. Суҳбатга нақшбандия таълимоти катта аҳамият бериш билан бирга унинг одобига ҳам эътиборни қаратган.

Баркамол авлод тарбиясида нақшбандия ғояларининг аҳамияти катта. Нақшбандия таълимотини кенг ёйилишига асосий сабаблардан бири "хилват дар анжуман" – "жамоада хилват" тамойилидир. Чунки айнан шу тамойил "Даст ба кору, дил ба Ёр"ликка имкон беради. Шу тамойил инсонни фаол бўлишига, барчага эзгулик қилишга чорлайди. "Хилват дар анжуман" тамойили ҳақида Баҳоуддин Нақшбанд "Хилватда шуҳрат", "Шуҳратда офат" деб, суҳбатни тавсия этади. Демакки нақшбандия таълимоти баркамол авлод тарбияси жараёнида суҳбатни муҳим деб ҳисоблайди.

Хўш, буюк валий ва мутафаккирлар қандай суҳбат ва ким билан суҳбатни тавсия этганлар? Улуғларимиз суҳбат ҳақида нима дейдилар? Хожа Аҳрор Валийни бу соҳадаги фикр-мулоҳаза, ўғитларини ўрганиб ундан ҳозирги кун баркамол авлод тарбияси учун зарур бўлган томонларни олиб, амалиётда қўлланса яхши самара беради.

Хожа Аҳрор инсон камолотида ҳамсуҳбатининг яхши ёки ёмонлиги, албатта, таъсир этади дейди. "Чунки Ҳақ жалла жаллалоҳу дилни шундай яратганки, одам ким билан суҳбатдош бўлса, ўша одамнинг суҳбатидан таъсир олади."¹³² Инсонда қалб – дил борки, у жуда таъсирланувчан ва ўзгарувчандир. Хожа Аҳрор айтадики, агар инсон мотамзада билан ўтирса, унда ғамгинлик, агар шод киши билан ҳамсуҳбат бўлса шодлик пайдо бўлади. "Бу дилнинг комиллик қобиляти туфайлидир. Агар унда қобиляят бўлмаганда эди, камолотларни ҳосил қилиш мумкин бўлмас эди",¹³³ дейди Хожа

¹³¹ Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 214-215 – бетлар.

¹³² Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Волидийя. /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 35- бет.

¹³³ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи "Анфоси Нафийса". /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 38- бет.

Аҳрор. Бу билан инсондаги қалбни тез ўзгарувчан ва таъсирчанлиги инсониятга комиллик сари тараққий этиш учун қобилият эканлигини таъкид этади. Шунинг учун Хожа Аҳрор инсон камолотида ҳамсуҳбатнинг ўрни катта эканлигини англаб, шундай ўғит беради:

Нахўст мавъизати пири суҳбат ин ҳарф аст,
Ки аз муҳосиби ножинс эҳтироз кунед.¹³⁴

Мазмуни:

Суҳбат пирининг биринчи насиҳати бу ҳарфдирки,
Ножинс ҳамсуҳбатдан узоқда бўлинг!

Хожа Убайдулло Аҳрор ножинс кишини “дунёни ўз қибласи деб билган одамлар”, яъни инсон зоти, жинсига уйғун бўлмаганлар, ёки ахлоқлар дейди, ва шундай таъкид этади:

Аз ахлоқон бигрез чун Исо гурехт,
Суҳбати ахлоқ баса хунҳо бирехт.¹³⁵

Мазмуни:

Исо (а.с.) қочгани каби ахлоқлардан қочгин,
Ахлоқ суҳбати кўп қонларни тўккан.

Ёмон ҳамсуҳбат инсон камолоти учун жуда зарарли эканлигидан, Хожа Аҳрор уни илондан ҳам бадтар дейдилар ва шундай ёзадилар:

Ба ҳаққи зоти поки Аллоҳу-с-Самад,
Беҳ бувад мори бад аз ёри бад.
Мори бад жон меситонад аз салим,
Ёри бад орад сўи нори жаҳим.¹³⁶

Мазмуни:

Аллоҳу-с-Самад зоти поки ҳаққи,
Ёмон илон ёмон дўстдан кўра яхшироқдир.
Ёмон илон соғ одамнинг жонини олади,
Ёмон дўст эса дўзах олови сари этади.

¹³⁴ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи “Анфоси Нафийса”. /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 38- бет.

¹³⁵ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи “Анфоси Нафийса”. /Табаррук рисоалар. 38- бет.

¹³⁶ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи “Анфоси Нафийса”. /Табаррук рисоалар. 39- бет.

Илон захридан соғ одам ўлса ҳам, лекин унинг имони бутун қолади. Аммо ёмон ҳамсухбат инсонни имондан айириб, икки оёғли хайвонга мубаддал қилиб, дўзахий қилади.

Ёмон ҳамсухбат зарари ҳақида шундай мисралар бор:

Маншин бо бадон, ки суҳбати бад,
Гарчи поки туро палид кунад.
Офтоб бар ин бузурги аш,
Парчаи абр нопадид кунад.¹³⁷

Мазмуни:

Ёмонлар билан ўтирмагинким, ёмон суҳбати,
Сен пок бўлсанг ҳам, сени ифлос қилади.
Қуёш қандай бузург бўлса ҳам,
Бир парча булут кўринмас қилади.

Шунинг учун Хожа Аҳрор яхшилар, хусусан содиқ-қалби ва тили тўғри инсонлар суҳбатдоши бўлиш керак дейди. “Агар субҳонаҳунинг ҳузур мақомида шайтоннинг васвасаси-ю макридан озод бўлишни хоҳласанг... сенга лозимки, ўзидан қутула олган, дилу жони Зоти таъолонинг зикрида мустағриқ бўлган бир мард инсоннинг ёнида ўтиргайсан, ҳамнишин бўлгайсан.”¹³⁸ Мард деганда Хожа Аҳрор ўз нафсини бошқара оладиган, ўз-ўзини англаган кишини билади.

Аҳли сидқ билан давомли суҳбат инсон ботинини уларнинг сифатлари ва ахлоқларининг нурларидан мунаввар бўлишига олиб келади. “Одамийға, ул жиҳатдинким, ҳамнишинларидин таъсири томмға истеъдод ҳосилдур”, инсон ҳамсуҳбатига уйғун қувватни, яъни яхши ёки ёмонни тортади. Шунинг учун Хожа Аҳрор суҳбат давомида инсон ўз мусоҳибидан ҳозир ва огоҳ бўлиши, уни таниши лозим дейди.

Хожа Аҳрор Абдулҳолиқ Гиждувонийни қуйидаги сўзларини икки марта таъкид этган эканлар:

Шайхлик эшигини боғлағил, Ёрлик эшигини очгил,
Хилватни эшигини боғлагил, суҳбатни эшигини очгил.

¹³⁷ Рисолаи Ҳазрат Азизон /Наврўзова Г. Нақшбандия – камолот йўли. Т.: Фан, 2007. 182-бет.

¹³⁸ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 70- бет.

Хожа Аҳрор иккинчи мартаба бу шеърни айтишда Жалолиддин Румий “Маснавий Маънавий”сидан шундай байтни ўқиганлар:

Фақр хоҳи он ба суҳбат қойим аст,
Не забонат кор меояд, не даст.¹³⁹

Мазмуни:

Фақр истасанг, у суҳбат ила қоимдир,
Унга тилинг билан ҳам, кўлинг билан ҳам эриша олмайсан.

Тил билан илм ўрганиш, кўл билан ҳунар ўрганиш мумкин, лекин фақр мақоми, яъни ўзни Оллоҳ олдида ниёзманд, шикасталик, камтарин ҳолатда ҳис этиш содиқ, мард, азиз-авлиёлар суҳбати билан амалга ошади, дейди Хожа Аҳрор.

Буюк мутафаккир Абдулқосим Фирдавсий шундай деган эди: “Оламда энг аввало инсон ақли яралган. Ақл қалб посбонидир. Ақл яна уч кўрикчи: тил, кўз, қулоқнинг устидан ҳам посбонлик қилгувчидир. Зеро, эзгулик ва ёвузлик айнан ана шу уч аъзо орқали қалбга кириб боради.”¹⁴⁰ Хожа Аҳрор ҳам ақлни қалб посбони дейди.¹⁴¹ Ақл тил, кўз ва қулоқ устидан назорат қилиши билан қалб ҳолатини асрайди. Чунки инсон ҳамсуҳбатини кўзи билан кўриб, яхши ёки ёмонлигини кўради, қулоғи билан унинг сўзларини эшитиб, қанақа одамлигини пайқайди. Тили билан ё унга эргашади, ёки уни рад этиб, уни инкор қилади.

Хожа Аҳрор айтадиларки, суҳбат асносида ножинс, номуносиб кишини ўзи бўлмасаю, унинг бирор нарсаси бўлса ҳам, ундай суҳбат файзи кетади. Мисол қилиб келтирадиларки, Шайх Абу Язид Бастомий суҳбатларида футур етганда, асолар турадиган жойда бир бегона асони топиб улоқтиргандан кейин, Аҳмад Яссавий суҳбатида футур етганда, бир бегонанинг кафшини чиқариб ташлагандан сўнг ва Хожа Аҳрор суҳбатида бир муридларининг бегонанинг чопонини кийиб келганини пайқаб, у чопонни ечиб ташлагандан кейин суҳбат исталган даражада бўлган ва етарли файзу футуҳ ҳосил бўлган. Бундан чиқадики ёмон кишининг ўзидан ҳам, унга тегишли барча нарсалардан ҳам узокроқда туриш лозим.

¹³⁹ Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот: (оби ҳаёт томчилари). /Табдил ва сўнг сўз муаллифи М.Ҳасаний. Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2003. 342-бет.

¹⁴⁰ Ҳақиқат манзиллари. Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. 190-бет.

¹⁴¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Ҳавроиййа. /Табаррук рисолалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 22- бет.

Хожа Аҳрор Ҳазрат Азизон номи билан машҳур Хожа Али Ромитанийнинг қуйидаги машҳур рубоийларини талаб йўлига кирган киши учун лозим дердилар:

Бо ҳар ки нишастию нашуд жамъ дилат,
Аз ту нараמיד заҳмати обу гилат,
Аз суҳбати вай агар табарро накуни,
Ҳар гиз накунад руҳи Азизон беҳилат.¹⁴²

Мазмуни:

Ким билан ўтирсангу қалбинг хотиржам бўлмаса,
Сендан сув ва гил (яъни тана талаби, нафс истаги) заҳмати кетмаса,
Ундайлар суҳбатидан агар воз кечмасанг,
Азизон руҳи ҳаргиз сени кечирмайди.

Хожа Аҳрор суҳбатни тарғиб этиб, узлатни манъ қилиб шундай байтни ўқиганлар:

Шакар танҳо махўр, бо гул баромиз,
Ки дар таркиб бошад нафъи бисёр.¹⁴³

Мазмуни:

Шакарни танҳо, бир ўзини ема, уни гулга қўш,
Чунки улар таркиби (бирлиги)да кўп нафъ, фойда бор.

Дарҳақиқат, шакар ҳам фойдали, гул ҳам фойдали. Аммо шакар ва гул қўшилиб гул мураббоси, гулли ширин чой, гулқанд кабилар ҳосил бўлса, бу таркиб, тузилманинг инсон учун фойдаси янада кўпроқдир.

Бундан келиб чиқадики яхши инсон (шакар) ўзига уйғун ҳамсуҳбат (гул)ни топиб, бирга суҳбат қилсалар, тезроқ камолга етадилар.

Хожа Аҳрор айтадиларким, “Жамъе билан ўлтурунгларким, сизларга ғолиб бўлмасунлар, то сизларни емасунлар ва ғолиб бўлмасунлар, яъни нафсу ҳаво юзидин қавий бўлмасунлар ва сизларни емасунлар, яъни сизларни вақтингизни зойиъ ва нобуд этмасунлар.” Демак, ёмон ҳамсуҳбат, нафсга берилган бўлса, у билан ўтган вақт зоеъ кетади, нобуд бўлади ва у сизни ейди, яъни сиздаги ижобий қувват, фазилатларингизни йўқотади.

¹⁴² Рашаҳот. 343-бет.

¹⁴³ Рашаҳот. 388-бет.

Шунингдек Хожа Аҳрор яхшилар билан суҳбатни беҳишт, жаннат билан тенглаштириб, азиз-авлиёлар суҳбатини ғанимат санаш лозим деганлар. Хожа Аҳрор айтган эдиларким, “Соҳиби “Баҳр ул-хақойиқ” Шайх Нажмуддин Доя алайҳир раҳма ойтиб турурлар, “Дариғоким, ҳеч киши авлиёларнинг суҳбатлари қадрин билмади ва билмаслар”.¹⁴⁴ Бу билан бизларга яхшиларни қадрлаш ва улар суҳбатини ғанимат билиш лозимлигини таъкид этмоқдалар. Шу маънода яна бу байтни айтганлар:

Бо ошиқон нишину, ҳама ошиқи гузин,
Бо ҳар ки нест ошиқи бо ў машав қарин.¹⁴⁵

Мазмуни:

Ошиқлар билан ўтиргину, ҳама ошиқликни олгин,
Кимда ким ошиқлик бўлмас, у билан яқинлашма.

Бу мисраларда ошиқ-илоҳий ишқда сармаст, фақат илоҳийлик сифатларни севувчи кишидир. Шундай ҳамсуҳбат билан ўтирган инсонда ҳам ишқ ўти алангаланиб, тўла ошиқ бўлади. Аммо ишқи йўқ, дарди йўқ, кесакка ўхшаш кишилар билан умуман яқинлашма, дейди Хожа Аҳрор. Шу мазмундаги Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асаридан ҳам Хожа Аҳрор шундай мисраларни келтирганлар.

Пешин устоде, ки ў нахви бувад,
Жони шогирдаш аз ў нахви шавад.¹⁴⁶

Мазмуни:

Нахвий (тилшунос) бўлган устоз олдида,
Шогирднинг жони (тани, жисми ва руҳи) ҳам тилшунос бўлади.

Демак, ҳамнишиннинг руҳияти, сифати суҳбатдошига таъсир этади. Айниқса бу узоқ муддат бўлса, яъни устоз-шогирд сифатида кўпроқ мулоқотда бўлса. Шунинг учун тасаввуфда устоз танлашга ҳам жуда эътибор берганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хожа Аҳрор Валий баркамол инсон тарбиясида суҳбатнинг роли катта эканлигини таъкидлаганлар. У киши бу масалада Қуръон, ҳадис, буюк аждодлар – Боязид

¹⁴⁴ Рашаҳот. 351-бет.

¹⁴⁵ Рашаҳот. 330-бет.

¹⁴⁶ Рашаҳот. 330-бет.

Бистомий, Абдулхолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Ҳазрат Азизон – Хожа Али Ромитаний, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Доя, Баҳоуддин Нақшбанд қабилар ғояларига таянган ва ривожлантирган. Юқоридаги суҳбат ҳақидаги фикрлар асосида шундай умумий хулосаларга келиш мумкин:

- Бутун олам меҳвари бўлган инсон камолотида суҳбат муҳим роль ўйнайди, чунки ҳамсуҳбат ҳолати бевосита инсон қалбига таъсир этади.

- Инсон қалби жуда тез таъсирланадиган, ўзгарадиган ва камолот сари интиладиган қобилиятга эга. Шунинг учун яхши ҳамсуҳбат таъсирида қалб ҳолати тез яхшиланади.

- Ёмон ҳамсуҳбатнинг ўзи ҳам, унинг нарсалари ҳам суҳбатдан файзу футуҳни олиб кетади ва ёмон оқибатларни келтиради. Бу кўрсатадики, барча жонли ва жонсиз нарсалар таъсирни ўзида акс эттиради. Шунинг учун амал ва ахлоқни яхшилаш лозим.

- Эзгу ва сидқ аҳли, яхши кишилар билан суҳбат инсон ботинини нурга тўлдиради. Чунки ундай инсонлар илоҳий нурни тажаллий этадилар.

- Фақр ҳолати – камтаринлик, ниёзмандлик, шикасталик ҳолати фақатгина суҳбат натижасида ҳосил бўлади.

- Суҳбат яхши самара бериши учун қалб посбони бўлган ақлнинг ўрни катта. Ақл кўз, қулоқ, тил ёрдамида ҳамсуҳбатни сифатини таниб, ёмонни инкор этиб, яхшига ҳамроҳ бўлишга ёрдам беради.

- Суҳбат натижасида икки яхши сифатли одам шакар ва гул каби, бирлашса яхшироқ натижа беради. Шунинг учун хилват, узлатдан суҳбат аъло, афзал деганлар. Ҳар бир яхши ҳамсуҳбатнинг кўшилиши қалб камолоти учун янги имкониятдир.

- Яхши ҳамсуҳбат вақтни унумли ўтказишдир. Ёмон ҳамсуҳбат инсонни ўз эзгулигидан айрилиши ва вақтини нобуд қилишдир.

- Яхши ҳамсуҳбатларнинг суҳбати ер юзидаги жаннатдир. Шунинг учун яхшилар, азиз-авлиёларни тириклигидаёқ қадруқийматини билиш ва улар билан суҳбатни ғанимат санаш лозим.

- Ёш авлод баркамол бўлиши учун комилу мукаммал устозлардан сабоқ олиб, ҳамсуҳбат бўлиши лозим.

Демак, Нурия тариқатидаги узлатни тарқ этиб холис меҳнат қилиш ва суҳбат ҳақидаги ғояларни нақшбандия қабул этиб ривожлантирган.

6. НАҚШБАНДИЯ ВА САҲЛИЯ

Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (896 йил вафот этган) асослаган саҳлия тариқати мужоҳада ва риёзатни инсон камолоти йўлининг асоси деб қабул этган.

Саҳлия тариқати Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарийнинг издошларидир. Бу тариқат аҳли учун Саҳл Тустарий мужоҳадани вазифа сифатида юклаганлар. Мужоҳада ва риёзатдан мақсад нафсни қарама-қаршилигини синдиришдир. **Мужоҳада** - нафсни вужудий машаққатлар ила қийнаш, ҳаво ва ҳавасга қатъиян қарши курашиш. **Риёзат** - меҳнат-машаққат тортиш, ранж чекиш. Оз ейиш, оз сўзлаш, оз ухлаш ва хилватга чекиниш ила нафсни тарбиялаш. Нафс орзуларини йўқотиш.

Ҳужвирий “Кашф ал-маҳжуб” асарида саҳлия таълимоти моҳиятини очиш учун нафснинг ҳақиқий табиати ва ҳавою-ҳавас аҳамиятини очиб берган. Унинг талқинича, нафс ниманидир “моҳияти” ва “реаллик” маъносини англатади. Шунингдек бу сўз “руҳ”, “мурувват”, “тана”, “қон” каби маъноларда ҳам келади. Барча сўфийлар ёмонлик манбаи нафс эканлигини тан оладилар. Баъзилар нафс-субстанция-айн бўлиб танада руҳ каби жойлашгандир, бошқалар эса нафсни танага хос ҳаёт каби сифат дейдилар. Лекин ҳамма бир овоз билан нафс воситасида иллатлар ҳосил бўлишни тан оладилар, нафс инсонга маломат келтирувчи нарсадир. Нафс туфайли вужудга келадиган иллатлар икки хилдир:

1. Маъсият – гуноҳ.
2. Кибр, ҳасад, очкўзлик, жаҳл, ғазаб, нафрат каби қонун ва соғлом фикр инкор этувчи тубанликлар.

Гуноҳлардан тавба йўли билан мағфират сўраб қутулиш мумкин. Инсонни тубанликка солувчи иллатлардан қутулиш учун риёзат чекиш лозим. Чунки гуноҳ зоҳирий томон ва тубан иллатлар ботин тарафдир. Шунинг учун нафсга қарши мужоҳада лозим. Инсон ўз-ўзини англаб кейин Оллоҳни била олади.

Саҳл Тустари нафсга қарши мужоҳаданинг қуйидаги тамойилларига тўхталган. Бунинг учун нафсга қарши жиҳод қилиш курашиш лозим. Бу жиҳодни жиҳоди акбар деганлар.

Саҳл Тустарий нафсга қарши жиҳодда рўза тутиш лозим деган. Ўзи умр бўйи 15 кунда бир рўзасини очган. Кўп сўфийлар мужоҳада мушоҳадага олиб келувчи сабаблардан бири десалар, Саҳл Тустарий мужоҳада бевосита мушоҳиданинг асосий сабаби деган. У талабни

мақсадга етишда кучли таъсири борлигини айтади. Шу оламда мужоҳада инсонни Оллоҳ билан яқинлашувиға ёрдам беришни Тустарий таъкидлади. Бошқа сўфийлар Оллоҳга яқинлашиш мужоҳада билан эмас илоҳий фазл, ёрдам билан бўлади деганлар.

Нафсни ҳою-ҳавас ҳаракатга келтиради. Хужвирий ҳою-ҳавасни икки хил бўлади деб ёзади:

1. Лаззатланиш ва роҳат истаги.
2. Дунёвий шуҳрат ва обрў истаги.

Буларни бошқариш лозим.

Нафс - ўзлик, руҳ, зот. Сўфийлар инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга «доя»лик қилувчи майлларни нафсга нисбат берадилар. Уларча, нафс - золим, шум, гушна, чиркин, калтабин.

Сўфийлар назарида, нафс инсонни дунёга боғлайдиган бир «занжир». У одамни Ҳақиқатдан йироқлаштиради. Шу боис нафсга ҳоким бўлмоқ керак. Уни янчмоқ учун ранжу меҳнат камлик қилади, жиҳод лозим. Бу жангда эса Аллоҳнинг лутф ва ёрдамига таянмоқ шартдир.

Тасаввуф аҳли "Ҳар ким нафсини таниса, батаҳқиқ парвардигорини ҳам танийди" дейдилар. Шунинг учун бу таълимот нафсни билмоқ ва уни тарбиялашга алоҳида эътибор беради. Инсон камолотининг энг зарурий шарти нафс тарбиясидир.

"Нафс инсоннинг моддий ўзлиги, "мен"лигидир. Бизнинг ботинимизга бир идора этувчи, жисмимизни, моддий борлиғимизни, ҳаёт учун зарурий манфаатларимизни қўриқлаш ва қўллаш мақсадида фаолият кўрсатувчи маънавий бир борлиқ нафсдир"¹⁴⁷.

Нафснинг мавжудлиги зарурат ва унинг истаклари табиийдир. Лекин уни назорат қилиш, тарбиялаш ва ёмон иллатлардан поклаб туриш шарт. Чунки унинг табиий истаклари бажо этилаверса, у ҳаддидан ошади ва жиловлаб бўлмайдиган ҳолатга келади.

Нақшбандия таълимотида бу масалага махсус эътибор берилади. Бу таълимотга мувофиқ нафс инсоннинг латоифларидан биридир. "**Нафс** - халқ оламидан вужудга келган"¹⁴⁸. Шунинг учун у оламдаги хусусиятлар унда мавжуддир. Лекин нафс халқ оламидан бўлсада, "унинг асли Амр оламидан бўлган латоиф қалбнинг асlidir"¹⁴⁹. Шундай экан, уни тарбиялаш мумкин. Кўпинча адабиётларда нафсни

¹⁴⁷ Жўшон М. А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. -Тошкент: Чўлпон, 1998. 13-бет.

¹⁴⁸ Аҳмад Сирхинди Мужаддиди Алфи Сони. Панж латоифи нодираи муаззама Бухоро: Когон, 1338 х. й 19-бет.

¹⁴⁹ Ўша ерда.

йўқотиш зарур дейилади. Бизнинг фикримизча, инсонга берилган бу қувватни эзгуликка йўналтириш учун уни тарбиялаш мумкин. Нафс тарбияси орқали инсон маънан камолотга етади.

Рухнинг камолоти учун киши, аввало, унинг қанотлари бемалол парвоз қила олишига имкон бериши ва бу моддий оламдаги барча боғланишларни тарк этиши лозим. Бунинг учун эса инсонни моддийлик билан боғлаб турувчи нафсни тарбиялаш керак.

Нақшбандия таълимотига оид манбаларда инсоннинг к а м о л о т и ни қалб покланиши билан боғлайдилар. Чунки қалб инсонни ҳақ йўлидан бошлайди, нафс эса халқга маъқул бўлиш ва риёга йўллайди. Қалб огоҳликка ундаса, нафс ғафлатга чорлайди ва шуни туғдиради, ғафлат эса инсонни таназзулга олиб борувчи асосий восита бўлиб ҳисобланади. Чунки ғафлатда қолган инсон унга берилган илоҳий неъмат у м р и ни беҳудага ўтказди ва шу билан бирга гуноҳкор эканлигини билмайди ва "Мен ёмон одам эмасман" деб ўзига юқори баҳо беради. Демак, нафс тарбияси қалбни покланиши билан узвий боғлиқ.

Нафс тарбияси масаласида Баҳоуддин Нақшбанд шундай айтар эди: "Киши ўзининг нафсига тухмат қилиши керак. Кимки Ҳақ Субҳонаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг хийла-найрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади"¹⁵⁰.

Имом Ғаззолий "Кимёи Саодат" асарида нафс тарбиясига оид қуйидаги тавсияларни беради:

1. Нафс билан ширкат қуриш.
2. Уни муроқабат қилиш, яъни кузатиш.
3. Муҳосаба, яъни ҳисоблашиш.
4. Муъқабат, яъни жазолаш.
5. Мужоҳада, яъни у билан шуғулланиш.
6. Муатабат, яъни унга таъна қилиш.

Нақшбандия аҳли етти нафс борлигини эътироф этадилар:

1. Нафси аммора: инсонни ёмонлик, риёкорлик, бетамизликларга завқлантирувчи нафс.

2. Нафси лаввома: бад ишлардан пушаймон қилувчи, тергаш, парҳезликка қодир нафс.

3. Нафси мулҳима: илоҳий йўл-йўриқлар ва жозобага илҳомлантирадиган нафс.

4. Нафси мутмаъина: иймон хотиржамлигини таъминлайдиган, хатоликлардан асрай оладиган нафс.

¹⁵⁰Муҳаммад Боқир. Мақомоти Ҳазрат Хожа Нақшбанд. Бухоро. Бухоройи шариф. 1327 х. й. 56-бет.

5. Нафси розийя: Аллоҳдан рози нафс.

6. Нафси марзийя: Аллоҳ ризосини қозонган ва унга мақбул бўла олган нафс.

7. Нафси софийя: қусур ва иллатлардан батамом покланган соф нафс.

Нақшбандия таълимоти нафс тарбияси билан қуйидаги даражаларга эришиш мумкин дейди.

ИНСОННИНГ АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИ

VII Илоҳий-нафси сафия

VI Набий – нафси марзия

V Валий – нафси розия

IV Малакий сифат -нафси мутмаъина

III Шайтон ҳолатида - нафси мулҳима

II Ҳайвон ҳолатида - нафси лаввома

I Ваҳший ҳайвон ҳолатида - нафси аммора

Нафсни тарбиялашда устоз - муршиднинг алоҳида ўрни борлигини Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлаб, айтар эдилар: "Изо арадта мақома-л-абдоли фа-алайка табдилу-л-ахволи" деганларидан мурод бу - Аллоҳ жалла жалолухуга суянган ҳақиқий муршид инояти орқали ахлоқни ҳамда ёқимсиз феълларни ўзгартириш билан нафсга қарши курашишдир".

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: "Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолат (адашув)дан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир. Ният - касб қилиб топадиган нарса эмас, балки у ғайб оламидандир. Ниятнинг ҳақиқати ихтиёр остида эмас. Агар ният йўқ бўлса, умид натижа бермайди".

Нафс тарбиясида қалбни поклаш, ундан огоҳ бўлиб туриш асосий воситадир.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз нафсининг тарбиясини қиёмига етказиб, комили мукаммаллик даражасига етган эдилар. Шунинг учун ўзлари айтар эдилар: "Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман".

Нафс тарбияси масаласи нақшбандиядаги қалб ҳақидаги таълимотга ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Тасаввуф таълимоти қалб масаласига махсус эътибор беради. Баҳоуддин Нақшбанд қалб оламини махсус ўрганган.¹⁵¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор рисоалари, мактублари ва рашҳаларида инсон қалби масаласига асосий эътибор қаратилган. Биз тадқиқотда Хожа Аҳрордан сақланган ҳаётбахш томчилар – рашҳаларда қалб хусусида қандай фикрлар баён этилганини таҳлил этиб, фалсафий мушоҳада этишни мақсад қилиб қўйдик ва рашҳаларни шартли равишда учга ажратиш мумкин:

1. Қуръон тафсири ва ҳадислар шарҳи;
2. Машойихлар сўзлари таҳлили.
3. Ўзлари айтган ҳикматли сўзлар.

Қуръони Карим тафсири билан боғлиқ 10-рашҳада шундай ёзилган: “Ояти каримаи: “Ё аййухуллулазийна аманув омину” – “Эй мўъминлар иймон келтиринглар (яъни иймонингизда собит бўлингизлар)” (Нисо, 136 оят) маънисида ойтур эрдиларким, “Такрор уқудга ишора турур, яъни иймонким, бу тоифанинг наздида “ақди қалб”-дин иборат турур Ҳақ субҳонаҳу ва таолога, яъни амр этди Ҳақ субҳонаҳу таолоким, бу ақдни такрор этинглар, яъни саъй қилинглари ва билингларики, бу сизларнинг васфингиз эрмастур.”¹⁵²

Бу рашҳада гап ақд – боғлаш, банд қилиш, тугун тутиш ҳақида кетмоқда. Иймон инсоннинг Оллоҳ билан боғланиши бўлиб, бу ақди қалб, яъни қалбда, қалб билан боғланишдир. Бу ақдга, яъни Оллоҳ билан боғланишига саъй, ҳаракат қилиш лозим. Бу рашҳадан маълум бўладики, Хожа Аҳрор инсонни илоҳийлик билан боғловчи, пайваст этувчи мавзе, макон сифатида инсон қалбини билган. Тасаввуф аҳли ҳам иймонни “ақди қалб” – қалб билан Ҳақ субҳонаҳу ва таолога боғланиши деб тушунган.

Ҳадислар мазмуни билан боғлиқ 5-рашҳада “Ли маъаллоҳи вақтун” – “Мен учун Оллоҳнинг вақти бордир” ҳадиси маъносини таҳлилида шундай айтадики, Ҳақ назари ҳеч нарсага сиғмайди. “Аммо қуввати мудриқадаким, мусаммо ба қалб турур ҳамма нарсага ганжойиш бор эрди.”¹⁵³ Бу рашҳада Хожа Аҳрор қалбни – қуввати мудрика дарк этувчи қувват, яъни Оллоҳни танийдиган, кўраоладиган, билаоладиган қувват деб, ундагина Оллоҳ сиға олишини айтади.

151 Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. 96-100-бетлар.

152 Фаҳриддин Али Сафий . Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари). (Табдил: М.Ҳасаний.) Т.: Абу Али ибн Сино номли тиббиёт нашриёти, 2003. 330-бет.

¹⁵³ Рашаҳот. 336-бет.

Машойихлар ҳикматли сўзлари таҳлили билан боғлиқ Хожа Аҳрорнинг 24-рашҳасида Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизийнинг “Дилнинг тириклиғига даражот бордур. Дилнинг тириклиғи иқтизодин бошқа нимарса била ҳосил бўлмас ва иқтизо давоми зикр турур уйқуда ва уйғоқликда”¹⁵⁴ деганларини таҳлил этиб, шайх Муҳйиддин Арабий уйқудаги зикр илмдан ҳосил бўлмагани учун тараққийга олиб келмаслигини айтади. Бу рашҳада қалб дил сифатида тилга олинмоқда. Хожа Аҳрор қалб тириклигини ҳам даражотлари борлиги, қалб тириклиги иқтизо – тақозо, талаб, истак, эҳтиёж, зарурат натижасида давомли зикр – Оллоҳни эслаш билан бўлишини Ҳаким Термизий айтганларини, Муҳйиддин Арабий зикр илмдан туғилиши, яъни маърифат асосида, анланган ҳолда бўлсагина қалб тирилиши ва бу тирикликнинг даражотлари юксалиши мумкинлигини айтмоқдалар, Хожа Аҳрор бу рашҳа орқали инсонларда қалб икки ҳолатда-тирик яъни уйғоқ бўлиши ва илоҳий қувват билан боғланган ҳолда сақланиши, ва ўлик яъни нафс қурбони бўлиб, моддий нарсаларга меъеридан кўп боғланишлари мумкинлигини таъкид этади. Қалб тириклиги учун илм, маърифатни зарур дейди.

Хожа Аҳрор 25-рашҳада айтар эдилар: “Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирраҳу ойтдилар: “Зикрга мудовамат этмак бир жойга етурким, зикрнинг ҳақиқати дилнинг жавҳари била бўлур”. Бу сўзнинг маъноси мумкиндур ул бўлсаким, вақтиким зикрнинг ҳақиқати амре турур ҳарфу савтдин муназзаҳ ва жавҳари дилким, иборат турур латифаи мудрикадан, ул ҳам муназзаҳ турур шойибайи каму кайфдин, бас бу латифанинг ул хуруфи савт камоли шуғли воситасидин оларнинг ўртасида иттиҳод пайдо бўлур ва ягоналик васфи юз кўргузур. Ул ҳолда зокир мазкурнинг истилоси сабабидин дил била ҳақиқати зикр орасида ҳеч тафриқа ва тамиз эта билмас, нечунким, онинг дилининг мазкурға иртиботи бир важҳе бўлубтурким, онинг дилида мазкурдин бошқа нимарсага ганжойиш йўқ турур.”¹⁵⁵

Хожа Аҳрор бу рашҳаларида Муҳаммад Порсонинг ҳикматли сўзларини таҳлил этиб, Ибн Арабий асослаган ваҳдати вужуд моҳияти асосида уни мазмунини очиб бермоқдалар. Бу ерда зокир-зикр этувчи инсон ва мазкур-зикр қилинувчи Оллоҳни бирлашиши, қўшилиши, Ягона вужудга айланиши ҳолати баён қилинмоқда. Хожа Аҳрор зокир зикрини пок қилса ва латифаи мудрика – Оллоҳни билувчи, танувчи

¹⁵⁴ Рашаҳот. 346-бет.

¹⁵⁵ Рашаҳот. 346-347-бетлар.

қалб поклиги натижасида зокир мазкурға ғарқ бўлиб бирлашади дейди.

Бизнингча, буни шундай қиёс этиш мумкинки, оддий сувни покласалар ва пок сув билан қўшсалар, улар ўртасида фарқ қолмаса тўла ягоналик бўлади. Инсон ҳам илоҳий сифатларни ёдлаб, хотирага келтириб, унга интилиб, покланса илоҳий бўлади. Шу жараёнда инсон қалби асосий ролни ўйнайди. Яъни инсон қалбида барча борлиқлар сиғиши айтилмоқда. Ваҳдати вужуд – вужуд бирлигининг гносеологик томони унинг қалбда амалга ошишини Хожа Аҳрор таъкидламоқдалар. Бунинг учун эса қалб эгаси ва қалб латоифи бир сифатли – покиза бўлиши ва бир-бирларига муносиб, уйғун бўлиб, бир-бирларига интилишлари лозимлиги таъкидланмоқда.

Хожа Аҳрорнинг 23-рашҳалари нақшбандия таълимотининг моҳияти ҳақидадир. Унда айтилганки, “Хожа Абдулхолик Ғиждувоний қуддиса сирраҳу ойтибдиларким, халқдин оғурлик кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас, магар ҳалол касб била, “даст ба кор, дил ба Ёр”, деган сўз хожагон қаддисаллоҳу таъоло арвоҳаҳум тариқларида амри муқаррар турур.”¹⁵⁶ Бу рашҳада нақшбандия таълимоти аҳлининг асосий мақсади халқни оғирини енгил қилиш эканлиги, бунинг учун ҳалол меҳнат қилиш лозимлиги айтилиб, машҳур “Даст ба кор, дил ба Ёр” шиори келтирилмоқда. Биринчидан, биз эътиборни қаратмоқчи эдикки, “даст ба кор” – “қўл иш билан” бўлиши “дил ба Ёр” – “қалб Оллоҳ билан бўлиши”дан олдин келмоқда. Демак, инсон танаси яралган экан, унда инсонни меҳнат қилиши учун барча имкониятлар берилган, Оллоҳга шукроналикни белгиси, мезони, асоси буларни эзгу, хайр ишларга сафарбар этишдир. Меҳнат жараёнида Оллоҳ қалбда бўлиши инсонни тамаъ, риё, кибрдан йироқ қилиб, меҳнатни эзгу ниятлар билан, одамлар оғирини енгил қилиш мақсадида қилишига ундайди. Меҳнат натижаларини таваккал қилиб, тамаъдан йироқ бўлади. Бундай гўзал равиш халқпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик каби ижобий фазилатларни шакллантиради.¹⁵⁷

“Даст ба кор” ва “Дил ба Ёр”лик ҳолати инсонни меъёрда сақлайди. Инсондаги тана ва руҳ уйғун камол топади, моддийлик ва маънавийлик унга парвоз учун “икки қанот”¹⁵⁸ бўлади. “Даст ба кор”-ликка меъёридан ортиқ боғланиш дунёпарастлик, молпарастлик,

¹⁵⁶ Рашаҳот. 346-бет.

¹⁵⁷ Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 203-225-бетлар.

¹⁵⁸ Қаранг: Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 65-70-бетлар.

моддийликка берилишга олиб келиши ва инсон бир томонлама, бир ёқлама, чекланган ҳолда “бир қанотли қуш” каби бўлиб қолиши мумкин. “Дил ба Ёр”ликнинг фақат ўзигина бўлса инсонни фақат охиратпарастлик, руҳиятпарастликка олиб келиб, ундай одам жамият ҳаётидан узилиб, бир ёқлама бўлади.

Инсонда моддий ва маънавий томонлар уйғун бўлса, тўлақонли ҳаёт кечириб, оиласи, жамият учун керакли ва фойдали одам бўлади. Шунинг учун ҳам Хожа Аҳрор Хожаи Жаҳон айтган “Даст ба кору, дил ба Ёр”лик ғоясини махсус рашҳа сифатида толиби илмларга ўғит қилиб бермоқда. Бу рашҳа инсонда динийлик ва дунёвийликни уйғун бўлишига ва икки томонга ҳам меъёрда муносабатда бўлишга олиб келади. Бу президент И.Каримов айтган ғояга мос ҳаёт бўлади: “Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўринли бўлади.”¹⁵⁹

Хожа Аҳрор ўзлари айтган ҳикматли сўзлардан бўлган 13-рашҳада айтганларким, “Ал-ашёу табтийна би-издодиха”, яъни ашё зоҳир бўлур издодлари била. Халқга машғул бўлмоқ Ҳақ субҳонаху ва таолоға машғулликнинг зидди турур. Вақтиким, зидға зиддин кароҳат бўлса макруҳдин маҳбубга мунжазб ойланур. Шул жиҳатдин турурким, бу силсиланинг аҳли бозорларда ва халқнинг издиҳоми бўлғон мавзёларда юрурлар ва ултурурлар то халқнинг зиддияти ва оларға шуғл этмакнинг кароҳати сабабидан кўнгил Ҳақ субҳонаху ва таолоға мунжазб бўлур.”¹⁶⁰ Хожа Аҳрор инсонларни нафси илкида бўлиб, халқ билан боғланган, яъни тамаъ, риё, кибру ҳаво билан яшайдиган ва Ҳақ билан боғланиб, бутун борликни Оллоҳ тажаллийси сифатида кўриб, меҳру-муҳаббат, покиза муносабатда бўладиганларга бўладилар. Инсон жамоа ўртасида бўлиб, меҳнат қилиб, савдо-сотик билан шуғулланиши вақтида нафсига қул бўлиб юрганларни таназзулга тушишини ўз кўзи билан кўради ва қалбида нафс кирду корларига нафрат ва илоҳий сифатларга муҳаббат ортади. Бу ҳолатлар кўнгул-қалбни Ҳақга боғлайди. Хожа Аҳрор бу рашҳалари орқали нақшбандия тариқатидаги “Даст ба кору, дил ба Ёр”, “хилват дар анжуман” талабларининг инсон қалбининг камолотидаги ўрнини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга бу рашҳа қалб камолида зидни кўриш, уни ҳолатини англашнинг роли кўрсатилган. Дарҳақиқат, тун зулматини

¹⁵⁹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 67-бетлар.

¹⁶⁰ Рашаҳот. 360-бет.

кўрган киши, кундуз равшанлигини кадрига етади, унинг ҳар бир нафасини фойдали ишга сафарбар этмоқчи бўлади. Жаҳолат, нодонлик аҳли ҳолини кўриб, уни акси, зидди бўлган илму маърифат илм таҳсилига интилади, ҳалол ҳаром, ёки шубҳалига муносабат ҳам шундай. Қалб камолотида яқин – тўла ишончнинг ўрни каттадир. Тасаввуф аҳли илм ул-яқин – илм билан уни моҳиятини англаш ва ишониш, айн ул-яқин – кўз билан кўриб, ишонч ҳосил қилиш, ҳақ ул-яқин – ўзи шу ҳолатга тушиб, масалан, сувга чўкиб, ёки оловга ёниб, шу ҳолатга ишонч ҳосил қилгандай бўлади, деган таълимотни яратганлар. Демак, қалб тўла ишонганда шу нарсани қабул этади. Хожа Аҳрор айтганлари каби, зидни кўриш, зидни ёмонлигига ишонч ҳосил бўлиши, инсонга зидни зидига яъни ёмондан яхшига, қорадан оқга, зулматдан нурга, жаҳолат ва нодонликдан, маърифат ва илмга интилиш ҳосил бўлади. Бу талаб, истак, ирода, ихтиёр, майлу муҳаббат қалбда макон топиб, инсонни улғайтиради.

Хожа Аҳрор 30-рашҳада нақшбандия таълимотидаги асосий ғоя – “доимо кўнгил бар сабили завқу лаззат Ҳақ субҳонахуга огоҳ бўлсин. Ва бу маънони муносиб амаллар касб этурлар бидояти шул турур. Ва ниҳояти ул турурким, касбга ҳеч мадҳал қолмасдур ва бу маъно нафсга малака бўлуб, мулк бўлур”¹⁶¹ деб айтганлар. Дарҳақиқат, нақшбандия таълимоти бидоятда – яъни ибтидода инсон қалбини уйғотиб, тирилтириб, огоҳ қиладилар ва “Даст ба кор”лик мунтазам “Дил ба Ёр”лик ҳолатида бўлади. Интиҳо – яъни йўл охирида нафс тарбияланади ва у ҳам тўла кўнгил мулкига айланади, яъники бутун инсон қувватлари илоҳий сифатли бўлиб, инсон тўла қалб амри билан яшайди.

Хожа Аҳрор 32-рашҳалари инсон қалбига Ҳақ нури тажаллий этиши, унинг ирода ва талабини зиёда бўлишига асос бўлиши ҳақидадир. “Ҳақ субҳонаху кўнгилга васфи ирода била тажаллий этмаса, ул кўнгулга Ҳақ субҳонахуни талаб ва ирода этмак истейдоди ҳосил бўлмас.”¹⁶²

Хожа Аҳрор бу рашҳалари орқали Ҳақ тажаллий этгандан кейин инсонга майл ва жазба-тортиш ҳосил бўлади ва шундан кейин инсон талаб майдонига киради деган ғояни илгари сурмоқдалар. Хожа Аҳрор бу рашҳалари билан инсонларга Ҳақни таниш, маърифатли бўлиши учун истейдод, яъни шунга уйғун қувват ва қудрат берилган бўлиши лозим демоқдалар. Бундай инсонлар қалбига Оллоҳ тажаллий этиб, ўз муҳаббатини уйғотиб, уни талаб майдонига киритади, яъни бу

¹⁶¹ Рашаҳот. 363-бет.

¹⁶² Рашаҳот. 364-бет.

истеъдод ҳам қалбда бўлади дейдилар. Хожа Аҳрор инсонларни инсонийлик сифатларига қараб оддий-инсоний, мард, яъни инсонийлик чегарасидан ўтиб, уни ҳақиқатини тўла англаган ва инсоний бўлмаган ҳайвон сифатлиларга бўладилар.¹⁶³ Маълум бўладики, Хожа Аҳрор инсонлар орасида энг юқори даражада турганларни мард деган. У киши 33-рашҳада шундай айтган: “Марднинг қиймати бу тоифанинг ҳақойиққа мудрикасининг ҳаракати андозасидур.”¹⁶⁴ Юқоридаги рашҳалардан маълум бўладики, Хожа Аҳрор қалбни-латоифи мудрика, яъни Оллоҳни танувчи, англай олувчи латоиф деган. Мард кишининг қийматини Хожа Аҳрор қалбини ҳақиқатга томон қай даражада ҳаракат қилиши билан белгилайди. Бу билан инсон ўз инсоний ҳақиқатини англашга томон интилиши, нафси ёмонликларини таниб, жидду-жаҳд билан ундан ғолиб келиши, Ҳақдан қалбни огоҳ этиб, хотира ва хаёлида доим Ҳақ бўлишига интилиши инсонни мардлик ҳолатига етказишини айтади. Маълум бўладики, одамни ҳақиқий инсон бўлиши унинг бошқа ҳайвонларда ҳам бўлган гўшт пораси – юраги билан эмас, фақатгина инсонга хос бўлган қалб ҳолати билан экан.

Хожа Аҳрор 39-рашҳаларида айтганлар: “Тил кўнгулни ойнаси эрур, ва кўнгил руҳнинг, ва руҳ ҳақиқати инсонийнинг, ва ҳақиқати инсоний Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг ойнаси турур. Ҳақоиқи ғайбийя ғайбдин мунча масофати баъидани қатъ этиб, тилға келур ва ул жойдин суврати лафз қабул этиб, мустаъидларнинг ҳақиқатларининг самъларига етишур.”¹⁶⁵ Хожа Аҳрор инсонлар қулоғига кириб, уларни Ҳақ йўлига бошловчи сўз – тил орқали намоён бўлиш ва у кўнгилнинг ойнаси эканлигини айтмоқда. Кўнгул эса руҳнинг ойнаси, руҳ эса ҳақиқати инсонийнинг ойнаси эканлиги таъкидланмоқда. Ҳақиқати инсоний Ҳақ ойнаси, яъни у илоҳийлик деганидир. Маълум бўладики, қалб ҳақиқати инсонийликни ойнаси бўлиб, шу ҳақиқатни тилга чиқаради. Натижада бундай қалбдан чиққан сўзни эшитганларнинг ҳолати ҳам ўзгаради ва уларда ҳам илоҳийлик сифатлари пайдо бўлади. Демак, инсонларни ҳақиқий инсон бўлиб тарбияланиши учун қалб руҳ ойнаси, руҳ ҳақиқати инсоний ойнаси бўлиши лозим. Шунда ҳақиқати инсоний ойнаси бўлган қалбдан чиққан ҳар бир сўз инсонлар қалбига кира олади. Бундай ҳамсухбатлар сўзини эшитганларда нафс,

¹⁶³ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя. /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 60- бет.

¹⁶⁴ Рашаҳот. 364-бет.

¹⁶⁵ Рашаҳот. 365-бет.

тана истаклари устунлиги чекинади ва қалби покиза бўлиб, аста-секин илоҳий сифатларни олади.

Хожа Аҳрор 52-рашҳада сўз айтиш ҳар кимга ҳам раво эмас деб, “сўз айтмоқ вақти раво бўлурким, мутакаллим ул даражага етушган бўлсаким, онинг тили кўнгулнинг ноиби бўлуб, Ҳақ субҳонаҳунинг ноиби бўлгон бўлса”,¹⁶⁶ яъни фақат илоҳийлик кўзгуси бўлган қалбдан чиққан сўз эшитишга муносибдир. Чунки у покиза ва илоҳий моҳиятли бўлиб, эшитувчи қалбига бориб етади.

Хожа Аҳрор 65-рашҳаларида шундай байтни ўқиганлар:

Жой кун дар андарунҳо хешро,
Дур кун идроки ғайр андешро.
(Қалбда дўстга жой бергину,
Дўстдан бошқа бегоналарни чиқар.)¹⁶⁷

Демак, Хожа Аҳрор қалб фақат илоҳий макондир, ундан ўзгаси унга муносиб эмас дейдилар.

Хожа Аҳрорнинг 79-рашҳаларида айтилган ғоялар айниқса диққатга сазовордир. Унда шундай ёзилган: “Меърож сайри икки нав турур: сайри мустатийл ва сайри мустадир. Сайри мустатийл буъд дар буъд ва сайри мустадир қурб дар қурб турур. Сайри мустатийл мақсудни ўз доирасидин хорижга талаб этмак турур ва сайри мустадир ўз кўнглининг атрофида айланмоқ ва мақсудни ўзида талаб этмак турур.”¹⁶⁸ Хожа Аҳрор инсон учун Меърож сайри – инсонни юксалиши ва Оллоҳ билан боғланишини, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) етган даражаларга етишини мумкин дейдилар. Меърож – инсон жисман ва руҳан юксалиши учун Хожа Аҳрор икки хил сайр бўлиши мумкин демоқдалар. Биринчиси мустатийл – чўзиқ, узун бўлиб, у жуда узоқ давом этади. Ундай сайрда инсонлар ўз мақсадларини ташқаридан излайдилар. Иккинчи хил Меърож сайри – сайри мустадир – айлана, доира, юмалоқ, тўгарак кўринишида бўлиб, у қурб андар қурб, яъни жуда яқин йўлдир. Бу сайрда инсон кўнгли атрофида айланиб, қалбига қулоқ солиб, мақсудини ўзидан талаб этади. Демакки, инсон қалби билан сайр этса тез меърожга етади, яъни Оллоҳ билан восил бўлади. Нақшбандия таълимотига Баҳоуддин Нақшбанд киритган “вуқуфи қалбий” – қалбдан воқиф бўлиш, огоҳ бўлиш талабини Хожа Аҳрорнинг бу рашҳалари ривожлантирмоқда.

¹⁶⁶ Рашаҳот. 374-бет.

¹⁶⁷ Рашаҳот. 377-бет.

¹⁶⁸ Рашаҳот. 381-бет.

Баҳоуддин ҳам инсон камолоти учун ўз қалбидан огоҳ бўлиши, қалби эса ҳамиша Оллоҳдан огоҳ бўлиши лозим деб, шундай таъкид этганлар:

Монанде мурге бош, к-он, дар байзаи дил посбон,
К-аз байзаи дил зоядат мастиву, завқу, қаҳқаҳа.¹⁶⁹

Мазмуни:

Товуқ каби бўлгинки, (у қандай ўз тухмини кўриқласа)
сен қалб тухмини кўриқла,
Чунки қалб тухмидан ҳақиқий илоҳий завқу шавқ туғилади.

Демак, инсон руҳан ва жисман камол топиши учун Хожа Аҳрор Баҳоуддин Нақшбанд айтганлари каби ўз-ўзингни англаши, қалбига кулоқ солиши, уни эшитиши ва шунга уйғун ҳаракат қилиши зарур демокдалар. Лекин бундай қалб илоҳий сифатли бўлиши лозим.

Шу ғояларни Хожа Аҳрор бошқа рашҳаларда ҳам айтганлар. У киши 85-рашҳада шундай айтганлар: “Ҳосил ул турурким, саъй этмак керак то кўнгулга таважжуҳи доимий Ҳақ субҳонаҳунинг жанобиға ҳосил бўлғай. Ондин сўнг имкони борким, они огоҳ этсалар, бу маъниғаким, бу таважжуҳ онинг зотиға ондин турур ва ўртада онга ва ул таважжуҳға ҳеч мадҳал йўқтурур.”¹⁷⁰

Бу рашҳада Хожа Аҳрор нақшбандия таълимотидаги асосий тушунчалардан бири таважжуҳ ҳақида гапирмоқдалар. Таважжуҳ сўзи юзаниш, тўла юзланиш маъносини англатади.¹⁷¹ Демак, инсон саъй-ҳаракат қилиши лозим, токи қалби ҳаққа томон юзлансин. Қалб Ҳаққа юзлансагина унинг нурлари, файзини акс эттиради. Қалб жуда тез ўзгарувчан бўлади. Қалбни таважжуҳ ҳолатига сақлай олиши учун инсон ҳаракат, саъй-кўшиш қилиш лозим.

Хожа Аҳрор 87-рашҳада айтардилар: “Бизларнинг наздимизда васл ул турурким, кўнгилга Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг жанобиға огоҳлик нисбати бир сабили завқ ҳосил бўлур ва онинг ғайридин зуҳули даст берур. Вақтеким, бу нисбат муттасил бўлса давоми васлға мушарраф бўлуб турур. Улчаким, бизнинг ёшликдан то альфон мўътақидимиз турур, бу турур.”¹⁷² Маълум бўладиким, Хожа Аҳрор эътиқодлари шундаким, қалб Ҳақдан мудом огоҳ бўлсин, бу эса ҳақиқий васлдир.

¹⁶⁹ Рашаҳот. 42-бет.

¹⁷⁰ Рашаҳот. 382-383-бетлар.

¹⁷¹ Қаранг: Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. Т.: Фан, 2007. 127-134, 184-бетлар.

¹⁷² Рашаҳот. 383-бет.

Хожа Аҳрорнинг 88-рашҳалари ҳам шу маънода. “Ҳақиқатда васл ул турурким, кўнгил бир сабили завқ Ҳақ Субҳонаху била жамъ бўлса. Вақтоким, бу маъни доимий бўлса они “давоми васл” дерлар, ниҳоят шу турур.”¹⁷³ Демак, асосий мақсад қалб Оллоҳ билан жамъ бўлиши, тавҳид мақомига етишидир.

Хожа Аҳрорнинг юқоридаги таҳлил этган рашҳалардаги қалб ҳақидаги ғоялари қуйидагилардан далолат беради:

1. Хожа Аҳрор Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдаги қалб ҳақидаги оят ва сўзларнинг моҳиятини тушунганлар ва тафсиру шарҳ бера олганлар.

2. Хожа Аҳрор машойихларнинг қалб ҳақидаги ғоялари билан таниш бўлганлар. Хусусан, Ҳаким Термизий, Ибн Арабий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Порсонинг қалб ҳақидаги фикрларини рашҳаларида келтириб, уларни таҳлил этганлар.

3. Хожа Аҳрор инсоншунос мутафаккир сифатида, инсоннинг инсонийлигининг асоси бўлган қалб моҳиятини очиб бера олганлар.

4. Хожа Аҳрор инсон танаси ва руҳининг уйғун бўлиши ва эзгуликка хизмат қилишида “даст ба кор” ва “дил ба Ёр”ликнинг уйғунлигига махсус эътибор берганлар.

5. Хожа Аҳрор инсон дили ва тили, қалби ва сўзи уйғун бўлиши лозимлиги, шундагина инсон ҳақиқий инсоний бўлиши мумкинлиги ғоясини илгари сурганлар.

6. Хожа Аҳрор қалбни баъзан дил, баъзан кўнгил иборалари билан ишлатган бўлсалар ҳам, уни инсонни моддий ва руҳий томонини боғлайдиган, бутун мавжудот – илоҳий ва моддий борлиқни ўртасида восита бўлган жамъ этувчи борлиқ сифатида таҳлил этганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хожа Аҳрор рашҳаларида қалб марказий масала бўлган. Хожа Аҳрорнинг қалб хусусидаги фикрлардан у кишининг қуйидаги нуқтаи назарлари намоён бўлади:

- Иймон “ақди – қалб”дир. Иймонлилик мезони қалбнинг Ҳақ билан боғланганлиги даражаси билан мутаносиб, уйғундир.

- Қалб шундай манзил, макон, мавзеким, ундагина Ҳақ билан боғланиш мумкин.

- Қалб шундай қувватким, у Оллоҳни била олади, дарк қилади, танийди.

¹⁷³ Рашаҳот. 383-бет.

- Қалб шундай назаргоҳким, ундагина Оллоҳ сиғади. Тур тоғи кўтара олмаган юкни, қалб сиғдира олади.

- Қалб тириклиги илм ва маърифатдан ҳосил бўлиб, улар уни тараққиётига сабаб бўладилар.

- Инсон қалби тирик – огоҳ, маърифатли ва ўлик – ғафлатда ва уйқуда бўлиши мумкин.

- Қалб – дарк этувчи латоиф пок бўлса ва Ҳақни поклик ила ёд этса, зокир ва мазкур ўртадан кетиб, ягона вужудга айланиши мумкин. Бунини иттиҳод, тавҳид дейилади.

- “Хилват дар анжуман”, “Даст ба кору, дил ба Ёр” қалбни Ҳаққа томон тезроқ боғланишга ёрдам беради, чунки меҳнат ва савдосотиқ жараёни, одамлар ўртасида бўлиш, нафс ёмонликларини кўришга, ундан узоқлашишга, яқинни ҳосил бўлишига кўмаклашади.

- Қалб Оллоҳдан доимо огоҳ бўлиши, хушёрлик, огоҳлик нақшбандия таълимотининг асосидир. Бу ҳолга нақшбандия йўлини бошига эришадилар. Шунинг учун бу йўлни бошқа тариқатлар интиҳода етадиганни ибтидода етурлар дейдилар.

- Қалбда Ҳақ тажаллийси билан инсонда истейдод пайдо бўлади ва инсонда Ҳақ йўлига талаб, ирода, ихтиёр вужудга келади.

- Қалб – инсонийлик ҳақиқати – илоҳийликнинг кўзгусидир.

- Қалбдаги ниятларни акс эттирган тилдан чиққан сўзларгина инсонларни камолотига ёрдам беради ва уларнигина инсон тинглаши мумкин ва улар инсон учун муносибдир.

- Қалб ойнаси бўлган тилгина гапириш ҳуқуқига эга.

- Қалб шундай улуғ, муқаддас хазинаким, унда фақатгина илоҳийлик билан боғлиқ асрорни сақлаш мумкин.

- Илоҳий даражага етишнинг энг яқин йўли қалбдир. Инсон ўзини, нафсини таниши ва қалбига қулоқ солиши, қалбдан доимо огоҳ бўлиши керак.

- Қалб Ҳаққа томон доимо таважжуҳ – юзланиши ва уни инъикос этиши учун банд саъй-кўшиш қилиши керак.

- Васл – қалбни Ҳақдан огоҳлиги ва Ҳақ билан жамъ мақомига етиб, идтиҳод, тавҳидга эришувидир.

- Қалб Оллоҳ билан бўлиши инсонни даст ба корлик – холис меҳнат қилишига ёрдам беради.

Хожа Аҳрорни қалбга оид ғояларини чуқур англаш ва баркамол инсонни тарбиялашда ундан фойдаланиш технологияси ҳақида махсус тадқиқотлар ўтказиши лозим. Айтиш лозимки, Хожа Аҳрор

рисолаларида ҳам қалб масаласида эътибор берилган, чунки уларнинг мақсади инсонни маърифатли бўлиши масаласидир.

Юксак маънавиятли инсонни тарбиялаш учун Хожа Аҳрор ва бошқа тасаввуф аҳлини қалбга доир қарашларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш зарур.

Демак, саҳлия тариқатидаги нафсга қарши мужоҳада нақшбандия таълимотида ҳам қабул қилинган. Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки:

1. Инсоннинг камолоти учун нафс тарбиясига эътибор муҳимлигини саҳлия каби нақшбандия таълимоти ҳам исбот этган.

2. Нақшбандия таълимотида нафс тарбияси етти босқич бўлиб, унинг қувватлари аммораликдан, лаввомаликка, ундан мулҳима ва мутмаъина, улардан марзийя ва розийя даражасига тарбиялаб, софийя босқичига етказди ва инсоннинг асл илоҳий моҳиятини англашга ёрдам беради.

3. Нақшбандия таълимотида инсон руҳий камолотининг ибтидоси қалбни поклаш бўлиб, ундан рух, сир, хафи, ахфо даражаси латифлашиб боради.

4. Нафс тарбияси ва қалбни поклашда нақшбандия таълимоти хафий яширин зикрнинг аҳамиятига юқори баҳо беради.

5. Нафснинг тарбияси руҳий сайр асосида амалга ошади.

6. Нафс тарбияси ва комил инсон бўлишда Баҳоуддин Нақшбанднинг вуқуфи қалби-қалбдан огоҳ бўлиш ва вуқуфи замони - вақтдан огоҳ бўлиш рашҳаларининг аҳамияти каттадир.

7. Орифларнинг нафс тарбияси мушоҳаба, мусоҳаба ва мушоҳада орқали амалга ошади.¹⁷⁴

¹⁷⁴ Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 153-185 – бетлар.

7. НАҚШБАНДИЯ ВА ҲАКИМИЯ

Ҳаким Термизий асослаган ҳакимия тариқати нақшбандия билан боғланган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир диёримиздан етишиб чиққан забардаст олим, мутафаккир ва тариқат пешволаридан биридир. У киши Ҳаким Термизий номи билан машҳур бўлиб, Термизда туғилган ва шу ерда вафот этган. Вафот тарихини эса олимлар асосан 235-ҳижрий қамарий (мелодий 898) ва 269-ҳижрий қамарий (мелодий 909) йил деб кўрсатишган. Ҳужвирий ёзадики, Мени шайхим айтардики, “Муҳаммад (Термизий Г.Н.) – ҳақиқий тоза дурдир. Ундай дурни бутун оламда тенги йўқ”.¹⁷⁵ Тасаввуфга валий тушунчасини киритди.

Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ҳақида муфассал, аниқ маълумот берадиган манба йўқ. Термизийнинг ўз асарлари ва бошқа манбалардан у кишининг ҳаёт йўли ҳақида баъзи тасавурларга эга бўламиз. Хусусан, унинг "Будувв-уш-шаъни Аби Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Али ал-Ҳаким Термизий" номли кичик бир рисоласи орқали муаллиф ҳаёти, жумладан, отасидан илм ўрганганлиги, ёшлик чоғида Куфа ва Басра орқали Маккага сафар қилганлиги, Куфада ҳадис таълимини олганлиги, Термизга қайтаётиб, йўлда Қуръони Каримни ёдлаганлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлиш мумкин. Лекин бу рисоладаги диққатга молик асосий масала илҳомнинг турлари, унга туш ва бедорликда зоҳир бўлган рўёлар тасвиридир"¹⁷⁶.

Шунингдек, Ҳаким Термизий ўз асарлари орқали Аҳмад ибн Осим Антокийнинг тасаввуфга оид бир асарини завқ билан ўқиганлиги ва ҳолатида ўзгаришлар бўлганлиги, тушида ҳазрат пайғамбаримизни (Аллоҳдан у зотга салоту саломлар бўлсин) кўриб файз ва таскин топганлиги, унга илҳомлар бўлганлиги ва бошқа воқеалардан хабар беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ҳаким Термизийнинг ҳақиқат ва маърифатга оид сўзларини ҳамма ҳам тушунавермаган. Шу тушунмовчиликлар сабаб, бир муддат у киши ҳақида фитна ва иғволар пайдо бўлган. Баъзи олимлар Ҳаким Термизийнинг бир неча йил юртидан ҳижрат қилишига мана шундай фитналар сабаб бўлган дейишади. "Ҳақ сийлаган - сийланар" деганларидек, халқ оқибат у зотнинг улуғ авлиёлардан ва Ҳақ йўлда собит эканларидан огоҳ бўлган, умрларининг охирига қадар

¹⁷⁵ Кашф ал-махжуб. 140-бет.

¹⁷⁶ Иброҳим Худоёр. Ишқ жайхунининг йўлдоши. Гулистон, 2000 йил. № 5,

хурматларини бажо келтиришган. Қабрлари бугунги кунда ҳам машхур зиёратгоҳдир.

Хатиби Боғдодийнинг ёзишича, Термизийнинг отаси - Али ибн ал-Ҳасан ҳадис илмининг билимдон олимларидан бўлган. У араб халифалигининг пойтахти бўлган Боғдодда ҳадис илми тўғрисидаги баҳсу мунозараларда фаол иштирок этган. Ҳаким Термизий "Ар-радду алал-муаттила" китобида таъкидлашича, унинг онаси ва бобоси ҳам ҳадис илмида етук олимлардан бўлишган. Демак, Ҳаким Термизий илм ўчоғи бўлган хонадонда дунёга келган ва тарбияланган. Аллоҳ каломини ҳазрат пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларига асосланган илмий муҳит ва тарбия маскани Термизийнинг истиқболни белгилаш ва тафаккурини шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилган.

Илмий ва эътиборли тасаввуфий манбаларда бу олим ва ориф зотнинг номи ҳурмат билан тилга олинади. Жумладан, Абу Абдуллаҳмон Суллабий (ваф. 1021) "Табақотус-суфия"да у кишидан бир қанча ҳикматли ва маърифатга оид сўзлар нақл қилса¹⁷⁷, Фаридиддин Аттор (1148/51-1219/21) "Тазкиратул-авлиё"да Ҳаким Термизийни: "шариат ва тариқатда мужтахид", "ҳадис, ривоят ва хабар бобида ишончли зот", "риёзат ва каромоти кўп", "хулқи улуғ" каби сифатлар билан эслаб, "бағоят ҳикмат соҳиби" бўлганлигидан "ҳакимул-авлиё" (валийлар ҳакими) деб аталганига диққатни қаратади¹⁷⁸.

Алишер Навоий ҳам "Насойимул-маҳаббат" тазкирасида, ёзади: "Муҳаммад бин Ҳаким Термизий қаддасалло руҳаху иккинчи табақадиндур. Куняти Абу Абдуллоҳдур-улуғ машойихлардандур. У Абу Туроб Нахшабий, Аҳм Хизравайҳ ва ибн Жалоллар билан суҳбат қилган, кўп ҳикматли сўзлари, зоҳир кароматлари ва машхур асарлари бор. Жумладан, "Хатмул-валоят", "Наҳаж", "Наводирул усул" ва бошқалар. Зоҳир илмида ҳам асарлари бор. Бир тафсир ёзишга киришган, лекин тугатишга умри вафо қилмаган. Унинг шогирди Абу Бакр Варроқ Ҳаким Термизий ҳар якшанба Хизр алайҳиссалом билан мулоқот қилиб турганини ривоят қилган¹⁷⁹.

Ҳаким Термизий нафақат ҳадис ва шариат илмлари билимдони, балки тасаввуф тариқати асосчиси ҳамдир. У аҳли суннат вал жамоат эътиқодига мувофиқ "ҳакимия" тариқатига асос солган ва мухлислари кўп бўлган. Хужвирий (ваф. 1072-1077) "Кашфул-маҳжуб" асарида ҳақ тариқатлардан еттинчиси "ҳакимия" эканлиги, унинг мансублари Ҳаким Термизийни муршид, пешво деб билишларини таъкидлайди.

¹⁷⁷ Абу Абдуллаҳмон Суллабий. Табақотус-суфия. Миср, 1406 ҳ. (1974), 217—220-бетлар.

¹⁷⁸ Фаридиддин Аттор. Тазкиратул авлиё. Техрон, 1373 ҳ. 514-523 бетлар.

¹⁷⁹ Алишер Навоий. Насойимул-маҳаббат. 20 томлик, 17-том, Т. Фан, 2001, 84-бет.

Алишер Навоийнинг «Насойимул-маҳаббат» ва "Мақомоти шоҳ Нақшбанд" асарларида келтирилишича, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд йигирма икки йил Ҳақим Термизий тариқатига эргашганлар ва у кишининг руҳониятидан файз олганлар.

"Мақомот"да яна нақл қилинишича, жазба теккан орифлардан бири Шайх Абдуллоҳ Хўжандий шундай дейди: "... ногоҳ Термизга бориб қолдим. Хожа Ҳақим Термизийнинг мунаввар марқадрарига таважжух қилдим. Мени уйқу элитди. Тушимда менга дедилар: "Мен Хожа Муҳаммад Али Ҳақим Термизийман..." Ёнларида нуроний бир пир бор эди. "Улар Хизр алайҳиссаломдирлар. Аммо сен ҳозир ўзингга ташвиш берма ва изтиробга тушма, сен қидираётган нарса ўн икки йилдан сўнг Бухорода, ўша даврнинг кутуби замони бўлган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳузуринида ҳосил бўлади", - дедилар¹⁸⁰. Демак, Термизийнинг таълимоти нақшбандиядек ҳаётбахш тариқатга асос бўлган ва Аллоҳнинг изни билан икки буюк валий орасида руҳоний алоқа ва иртибот бўлган.

Ҳақим Термизий тафсир, тасаввуф, машойих тарихи, ҳадис, фикҳ, калом, ахлоқ ва нафс масалаларига доир бир қанча асарлар ёзган. Уларнинг сони манбаларда 30 дан 126 гача китоб ва рисоалардан иборат, деб қайд этилади¹⁸¹.

Филология фанлари доктори Абул Ҳусайн Зарринқўбнинг аниқлашича, Ҳақим Термизийнинг қуйидаги асарлари нашр этилган:

1. "Наводирул-усул фи маърифати ахборир-расул", Димишқий шарҳи, Истанбул, 1293 ҳ.қ. (мел.1876 й).
2. "Хатмул-авлиё", Усмон Яҳё нашрга тайёрлаган. Байрут, 1925й.
3. "Рисолату баёнил-фарқ байнас-садр вал-қалб вал-Фуод, вал-лубоб". Никелос Ҳир. Қоҳира, 1958 й.
4. "Рисолату аршил-муваҳҳидин", Paul Sdath, Қоҳира (Миср), 1946 й.
5. "Китобур-риёза", "Адабун-нафс". Орбери, Али Ҳаса Абдулқодир. Қоҳира (Миср), 1946.
6. "Ҳақиқатул-адлия" Абдулмуҳсин ал-Ҳусайний, Искандария (Миср), 1946.
7. "Масоилут-таъбир", Орбери. Италиядаги "Мутолаъоти шарқий" журнали, инглизча таржимаси билан, 1940.
8. "Ар-радду алар-рофиза вал-ақя вал-хаво". Истанбул, "Шарқиёт мажмуаси", 1966.

180. Қаранг: «Термиз тазкираси». (Мусанниф М. Кенжабек). Тошкент, 2001, 16 – 37 бетлар.

181. Иброҳим Худоёр. Ишқ Жайхурнинг йўлдоши. Гулистон, 2000. №5.

9. "Рисолаи Будувв-уш-шаън". Карачи, Покистон. "Мутолаъоти исломий" журнали¹⁸².

Мазкур китоблардан ташқари "Илал-убудия", "Ал-акёс вал муғтаррин", "Баён ул-касб", "Ал-макнун ва исолату мокона ва мо якун", "Азобул-қабр", "Ат-тавҳид", "Тари-хул-машойих", "Одобул-муридин" каби асарлар ёзганлиги ҳам манбаларда қайд этилади.

Олимларнинг аниқлашича, Ҳаким Термизий асарлари Муҳиддин ибн Арабий, Хужвирий, Субкий, Заҳабий, Ибн Ҳажар Асқалоний, Абдурахмон Жомий, Ибн Таймия, Ҳожи Халифа, Имом Шаъроний ва бошқа олимларнинг ижодига у ёки бу даражада таъсир этган.

Ҳаким Термизий ўзидаги илму маърифатни ўзидан кейинги наслларга етказишда ҳам фаол бўлган. У кўплаб ориф ва фозил инсонларни етиштирган. Шулардан иккитасини эслаш кифоя. Бири "авлиёлар муаллими" сифатини олган Абу Бакр Варроқ Термизий, иккинчиси "қалблар жосуси" лақабига сазовор бўлган Ҳасан ибн Али Журжонийдир. Бироқ, Термизийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ воқеалар, унинг таълимоти, кўрган тушлари, каромати ва Хизр алайҳиссалом билан бўлган мулоқотлари асосан, Абу Бакр Варроқ Термизий орқали халқ орасида кенг тарқалган. Биз бу ориф ва улуғ авлиёлардан бўлган шогирди ҳақида ҳам тазкираларда эътиборга молик маълумотларни учратамиз.

Ҳаким Термизий валий тушунчасини тариқатга киритганлар. Валийликни инкор этувчи иккита оқим – мўътазилийлар ва антропоморфистлар мавжуд.¹⁸³ Мўътазилийлар бир мусулмонни иккинчисидан фарқини инкор этади. Антропоморфистлар эса алоҳида қобилиятли инсонлар аввал бўлганлар, ҳозир улар йўқ дейдилар.

Хужвирий 4000 рижолул ғайб – яширин, бир-бирини танитайдиган валийлар, 300 аҳёр, 40 абдол, 7 аброр, 4 автод, 3 нукаба, бирта қутб ёки ғавс бор. Булар бир-бирини биладилар,¹⁸⁴ дейди.

Баҳоуддин Нақшбанд 22 йил ҳакимия тариқати асосчиси Ҳаким Термизий руҳига таважжуҳ этиб, ундан тарбия олган. Ҳакимия тариқатнинг валийлик ва каромат ҳақидаги ғояларини нақшбандия қабул этган. Салоҳиддин ибн Муборак ўзининг Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлига оид "Анис ат толибин ва уддат ас соликин" маноқибининг 1- бобини валий ва валоятга бағишлаган. Нақшбандиянинг валийликка нисбатан қарашларини биз "Сирли олам" (1993 йил №7) журналидаги

182. Абдулхусайний Зарринқўб. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. Душанбе. «Ирфон», 1992. 43-49 бетлар.

183 Кашф ал-махжуб. 212-бет.

184 Кашф ал-махжуб. 213-бет.

мақоламиз ва Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро анжумани тўпламидаги “Баҳоуддин Нақшбанд ва Ҳаким Термизий” мақоламизда очиб берганмиз.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ҳакимия тариқати каби кароматни зоҳир этишни эмас, балки яширишни, ундан кўра тамкин ва истиқоматни устун қўйиш лозим деганлар.

2500 йиллик тарихга эга Термиз шаҳри обрўйини жаҳонга таратган алломалардан бири Ал-Ҳаким Абу Абдулло Муҳаммад Бин Али Ҳакими Термизийдир. У Ўрта Осиёда тасаввуфнинг энг йирик намояндаларидан бири бўлган ва нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимотига салмоқли таъсир ўтказган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимоти ҳақида асосий ёзма манбаларнинг энг муҳимларидан бири Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорийнинг “Анис ат-толибин” асаридир. Бухоро давлат музейи кўриқхонаси фондида бу асарнинг қўлёзма нусхаси 27772/11 тартиб рақами билан сақланмоқда. “Анис ат-толибин”нинг Бухоро музейи нусхаси муқаддима ва тўрт қисмдан иборат. Бу қимматли манба орқали биз Ҳаким Термизий ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт ва таълимотларига оид қуйидаги уч фикрга келишимиз мумкин:

1. Баҳоуддин Нақшбанд руҳий камолотида Ҳаким Термизийнинг муносиб ўрни бор. Бу манбада Баҳоуддин Нақшбандга руҳий тарбия берган валий Хожа Ҳакими Термизий эканлиги кўрсатилган. Унда таъкидланишича ҳижрий 789 йилда Баҳоуддин айтган эдики: “Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким ал Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса мен ҳам бу замонда бесифатдурман”.¹⁸⁵

2. Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимотида Ҳаким Термизийнинг таъсири орқали “бесифатлик” ва “бенишонлик” деган тушунчалар вужудга келган. Ҳазрат Хожа айтардики, “Авлиёлар пешвоси Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизийнинг руҳониятига таважжух қилсам, бунинг таъсири тўлиқ бесифатлик тарзида зухур қиларди. Бу таважжухда қанча сайр қилсам ҳам, ҳеч қандай таъсир ва сифат аён бўлмас эди”.¹⁸⁶

3. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳолатни руҳониятда бўлишини кўрсатади ва айтади: “Руҳоният вужуди ҳақиқатнинг чегарасиз нурлари ичида маҳв бўлгач, одам қанчалик ўзида мавжудлик қидирмасин ва идрок сармойасини ўзида изламасин, бесифатлик ва

¹⁸⁵ Салоҳиддин ибн Муборак. Анис ут-толибин. 15-бет.

¹⁸⁶ Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. 64-бет.

Жонимиздан у юз минг марта олийроқдир,
Нима деб айтсам ҳам, у айтганларимдан юксакроқдир.
Уни на шарҳлаб бўлади-ю ва на сифатлаб,
Шу сабабли ожизлик билимимизга ҳамроҳ бўлади.

Бу мисралар “бесифатлик”ни илмдан юқори ва англашдан узоқ деб ақлнинг уни билишга ожизлигини кўрсатади. Бесифатлик аёнлик ва ниҳонликдан ҳам юксак, ҳеч нарсага ўхшамаслиги ва бизнинг сўз ва ибораларимиздан ҳам юксакликда туриши намоён бўлади. Уни шарҳлаб ва сифатлаб беришга билимимиз ожизлик қилади.

4. Баҳоуддин инсон камолоти масаласига эътибор бериб “валий”лар муаммосини махсус тадқиқ этди. Манбалар таҳлили кўрсатадики, бу назарий масалани ҳал этишда Хожа Муҳаммад бин Ҳаким Али Термизий асарлари ғоявий манба сифатида хизмат этган. Валийликка дахлдор масалаларда ҳам Баҳоуддин Нақшбанд бу аллома асарларидан иқтибослар келтирилган. Бу масалани ёритишда “Анис ат-толибин” асарининг “Валий ва валоят таърифида” деб номланадиган биринчи қисми муҳим манбадир. Бу асар Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд” асаридан шу биринчи қисми борлиги билан фарқ қилади.¹⁹⁰

Ҳаким Термизийнинг валийлик масалаларига бағишланган “Хатм ул-авлиё” асари жуда машҳур бўлган. Асарда у авлиё ва пайғамбарларни таққослайди, улар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқларни баён этади. Унинг фикрича, авлиёларнинг ҳам хатми ва муҳри бўлади. Муҳр авлиёнинг мукамаллигидан далолат беради, лекин ҳамма авлиё ҳам бу даражага етган эмас. Валийларнинг ўзлари ҳам маълум пағоналарда туришлари билан фарқланадилар. Аллома уларнинг олийсини “Қутб” деган ном билан юритади. Ана шу қутб даражасига етган авлиёларнинг хатми ўтказилиши ва муҳри бўлганлиги таъкидланади.

Нақшбандия таълимотига кўра, “Валий қалби маъдани анвори жалолдир. Валий юзидаги нур ва латофат валий қалбидаги ана шу анвордандир. Ул нурнинг акси валийнинг сиймосидан зоҳир бўлур ва ҳар ким унинг юзига назар айласа, ул киши Ҳаққ таолони ёд этар ва унинг зикрига машғул ўлур”.¹⁹¹

¹⁹⁰ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Наврўзова Г.Н., Қосимова З.И. Нақшбандия тасаввуф тариқати тўпламининг Бухоро музейи нусхаси//Памятники истории и культуры Бухары. Сб. статей. – Бухара: 1994. – Вып. 3. – С. 65-69.

¹⁹¹ Анис ат-толибин. 76-бет.

Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия” асарида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида айтган эди:

Гашт бе кибру, риёю кина,
Нури қудсиरो рухаш оина.
Он лиқои ў жавоби ҳар савол,
Мушкил аз ў ҳал шавад бе қилу қол.¹⁹²

Мазмуни:

Кибр, риё, кинасиз бўлди,
Юзи қудсий нур оинасидир.
Унинг юзи барча саволларга жавоб,
Сўзсиз ундан мушкул ҳал бўлади.

Тамкин аҳлида ҳам талвиноти аҳвол-ҳолат ўзгариши бўлади, аммо талвин аҳлидан фарқ қилади. Булар - тамкин аҳли ўз ботинларининг ҳоли устидан ҳокимдирлар ва уни ўз измига солиб биладилар.

Баҳоуддин тамкин аҳлининг сифати ҳақида улар ҳол тасарруфи қуллигидан озоддирлар, уларнинг кўз олдиларидан ҳижоб бутунлай кўтарилган, сабаблардан бўлган ҳеч бир сабаб билан уларнинг ҳолига ҳеч қандай тойиш ва заифлик етмайди, оламдаги ҳеч бир нарса уларни Маҳбуб Мушоҳадаси (васли)дан ва у билан шуғулланишдан ажрата олмайди, халқ ичида юриш ва уларнинг ҳолатини мушоҳада қилиш уларга таъсир қилмайди ва сифатини ўзгартира олмайди, дейди.

Шунингдек, Баҳоуддин ҳол жиҳатдан шарафли бўлишдан кўра камол жиҳатдан афзал бўлишни устун қўяди. Шунинг учун узлатдаги валийларни талвин аҳлидек надимлар билан тенглаштиради. Эл ичидаги валийни тамкин аҳли деб вазирлар билан тенг кўради¹⁹³. Чунки "Саҳиҳ" га кирган қудсий ҳадислардан бирида ёзилганки, "Мени жамоат ичида ёд этса, мен уни у жамоатдан ҳам афзалроқ жамоат (фаришталар) ичида ёд этаман" дейилган.

Демак, Баҳоуддин фикрига кўра тамкин аҳли камол жиҳатдан афзал экан. Баҳоуддин ўзи хулоса қилиб айтадики, восил ва комиллар икки қисмдандирлар. Бир қисм Тангрига яқин бўлсаларда бошқаларни камолотга етказиш уларга буюрилмаган. Улар ҳайрат дарёсига фарқ бўлиб, ўз вужудларидан огоҳ эмаслар. Иккинчи қисм восил ва

¹⁹² Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. Тошбосма. 111-бет.

¹⁹³ Рисолаи қудсия. 101-102-бетлар.

комиллар халққа нажот берарлар. Улар комили мукамалдирлар¹⁹⁴. Улар фанодан кейин бақо ҳолатига етганлар.

Баҳоуддин инсон камолоти масаласига эътибор бериб, "валий"лар масаласини махсус тадқиқ этди. Салоҳиддин Ибн Муборак ал Бухорийнинг "Анис ат - толибин ва уддат-ус-соликин" асарининг биринчи қисми "Дар маърифати валояти валий" ("Валийлик валояти маърифатига доир") да таъкидланишича, "валоят нурдан иборатдир". Бу нур Тангри инояти ила ибоднинг қалбини тўлдиради ва натижада ислонинг ҳақиқий нури яқинида жамол кўрсатади. Асарда таъкидланмоқдаки, валоят даражасига етишда Тангрининг инояти шарт. Илоҳий нур-нур ал - яқин - аниқ, тўғри нур бўлгани ила бошқа нурлардан фарқ қилади, шу нур, ила тўлган қалб - валий қалби бўлади. Унга Ислон ўзининг ҳақиқий кўринишида намоён бўлади.

Манбалар таҳлили кўрсатадики, кўп назарий масалаларда етишда бу сулук Хожа Муҳаммад бин Али Ҳаким Термизий асарларидан ғоявий манба сифатида фойдаланган. Валийликка дахлдор масалаларда ҳам бу аллома асарларидан иқтибослар келтирилган.

Шунингдек, бу таълимотда валийларга муносиб хусусиятлардан бири сифатида ҳатто бу таълимот ва валийлар суҳбатига мушарраф шахснинг ўзидаги башарий истаклардан воз кечиб, малакий даражали сифатларга эга бўлиши ҳам иншо этилган. Валий суҳбатига мушарраф шахс ўзидаги гил - тупроқ ва сувдан тузилган тана истакларидан воз кечади ва юксалади, деган фикрни Ҳазрати Азизон юқоридаги рубоийларида ҳақиқий валий суҳбатига етишган шахс қалби сокин, соф, пок бўлиб, сув - гил заҳматидан қутулиб юксалади ва тавҳидни англай боради, лекин сохта авлиёлар билан суҳбатлашиб, сенда башарий истаклардан қутулиш каби сифатий ўзгариш бўлмаса, ундай кишилардан тезроқ қочиш керак, деган фикрни уқтиради.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд валийликнинг учта хусусияти бор деб, қуйидаги фикрни баён қилади:

Се нишон бувад валиро, ки нахуст он ба маъни,
Ки чу рӯи ў бубини, дили ту бар ў гарояд.
Дуввум он, ки дар мажолис, чун суҳан кунат зи маъни,
Ҳаммаро зи ҳасти худ б-ҳадис мерабоят.
Севум, он бувад б-маъни вали аҳаси олам,
Ки зи ҳеч узв ўро ҳаракоти бад наёяд¹⁹⁵.

Мазмуни:

¹⁹⁴Рисолаи қудсия. 115-бет.

¹⁹⁵Мақомот. 59-бет.

Валийликнинг уч белгиси бор, биринчиси у бамаънидир,
Унинг юзини кўрган заҳотинг дилингни ром этади,
Иккинчиси, агар мажлисда маъни сўзлар ҳақидаги,
Бутун борлиғи ила ҳаммани ўзига мафтун этади.
Учинчиси, валий маъно жиҳатидан оламдаги махсус кишидир,
Унинг бирор узвидан ҳам ёмонлик келмайди.

Мўминлик даражасининг ниҳояси - авлиёлик даражаси деб, ундан сўнг шуҳадо, сидиқо, анбиёву расул, анбиё ул-аъзам ва охири ниҳояси бўлмаган даража мустафо, деб айтилади.

Нақшбандия таълимотига кўра, уларда валийлик даражасига етганлар иккига бўлинади. Биринчиси - муршид раҳбарлигида риёзат чекиб, қалбини софлаган ҳолда шу даражага етганлар. Лекин булар учун ўз башарий истакларини ўлдириш жуда қийин кечади. Иккинчиси - Тангрининг ўзи уларни тарбия қиладиган кишилар. "Анис ут-толибин" асарида бундай валийлар мажзуб-жазб қилинган, яъни Ҳаққ майдонига тортилган маъносида таърифланган. Валийларнинг бу турида илҳом тариқи ила қалб ва тилларидан каломи ҳикмат иншо этилиши таъкидланади. Яъни Тангрининг нури уларнинг қалбига илҳом ила кирган ва улар бу илоҳий нур орқали шундай сифатга эга бўлган зотлардир. Ҳозирги илмий тил билан айтганимизда, валийларнинг бу даражасида латиф қувват - биоэнергия майдони бемалол олам қувват-ахбор қатлами билан алоқа қилишга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам улар ўзгалардан ажралиб турадилар.

Валийлар илҳом орқали илоҳий нурни кашф этсалар, анбиё ваҳий орқали Тангри сўзларидан баҳраманд бўлади.

Муҳаммад Порсо валийлар ўз иродаларини тўла Тангри иродасига тобеъ қилганлари ва улардаги барча хусусиятлар илоҳий фазилатга эга эканлигини баён этади:

Авлиёро ҳаст қудрат аз Худо,
Тири жаста боз гардонат зи роҳ¹⁹⁶

Мазмуни:

Авлиёларнинг қудрати илоҳдандир,
Учаётган ўқни ортга қайтара оладилар.

Демак, Ҳаким Термизий Баҳоуддин Нақшбанд учун руҳий устоздир ва унинг асарлари нақшбандия таълимоти учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Нақшбандия таълимотидаги аҳли тамкин, аҳли

¹⁹⁶Рисолаи қудсия. 64-бет.

истиқомат, бесифатлик ва бенишонлик ҳамда валийлик тушунчалари ҳақимия тариқатидаги ғояларга асосланган.

8. НАҚШБАНДИЯ ВА ХАРРОЗИЯ

Харрозия Абу Саид Аҳмад ибн Иса ал-Харроз йўлини давом эттирганлар. Бу йўл харрозия тариқати номи билан тарихга кирган. Абу Саид Аҳмад ибн Иса ал-Харроз (890 йил вафот этган) фоний ва боқий ҳақидаги таълимотни баён этган биринчи сўфийдир. Шу икки тушунча асосида тариқатга ўз муносабатини асослади.

Ҳужвирий харрозия йўлини баён этиб бутун мавжуд нарсаларни илмий жиҳатдан учга бўлади.

1. Ибтидоси ва интиҳоси бўлган мавжудот. Масалан: бу бор бўлган дунё – у бир вақт вужудга келган ва маълум вақт йўқ бўлади.

2. Ибтидоси бўлган лекин йўқ бўлмайдиган мавжудлик. Масалан, жаннат ва дўзах, охират ва унда яшовчилар.

3. Доимий бор бўлган ва бўладиган мавжудлик. Бу Оллоҳнинг борлиғи ва унинг сифатлари.

Ҳолга нисбатан фано ва бақо куйидаги мазмунга эга:

Фано - йўқ бўлиш, фоний бўлиш. Нарса ва ашёларнинг сўфий назаридан барҳам топишига фано дейилур. Фанонинг туб маъноси - кулнинг ёмон ахлоқ ва феълларни тарк қилиб, Аллоҳнинг гўзал сифатлари ва илоҳий феълларига эришиши, башарий иродадан илоҳий иродага кўчиши. Қушайрий фанони учга ажратган:

1. Илк фано - кулнинг ўзидан ва ёмон хулқ-атворидан фоний бўлиши.

2. Иккинчи фано - Ҳақни томоша айлаган кулнинг Ҳақ сифатларидан ҳам фоний бўлуви.

3. Учинчи фано Ҳақнинг борлиғида йўқ бўлган кулнинг ўз фаносини кўришдан ҳам фонийлигидир. Фано ҳолидаги ошиқ «мен»лигини унутиши билан тавҳидга соҳиб бўлади. Тавҳиднинг юқори даражаси эса яна шудир. Фанофиллоҳ эса инсон зот ва сифатининг Ҳақ зоти ва сифатида фоний бўлиши. Тасаввуфда фано фил ишқ назарияси ҳам яратилган. Бу назарияга кўра, кўнгил тасфияси ва руҳни даражама-даража юксалтириш орқали фано фил ишқ марҳаласини эгаллаганлар ишқ, ошиқ ва маъшук бирлигига эришарлар. Яъни ишқ, ошиқ ва маъшук орасида ҳеч қандай фарқ ва ажралиш бўлмас. Бу - ишқнинг башарий ҳис-туйғуларни илоҳийлаштириши демак.

Бақо - фанонинг зидди, давомийлик. Тасаввуфий истилоҳда кулнинг ўзида мавжуд нарсалардан кечиб, Аллоҳга оид ҳақиқатлар

билан бақога эришиши. Башарий иродадан илоҳий, яъни энг олий иродага юксалиш.

Инсоннинг тўла ўз-ўзини англаши – бандалик ҳолига етиши фано ва бақодир. Фано одамият – башарият сифатларни йўқ бўлиши, бақо бу хизматдаги содиқликдир.

Нақшбандия Абу Саид Харроз (890 йил вафот этган) асослаган харрозия тариқидан фано ва бақо тасаввуфий ҳолларини қабул қилган.

Бу тариқатда инсон камолоти Оллоҳга томон руҳий сайрдан бошланиб, Оллоҳда, Оллоҳ билан сайр этиб, Оллоҳда бақо бўлиб, у билан халққа қайтиб келади ва уни ҳидоят этади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги байтлари машҳур:

Ҳеч мо не, ҳеч мо кам не,
Аз пай ҳеч ҳеч мо ғам не.
Жанда дар пушт, пушт гўристон,
Гар бимирем, ҳеч мотам не.¹⁹⁷

Мазмуни:

Биз ҳеч киммиз (йўқмиз), лекин ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Бизда йўқ бўладиган нарсалар учун ғам ҳам йўқ.
Жандамиз орқамизда, орқамиз қабристонда,
Агарда биз ўлсак ҳам, ҳеч мотам йўқ.

Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг яна қуйидаги мисралари келтирилган:

На маро мафрашу на мафрашқаш,
На ғуломони турки тиркашқаш.
Ҳама шаб чун сағони қаҳдони,
Сар ба пой мекунем бихуспем хуш.¹⁹⁸

Мазмуни:

Менда гилам ҳам, уни олиб юрадиган ҳам йўқ,
("Мен ўзим бандаман") ("Ҳожаги бо бандаги рост намеояд")
Менда мени суяб юрадиган қул ва ғуломлар ҳам йўқ.
Итлар каби кечалари мен уйда,
Бошимни қўйиб ётарман жуда ҳам хуш.

¹⁹⁷ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёувчи, 1993 – 36-бет.

¹⁹⁸ Ўша асарда.

Мазмуни: мен фақат Оллоҳда йўқ бўлганман, шунинг учун тамкин ҳолатида эришиб сокин яшайман.

Нақшбанд "худро ба дар мон ва он гоҳ даро"¹⁹⁹ деб нафси тарк этсанг, илоҳий даргоҳга кирасан, деган. Унинг шу мавзуда қуйидаги рубоийси мавжуд:

Дар раҳи ту хошоку хасе нест, туи,
Зеро девори вужуди худ туи.
Кунжи заҳар ганжи гуҳар шавад зи ту,
Гар зи миён бархези.²⁰⁰

Мазмуни:

Йўлингда ўзингдан ташқари хасу-хошок тўсиқ йўқ,
Вужудингни девори ўзингсан.
Заҳар бурчаги, гавҳар хазинаси бўлур сендан,
Фақат ўртадан сен кетишинг лозим.

Рухнинг манзил ва мақомлари, унинг сайр этиши, тасаввуфий адабиёт ва тадқиқотларнинг доим диққат марказида турган. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам бу масалага доир ўз қарашлари бор. "Рисолаи кудсия"да унинг бу соҳадаги фикрлари батафсил келтирилган.

Баҳоуддиннинг бу масалага оид қарашларидан маълум бўладиги, рухнинг биринчи парвозини у "Сайри Илаллоҳ" деб атаган.

Манбаларда тариқат йўлидан бораётган солиқ руҳи сайр манзилларининг қуйидаги беш мартабаси борлиги кўрсатилган:

1. Сайри илаллоҳ мартабаси - Оллоҳ йўлига томон юриш. Бу мартабага етган ва камолот йўлига кирган киши н а ф с нинг манзилларидан қутулиб, асл вужуд томонига-равшан у ф қ қ а қараб ҳаракат қила бошлайди. Бу мақомда Ҳақ жамолини тўсиб турувчи к а с р а т (кўплик) ҳ и ж о б лари кўтарилади. Бу қ а л б мақомидир. Яъни қалб оламига кирган кишининг даражасига бу мартаба мос келади. Бундай кишилар Оллоҳ исмларининг моҳиятига етган ва илоҳий ахлоқ билан ахлоқланган кишилар бўладилар.

2. Сайри филлоҳ - Оллоҳнинг йўлида юриш мартабаси. Бу даражага юксалган, камол топган шахс илоҳий сифатларни қабул этади ва улар билан сифатланади. Амр оламининг латоифлари ўрнини топади. Унда башарий сифатларнинг барчаси йўқолади. Бу даражага юксалган шахснинг илми юқори бўлиб, у л а д у н и й и л м нинг соҳиби даражасида бўлади.

¹⁹⁹Ўша ерда. 55-бет.

²⁰⁰Рисолайи кудсия. 127-бет.

3. Сайри маъа Оллоҳ- Оллоҳ билан ҳамкорликда юриш мартабаси. Бу мақомда б а н д а барча ҳолат, иш, феъл ва сўзда Оллоҳ билан бирга бўлади. Киши бу сайрда тафрид ва т а ж а р р у д мақомига етади. Унда иккилик ҳолати тамоман йўқолади. Қул ҳазрати аҳадият мартабасига етишган бўлади. Бу мақомни қоба кавсайн авадно, яъни Муҳаммад пайғамбар меърожга чиққанида Оллоҳга қай даражада яқинлашган бўлса, шу даражага етган деб ҳисоблайдилар. Бу сафарнинг ниҳояси бўлган айн ул жамъда бутун борликдаги зидлар ўртадан кетади.

4. Сайри аниллоҳ - Оллоҳ йўлидан қайтиш мартабаси. Яъни бу бирликдан кўплик сари йўлдир. Ундан мақсад Ҳакни кўриб, Унинг моҳиятини англаган кишининг халққа қайтиши ва бошқаларни шу йўлдан бошқаришидир. Кишиларга иршод этиш бу мақомнинг аслидир. Бу мақомни "бақо баъд ал фано", "фарқ баъд ал жамъ" деб ҳам номлайдилар. Бу мартабага етган шахс ваҳдатда касратни, касратда ваҳдатни кўради. У илми аъло бўлган ладуний илмни тўла ўрганишдан паст илмларга томон тушади ва шулар воситаси ила халқни тарбиялайди. Улардан яна илми мумкинотга қайтади.

5. Сайр фил ашё - нарсалар йўлида юриш мартабаси. Барча нарсаларнинг асли, яратилиш хислати ва хосияти, тартиби ва ўрни бу кишиларга намоён бўлади. У барча нарсалар илмини қалби билан кўради. Инсон тўла музмаҳил - й ў қ бўлади. У шу а д а м, музмаҳил йўқлик илмини ўрганади. Бу "талвин баъд аз тамкин" дейилади. Яъни тамкин мақомига етган шахс ҳар бир нарсанинг тусланиши, жилोलаниши, ранглари ва хоссаларида илоҳий қудратни кўради. Бу мақомларнинг энг юксагидир. Бу пайғамбарларнинг махсус мақомидир. Буни биз қуйидаги чизмада тасвирладик:

Тарикат соликларнинг рухий камолот мартабалари

Рух сайри	Солик ҳолати	Солик мақоми
Сайри иллалоҳ (Оллоҳга томон сайр).	Нафс манзилларидан кутулиб, вужуди ҳақиқий тарафига уфқи мубинга сафар этмоқдир.	Ҳаққнинг жамолидан касрат ҳижоблари кўтарилади. Қалб мақомида бўлади. Буни Оллоҳ исмларининг ҳақиқатига етганлар ва илоҳий ахлоқ билан ахлоқланганлар кўлга киритади.
Сайри филлоҳ-Оллоҳ йўлида сайр.	Оллоҳ сифати билан сифатланади, унинг ахлоқи билан ахлоқланади. Уфқи олий аълога эришади.	Башарий бутун сифатлардан узоқлашади. Бу йўлнинг охирида илмнинг пардаси кўтарилади. Ладуний илм соҳиби бўлади.
Сайри маъа Оллоҳ-Оллоҳ билан бирга сайр	Қул ҳар мартабада Ҳақ биландир. Иккилик ўртадан кетади. Ҳазрат аҳадият мартабаси-га етишган бўлади.	Қоба кавсайд ав-адно мақоми. Валийлик ҳулласига кийинади. Сафар ниҳоясида айн-ул жамъда бўлади. Бутун зидлар ўртадан кетади.
Сайри аниллоҳ-Оллоҳ йўлидан қайтиш сайри.	Бирликдан кўплик сари йўли. Мақсад Ҳақдан Ҳалқга қайтиш ва уни тарбия этиб иршод этмоқ. Маротиби вожиб ал вужуддан илми асмо ва сифатга ва ундан илми мумкинотга қайтади.	Бақо баъд-ал-фано, сафих баъд ал махф, фарқ баъд ал жамъ мақоми дейилади. Бу мақомда қул ваҳдатда касратни, касратда ваҳдатни, озликда кўпликни ва кўпликда озликни кўради. Қул бу мартабада илми аълодан илми асфалга тушади.
Сайр фил ашё нар-саларда сайр.	Қулларнинг ашё устидаги сайри, улар илмини илк сайрда қалбда музмаҳил бўлиши.	Бу мақомда музмаҳил бўлган илмни кўлга киритади. Бунга талвин баъд ал тамкин дейилади. Бу мақомларнинг энг юксагидир. Бу пайғамбарларнинг махсус мақомидир.

Демак, руҳий, маънавий камолот фоний, ўзгарувчан олам, нафс, башарият ва табиат олаmidан Оллоҳга томон йўл билан бошланади ва Оллоҳ йўлига кирган кишига энди Оллоҳнинг ўзи ҳамроҳ бўлиб, бирга олиб юради. Тўла камолга етганидан сўнг уни қайтиб халққа юборади ва у кишиларни ҳидоятга бошлайди. Энг олий мақом - унга бутун нарсалар илми очилади ва унинг ўзи борлиқнинг асли билан йўқ бўлиб кетади.

Демак, харрозия тариқатидаги фано ва бақо тушунчалари нақшбандия таълимотидаги руҳий сайр сифатида ривожланиб шаклланган.

9. НАҚШБАНДИЯ ВА ҲАФИФИЯ

Ҳафифия Шероздан бўлган Абу Абдуллоҳ ибн Ҳафиф (982 йил вафот этган) издошлари йўлининг номидир. Абу Абдуллоҳ ибн Ҳафифни Хужвирий ўз даврининг имоми эди деб таърифлайди. У ибн Ато, Шиблий, Ҳусайн ибн Мансур ва Журайрийни билган ва Маккада Абу Яъқуб Нахражурий билан ҳамсуҳбат бўлган. У шоҳлар авлодидан бўлса ҳам бутун дунёвий нарсалардан кўнглини узиб тажрид ҳолига етган эди.

Ҳафиф тавҳид ҳақидаги ғояга махсус эътибор берган. У тавҳидни инсоннинг ўз башарий табиатидан узилишдадир дейди.

Ҳафифия тасаввуфда ғайбат ва ҳузур ҳақидаги таълимот асосида қурилган. **Ғайбат-ҳузур** - солиқнинг қалбидаги диний-илоҳий маънолар ила машғул бўлиб, моддий оламдан фориғ қолиши, халқнинг аҳволидан беҳабарлик, важд ва истиғроқ холи. Ғайбат холида қул моддий олам билан боғлайдиган ҳиссиётларни тарк этиб, илоҳий ҳузурда тажаллиларни томоша айлар экан, барча нарсани унутди. Нақл қилинишича, Жунайд Бағдодий бир куни хотини билан ўтирар экан, ҳузурига Шиблий кириб келибдилар. У зотни кўрган аёл ўрнидан туриб, яширинмоқчи бўлибди. Эри эса унга: «Шиблийнинг сендан мутлақо хабари йўқ (у ғайбат холидадир), жойингда ўтиравер», дебди. Бир оз фурсатдан сўнг Жунайд Шиблий билан шундай гаплашибдики, натижада Шиблий йиғлай бошлабди. Ва шунда Жунайд хотинига: «Шиблий ўзига келди, ғайбат холи зойил бўлди, энди бекиनावер», деган экан.

Ҳузур - халқдан кечиб, Ҳаққа юз буриш. Бунда ҳузур роҳат маъносида эмас, балки Ҳақнинг ҳузурига бўлмоқ, Аллоҳ тажаллиётига восилликни англатади. Қушайрийнинг таъкидлашича, «Ҳузур холи Ҳақ зикрининг қул қалбини эгаллаш сурати ила юзага чиқур.. У замон қул қалби билан улуғ Раббининг ҳузурига чиқар. Қулнинг халқдан ғайбати нисбатига қараб Ҳақ билан бўлган ҳузур мукаммаллашур». Ғайбатга «ҳузур халқ», ҳузурига «ҳузур Ҳақ» дейилур». Нақшбандияда Ҳузур рашҳасида ўз аксини топган. Нақшбандия таълимотида ҳам ғайбат ва ҳузур ҳолатларига эътибор мавжуд. Бу таълимотдаги ёдкард, бозгашт, ниғаҳдошт, ёддошт рашҳа-ҳаётбахш тамойиллари шунга қаратилгандир. Нақшбандияда асосий эътибор Оллоҳдан огоҳ ва ҳузур ҳолатида бўлишга қаратилган.

Ёдкард, бозгашт, ниғаҳдошт ва ёддошт Абдулҳолик Ғиждувоний томонидан хожагон тариқатига киритилган ва Баҳоуддин

Накшбанд томонидан накшбандия тариқати аҳли учун асосий тамойил сифатида қабул этилган рашҳалардир. Бу рашҳалар Ҳақ йўлига кирган инсонни хотирасини доимо Ҳақ билан бўлишга ва мосиводан узилишига ёрдам беради.

“Ёдкард” – ул иборатдур зикри лисоний ё зикри қалбийдин. Мавлоно Саъдуддин Қошғарий қуддуса сирруҳу ойтубдурларким, зикри таълимийнинг тариқи улдурким, аввал шайх дил бирла айтур “Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ”, мурид кўнглини ҳозир қилур ва шайхнинг кўнгли муқобаласида тутар ва кўзини очиб ва оғзини маҳкам тутиб, тилини оғзида ёпуштуруб ва тишларини ҳам маҳкам тутиб, нафасини олмай, таъзим ва қуввати тамом бирла зикрга шуруъ этар. Шайхга мувофиқ бўлуб ва кўнгли била айтур на тили била ва ҳибси нафас этмакда сабр қилсун, бир нафасда уч маротаба ойтсун, андоғким, зикрнинг ҳаловати асари кўнгулга етушсин.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) ўз “Калимоти қудсия”ларининг баъзисида ёзибдурларким, зикрдин мақсад улдурким, кўнгул ҳамиша муҳаббат ва таъзим вазъи билан Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға огоҳ бўлсин. Агар арбоби жамъиятнинг суҳбатида бу огоҳлик ҳосил бўлса, хулосайи зикр ҳосил бўлуб турур. Мағзи ва руҳи зикр ул турурким, кўнгил Ҳақ субҳонаҳуға огоҳ бўлса ва гар суҳбатда бу огоҳлик ҳосил бўлмаса, тариқ ул турурким ойтилур. Ва тариқиким онинг нигоҳдоши осонроқ бўлур,бу турурким, дамни киндикнинг остида ҳибс этиб, лабини лабига ёпиштуруб ва тилини оғизда бар важҳе тутсунким, нафас ичкарида қўб танг бўлмасун. Ва ҳақиқати дилким, иборат турур ул мудрики даркдинким, ҳар тарафга борур, дунё ва мусолаҳаи дунёнинг андишасини ҳамма(сини) ул қулур ва турфат ул-айнда онга осмонга бормоқ ва томоми оламни сайр этмак муяссардур, (уни) ҳамма андишгалардин безор этсун. Ва они гўшти пораемки, сановбарнинг сувратида турур, онга мутаважжих қилсун ва они зикр айтмоқға машғул этсун, бу тариқадаким, калимайи “ло”ни тарафи болоға тортсун ва калимайи “Илоҳа”ни ўнг қўл тарафига ҳаракат берсун ва калимайи “иллаллоҳ”ни дили сановбарға қаттиқ урсун, ондоқким, осори ҳаракати тамоми аъзосига етушсин. Ва тарафи нафийда жамиъи муҳаддисотнинг вужудини назари фано ва ноҳостанлик била мутолаа этмак керак ва тарафи исботда вужуди Ҳақ субҳонаҳу ва таъолони назари бақо ва мақсудлик била мулоҳаза қилмоқ керак ва жамиъи авқотини бу зикрга мустағрақ ойлонтурсун ва ҳеч бир шуғл сабабли ондин кейин қолмасун, то бу калима такрори воситаси била суврати тавҳид кўнглида қарор тутар ва зикри кўнгулнинг сифати лозими ойланур.

Раҳша 6. “Бозгашт” улдурким, ҳар мартабаеки, зокир тили ва кўнгли бирла “калимаи таййиба”ни айтур унинг изида шул тил била айтсун: “Худовандо, манинг мақсудим сан турурсан, санинг ризоинг турур”, онинг учунким, бу калимаи бозгашт нафий эткучидир ҳар хавотирениким, яхши ва ямондан келур, то онинг зикри холис бўлсун ва онинг сирри мосиводин фориғ ойланур. Ва агар мубтадий бидояти зикри калимаи бозгаштда ўзидин сидқ мавжуд топмаса, керакким, они тарк этмасун, онинг учунким, даража-бадаража сидқнинг асарлари зоҳир бўлур.

Хизмати Мавлоно Алоуддин алайҳир раҳмаким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин (Қошғарий) қуддиса сирруҳунинг ажиллайи асҳобларидин эрди, айтубдурларким, мабодойи аҳволдаким, Ҳазрати Маҳдумдин таълими зикр олиб эрдим, зикри бозгаштга маъмур бўлдим, вақтеким айтур эрдим: “Худовандо, манинг мақсудим сан турурсан ва санинг ризоинг турур”, манга бу зикрни ойтмоқдин уят ҳисси келур эрди, онинг учунким, бу қавлда содиқ эрмас эрдим, саҳиҳ билур эрдимким, ёлғон айтурман. Бир кун бу хаёлга тушуб, уларнинг ёнлариға бордим, айтдиларким, Шайх (Умар) Баҳоуддиннинг ёнлариға борурмиз. Мулозаматлариға бордим, вақтеким, ўлтурдим, Шайх айтдилар: “Ҳазрати Шайх Рукниддин Алоуддавла қуддиса сирруҳу айтиб турурларким, солиқ ҳар неча ўзидан талабда сидқ топмаса, лекин айтмоқ керакким: “Худоё, мақсадим сан турурсан”, то вақтеким ҳақиқати сидқ зоҳир бўлур”. Вақтеким Ҳазрати Шайхнинг ёнларидан ташқари чикдук, Ҳазрати Маҳдум айтдилар: “Шайх аҳли жазаба турурлар ва истилоҳ билмаслар”. Бу сўз маъноси манга пушида қолди, то неча муддатдин сўнг зоҳир бўлдиким, уларнинг ғаразлари ул сўздин бу эрдиким, Шайх тариқи жазба бирла тарбият топибдурлар, на сулук тариқи билан. Ва тариқи иршодни билмай турурлар, онинг учунким, хануз ул маҳал йўқ эрдиким. Шайх они фақирға зоҳир этсалар, ул жиҳатдинким, то Шайхдин эшитганим йўқ эрди, бозгаштда ул калимани сўзу ниёз юзидин айтур эрдим ва ул айтмоқда мунфайл ва хижил эрдим. Вақтеким, Шайхдин эшитдим ул сўзу ниёз ва инфиол ва хижолат қолмади.

Раиҳа 7. “Нигохдошт” – ул иборатдур мууроқабайи хавотирдин, ондоғким, бир дамда неча мартаба “калимаи таййиба”ни айтурким, хавотири ғайриға ташқари кетмас.

Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин (Қошғарий) қуддиса сирруҳу бу калиманинг маъносида ойтиб турурларким, бир соат ва икки соатдин зиёда, у миқдорким муяссар бўлур, хавотирни сақласун, ондин сўнг ғайри онинг хавотириға ўткай.

Хизмати Мавлоно Қосим алайҳир раҳмаким, Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг асҳоби махсусларининг улуғларидин эрди, бир кун тақрибан ойтдиларким, нигоҳдоштда малака ул даражага етушубдурким, тулуъи фажр вақтиндин то улуғ чоштгоҳгача кўнгилни ағёрнинг хотиридин сақлаб бўлур, бар важҳекиим, шул миқдор замонда қуввати мутахаййила ўз амалидан маъзул бўлур.

Пушида қолмасунким, қуввати мутахаййиланинг тамоми амалидин маъзул бўлгани, агарчандиким ярим соат ҳам бўлса, аҳли таҳқиқнинг наздида бағоят амри азим турар ва ул наводирлардин турур ва куммали авлиёуллоҳга аҳёнан бу маъни даст берур. Ондоғким, Ҳазрати Шайх Муҳйиддини Арабий қуддиса сирруху “Футуҳоти Маккий”да ул жойдаким сужуди қалбни баён этибдурлар ва Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий қуддиса сиррухунинг саволлари ва жавобларида бу баҳснинг таҳқиқини этубдурлар. Онинг тафсили бу моқомға лойиқ эрмас турур.

Рашҳа 8. “Ёддошт”ким, мақсуд ондин ҳама ул турур Ҳақ субҳонаҳу ва таъолоға батариқайи завқ доимо огоҳ бўлмоқдин иборатдур ва баъзи бу иборат бирла айтибдурларким, ҳузур безайбат турур. Ва аҳли таҳқиқнинг наздида мушоҳадаекиим, кўнгулға шухуди Ҳақ субҳона ҳубби зотининг тавассути била истило топар ҳусули ёддоштдин киноя турур.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг бу тўрт калимаким, мазкур бўлди, онинг шарҳида бу иборатларни айтибдурларким, ёддошт иборатдур зикрда такаллуф этмақдин ва бозгашт иборатдур Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло(га) ружуъ этмақдин ул важҳ билаким, ҳар мартаба калимайи таййибани айтур, онинг изидин кўнгунгда андиша қилур: “Худовандо, мақсудим сан турурсан” ва нигоҳдошт тил била айтмай, бу ружуънинг муҳофазатидин иборатдур ва ёддошт иборатдур нигоҳдоштан росух бўлмақдин.²⁰¹

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, нақшбандия ҳафифия таълимотидаги тавҳид ҳолатига етишда ҳузурга махсус эътибор берган ва шуни ривожлантирган.

²⁰¹ Қаранг: Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари) таърихий-маърифий асар. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2003. 36-39 – бетлар.

10. НАҚШБАНДИЯ ВА САЙЁРИЯ

Сайёрийлар Абул Аббос Қосим ибн ал-Маҳди ас-Сайёрий (х.IV-аср. вафот этган) йўлининг давомчиларидир. Сайёрий Марвдаги зиёли ва обрўли оила авлодидир. Отасидан катта бойлик қолди. У бутун бойликларни пайғамбаримизни икки соч толасига алмаштириб, ўлаётганда ўшани оғзига олиб жон берган.²⁰² Қабри ҳам Марвда бўлиб, катта зиёратгоҳдир. У Абу Бакр Восити билан ҳамсухбат бўлган. Хужвирий ёзадики, сайёрийлар ўзларини дастлабки йўналишларини сақлаган ягона тариқатдир, чунки улар ҳеч вақт Сайёрий йўлига содиқ бўлган устозсиз қолмаган. Марв ва Насдаги сайёрийлар бир-бири билан алоқада бўлганлар ва мактублар ёзганлар. Хужвирий бу мактублар жуда мазмунли деб мақтайди.

Сайёрийлар йўлининг ўзига хослиги жамъ ва фарқ тушунчаларига махсус эътибор берганларидадир.

Хужвирий жамъ ҳолатини икки хил деб ёзади:

1. Жамъи саломат – бузилмайдиган жамъ ҳолати.
2. Жамъи тақсир-бузиладиган жамъ ҳолати.

Биринчисини Тангри ато этади. Саҳл ибн Абдуллоҳ, Абу Ҳафс Ҳаддод, Абул Аббос Сайёр ҳолатлари биринчига тааллуқли эди. Иккинчисида ақлу ҳушга тақсир бўлади.

Абу Аббос Сайёрий асослаган сайёрия тариқатидан нақшбандия жамъ ва фарқ тушунчаларини олиб уни ваҳдат ва касрат сифатида талқин этган. Бу тушунча Баҳоуддин Нақшбанднинг вуқуфи ададий талаби асосида ёрқин акс этган, ва қуйидагича баён этилган:

Касрат чу ник дарнигари айни ваҳдат аст,
Маро шакки намонд, гар туро шак ҳаст.
Дар ҳар адад, ки бингари аз рўи эътибор,
Гар сураташ бубини, дар моддаш якест.²⁰³

Мазмуни:

Кўпликка яхши назар қилсанг ваҳдатнинг ўзидир,
Сенда шак бўлса, мен бунга шак-шубҳасиз ишонаман.
Ҳар бир сонга эътибор юзасидан қарасанг,
Сурати кўп кўринса-да, аслида улар бирдир.

²⁰² Кашф ал-махжуб. 156-бет.

²⁰³ Сафий. Рашаҳот айн-ал ҳаёт. Т.: 2005 – 27-бет.

Баҳоуддин Нақшбанд васият қилганларки, мен ўлганимда тобутим орқасидан қуйидагиларни ўқинглар:

Муфлисоне, омадем бар сўи ту,
Шайъалилоҳ аз жамолу кўи ту.
Даст бикушо жониби занбили мо
Офарин бар дасту, бар бозуи ту.²⁰⁴

Мазмуни:

Муфлислармиз (яъни кўп гуноҳ билан ифлосланган кишилармиз) ва биз сенга томон келдик, (яъни аслимизда қайтдик).

Сенинг жамолинг муҳаббати куйида (куйиб, адо бўлиб) сенинг шайъ, яъни нарсангга айланганмиз.

Бизнинг занбилимизга томон қўлингни очгин,
Сенинг қўл ва билакларингга офаринлар бўлсин.

Бу билан Баҳоуддин оламдаги бутун борлиқ ягона вужуд-жамънинг фарқлари эканлигини уқтиради.

Баҳоуддин Нақшбанд бесифатлик ҳолатни руҳониятда бўлишини кўрсатади ва айтади: "Руҳоният вужуди ҳақиқатнинг чегарасиз нурлари ичида маҳв бўлгач, одам қанчалик ўзидан мавжудлик қидирмасин ва идрок сармоясини ўзидан изламасин, бесифатлик ва бениҳояликдан ўзга нарсани кўрмайди". Бу таърифда бесифатлик, бениҳоялик тушунчаси билан айнан бир хилдек, деб кўрсатилмоқда.

Бениҳоялик чексизлик, чегарасизлик бўлиб, илоҳийликка хосдир. Демак, бесифатликда миқдорий ва меъёрий боғланишлар йўқ бўлади.

Баҳоуддин "бесифатлик" тушунчасини "валийлар" ҳақидаги таълимотида ишлатади. У авлиёларни сифатий белгиларига қараб учга бўлади.: 1.Бесифату бенишон. 2.Сифат билан. 3.Сифатдан нишона топган. Учинчисини а) маърифат аҳли б) муомала аҳли в) муҳаббат аҳли г) тавҳид аҳлига бўлади.

1.Бесифатлик ва бенишонликни авлиё ҳолининг мукамаллиги ва даражасининг ниҳояга етганлиги, деб айтади. "Бесифатлик Аллоҳдан юз берувчи к а ш ф ҳолатига ишоратдирки, бу жуда олий мақом ва жуда азиз даражадир. Бу ибора ва ишора мазкур мартабанинг асл моҳияти ва ҳақиқатини англантишдан ожиздир"²⁰⁵, дейди.

²⁰⁴ Баҳоуддин Балогардон. 92-бет.

²⁰⁵ Рисолаи қудсия. 71-бет.

Баҳоуддин "бесифатлик" мартабасининг хусусиятлари ҳақида ҳам гапирган. Унинг фикрича, бесифатлик мартабасининг соҳиби т а м к и н (виқор) аҳлидан бўлади, суҳбат туфайли қалби-муқаллиби қалб (қалбни ўзгартирувчи зот) суҳбатига туташган бўлади. У барча илоҳий сифатлар билан сифатланган ва раббоний хулқлар билан хулқланган бўлади. У ботиний ҳолларини ўз тасарруфи остига олган бўлади. Шунинг учун уни "абулвақт" - вақт отаси дейдилар. У ўз хоҳиши билан бир сифатдан иккинчи сифатга ўта олади. У башарий вужудининг фонийлигидан тамоман софланган бўлади. Шу маънода манбада қуйидаги назмий ибора келтирилган:

Сўфи ибн ул вақт бошад дар мисол,
Лек софи фориғ аст аз вақту ҳол.
Ҳоли мавқуф азми раъи ўст,
Баста бар раъи жаҳон орои ўст²⁰⁶.

Мазмуни:

Сўфи бу оламда ибн ул-вақт "вақт ўғли" бўлади,
Лекин тўла покланган соф бўлгани
вақт ва ҳолдан фориғдир.
Ҳол унинг азму раъйига боғлиқдир,
Унинг жаҳонга оро берувчи раъйига қарамдур.

Демак, сайёрия тариқатида жамъ ва фарқ тушунчалари нақшбандияда ваҳдат ва касрат ҳамда бесифатлик сифатида намоён бўлган.

²⁰⁶Рисолаи қудсия. 73-бет.

Ш БОБ. БУЮК СЎФИЙ МУТАФАККИРЛАР ВА НАҚШБАНДИЯ 1. АБУ САИД АБУЛ ХАЙР ВА ХОЖА АХРОР ВАЛИЙ

Нақшбандия таълимотини жаҳоний даражага кўтарган Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва меросига оид жуда кўп тадқиқотлар қилинган ва шунга уйғун асарлар ёзилган. Аммо мутасаввиф таълимотининг ўрганилмаган қирралари кўпроқ. Бу бобда Хожа Аҳрор Валий маънавий меросининг Хуросон тасаввуф мактабини асосчиси йирик мутасаввиф Абу Саид Абул Хайр (ваф. 440/1048)²⁰⁷ билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилишга ҳаракат этдик.

Хожа Аҳрор Валийнинг “Рисолаи ҳавроийя” (Хурлар рисоласи)²⁰⁸ ва мутақаддамин ва мутааххирин машойихлар нақли билан боғлиқ 52 та рашҳаларининг 39-чиси²⁰⁹ Абу Саид Абул Хайр ижодини таҳлили билан боғлиқ. Хожа Аҳрор Валийнинг “Рисолаи ҳавроийя” – асарининг нусхалари Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда.²¹⁰

“Рисолаи ҳавроийя” (Хурлар рисоласи) Абу Саид Абул Хайр томонидан ёзилган, бемор кишига ўқилса шарофатли ҳисобланган ва шунинг учун жуда кўп киши томонидан шарҳ этилган рубоийнинг таҳлилига бағишланган. Чунки илгариги шарҳлар Хожа Аҳрорни қониқтирмаган ва ўзи бу рубоийни таҳлил этиш мақсадида “Хурлар рисоласи” номи билан мўъжазгина, лекин бой тасаввуфий мазмунни ўзига олган асарни ёзган.

“Рисолаи ҳавроийя”да Абу Саид Абул Хайрнинг қуйидаги машҳур рубоийсини Хожа Аҳрор шарҳлаб, ўзининг инсонга оид қарашларини баён этади:

Хуро ба наззораи нигорам саф зад,
Ризвон з-таажжуб кафи худ бар каф зад.
Он холи сияҳ бар он рухон мутраф зад,

²⁰⁷ Қаранг: Акимушкин О. Абу Саид Майхани./Ислам Энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991. С. 10-11.; Олимов К. Хорасанский суфизм. Душанбе. 1994. 47-52-бетлар.

²⁰⁸ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи ҳавроийя/Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзох, Ҳ.Амин. – Т.: Адолат, 2004. 21-25-бетлар.

²⁰⁹ Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот: (Оби Ҳаёт томчилари). – Табдил ва сўнгсўз муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиб-нашр., 2003. 352-бет.

²¹⁰ Бобохонов Ш., Мансур А. Нақшбандий тарикатига оид қўлёзмалар фихристи. Т.: Мовароуннаҳр, 1993. 22-23-бетлар.

Абдол зи бийм чанг бар муҳаф зад.²¹¹

Бу рубоийнинг асосий сўзларига Хожа Аҳрор томонидан шарҳ ва изоҳлар берилган. Шулар асосида рубоийни ўзбек тилидаги табдилини куйироқда келтирамиз.

Хожа Аҳрор “Рисолаи ҳавроийя” асарининг бошида, шарҳлардан олдин инсон ҳақида фикр юритади. У инсонни тана ва руҳдан иборат илоҳий мавжудот сифатида кўриб таҳлил этади. Руҳларни Ҳақ ўз Жамолини мушоҳадаси учун яратган, дейди Хожа Аҳрор. Руҳ танага кирганда ўз асли Ҳақ Жамолидан ҳижоблар билан тўсилади. Аммо асл ҳолатда инсон руҳида Ҳақ Жамоли билан муҳаббат ва унсият ҳосил бўлади. Жалолиддин Румий айтганидек, най аслидан узилиб яна унга етиш учун нола қилганидек, инсон руҳи доимо аслига томон интилади. Лекин руҳлар асл ҳолатларига қайтишга интилсалар ҳам, хоҳласалар ҳам тақдир тақозоси билан қайта олмайдилар. Одам (алайҳиссалом) қанча Жамолга интилса ҳам фарзандлари, бадан боғланишлари туфайли ҳижоб-пардалар ҳосил бўлганини мисол тариқасида Хожа Аҳрор ёзади.

Хожа Аҳрор инсонларни икки тоифага бўлади. Бири боғланиши ва тааллуқлар пардасига ўралиб ўз аслини унутиб, куфру исён йўлига ўтади. Иккинчи қисм пайғамбар ва валийлар ёрдами билан аслини хотирлайди ва иймон нури билан мунаввар бўлади. Натижада Ҳақ Жамолини ҳеч унутмаганларидек уларда кучли иштиёқ пайдо бўлади. “Муҳаббат оташи уларнинг дилларида шундай ўрнашдики, бу оташ ўшал Жамол мушоҳада ёдисиз таскин топмайди. Агар бу оташ уларни қаттиқ куйдирсаям, лекин бу оташсиз туролмайдилар.”²¹² Иккинчи тоифа- нурли, иймонли, комил инсонлар учун ўлим асл билан боғланиш, висол суруридир. Шунинг учун ўлим ҳақида гапирганда улар шод бўладилар. Хожа Аҳрор ёзади: “Улар шундай тоифаки, бирор захмат-беморлик етганда уларга бир киши шу ҳолатларида ўлим ҳақида гапирса, улар шод бўладилар, зеро, биладиларки, ўшал Жамол мушоҳадасини топиш ўлимсиз ҳосил бўлмайди.”²¹³ Бу хабардан шод бўлган беморнинг баданига ҳам енгиллик, ҳосил бўлади, деб ёзади Хожа Аҳрор “Ҳақиқий Жамол мушоҳадаси лаззати бу оламдан ўтгандан кейин бўлади” – деб Хожа Аҳрор пайғамбаримиз Муҳаммад (саллаллоҳи алайҳи васаллам)ни “ким Менга Сафар

²¹¹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи ҳавроийя./Табаррук рисоалар. 383-бет.

²¹² Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи ҳавроийя./Табаррук рисоалар. 22-бет.

²¹³ Ўша асар. 23-бет.

ойининг чиққанидан хабар берса, Мен унга Жаннат башоратини қиламан” ҳадиси орқали бу фикрни исбот этади.

Хожа Аҳрор “ўлимни эслаш улуғларнинг шодлиги” эканини, юқорида тилга олган Абу Саид Абул Хайрнинг рубойиси шу маънода бўлганлиги учун беморга муҳаббат сурурини, Ҳаққа қайтиш завқу шавқини беришини айтиб, ҳар бир рубойидаги асосий тушунчани изоҳлайди. Хожа Аҳрор аслини эсда тутган, Илоҳий Жамол ишқида куйиб, унга етишишни орзу қилаётган комил инсон беморлик ҳолатига нисбатан ўз шарҳини ёзади.

Хожа Аҳрор рубойини бошидаги “Ҳуро” сўзи ҳурлар ва фаришталарни англатишини ёзадики, улар ўлаётган илоҳий ишқда куйган бемор бошига келиб саф тортиб, уни кузатиб турадилар. Биринчи қатордаги “нигор” Хожа Аҳрор фикрича маҳбублик мақомидаги инсон руҳи. Қуръони Каримдаги Моида сурасининг 54-ояти - “У уларни яхши кўради, улар ҳам уни яхши кўрадилар”ни Хожа Аҳрор асос сифатида келтиради. Абул Саид Абул Хайр рубойисининг биринчи қатори Хожа Аҳрор шарҳи билан қуйидаги маъно олади:

Ҳурлар, фаришталар маҳбублик мақомидаги руҳ – нигорони кузатиб, наззора этиб, саф тортдилар.

Хожа Аҳрор бу ҳолат маҳбублик мақомидаги инсонда бўлади деб таъкид этади.

Рубойининг иккинчи қаторидаги “Ризвон”-дан мурод эса дил боғи (жаннат)ни кўриқловчи ақлдир,”²¹⁴ деб Хожа Аҳрор дилни жаннат билан қиёслайди, “Аммо дил беҳиштга табиат дўзахидан ўтмагунча етмайди”²¹⁵ деб, Хожа Аҳрор руҳ танага кириб, моддий олам, шаҳодат оламида ўз ўрнини топиб, бандаликни ўрнига келтирганидагина қалб жаннатга айланишини ёзиб, моддий оламдаги покиза ҳаёт кечириб руҳ камолоти учун нақадар муҳимлигини таъкид этади. “Таажжуб” сўзини Хожа Аҳрор қалбни ўзидан узоқ нарсаларни билиб қолиши ва бу эса ақлни ҳайратга тушишига сабаб эканлигини айтади. Бундан келиб чиқиб Абу Саид Абул Хайр рубойисини иккинчи қаторини шу мазмунда табдил этиш мумкин:

Ризвон – қалб, дил жаннатини кўриқловчи ақл (қалбни) огоҳлигидан таажжубга тушиб, ўз кафтини кафтига урди.

²¹⁴ Ўша асар. 24-бет.

²¹⁵ Ўша асар. 24-бет.

Бу ҳолат ҳайратдан лол бўлган пайтда инсонга беихтиёр содир бўлади. Бу гўзал ҳолат ақлни лол этган, ҳайратга солган. Бу билан Хожа Аҳрор қалбни кўришни, англаш, дарк этиш даражасини чексизлиги ва ақлни билиш даражаси чегараланганлигини ҳам таъкид этмоқда.

Хожа Аҳрор рубоийни учинчи қаторидаги “холи сиёҳ” – қора холни ўлим вақтида зухурга келадиган хорлик, мазаллат ва камтарликлар, деб шарҳ этади. Шу қаторда “мутраф” сўзи бор. Уни мазмуни “юзни ёпувчи парда, ҳижоб”²¹⁶-дир. Шарҳ ва изоҳлар билан рубоийни учинчи қаторини шундай мазмунда ёзиш мумкин:

Ўшал қора хол – ўлим ҳолати, руҳлар учун ҳижоб, пардани олиб ташлади. (Уларга васл билан кўшилиш учун имкон берди.)

Шунинг учун бўлса керак тасаввуф аҳли “ўлимдан олдин ўлмоқ”ни истайдилар. Шунинг учун бўлса керак Баҳоуддин Нақшбанд: “Тар бимирем ҳеч мотам не”, яъни “агар биз ўлсак мотам эмас” – деб таъкид этганлар.

Рубоий тўртинчи қаторидаги “Абдол” ва “Мусҳаф”ни Хожа Аҳрор қуйидагича шарҳ этган: “Абдолдан мақсад нафсоний қувватдурки, инсон моҳиятида ҳар хил ўзгаришлар ясайдиган нарсадир. Мусҳафдан мурод эса Кулл мазҳари, жамълик нусхаси бўлган инсон ҳақиқатидир.”²¹⁷

“Абдол” – Худога яқин, худонинг хос кишилари бўлиб, улар етмиш кишидан иборат.”²¹⁸ Хожа Аҳрор шу етмиш қувватни инсонни ботинида мавжудлигини айтади. Мусҳаф – Қуръони Каримни ҳам шу ном билан атайдилар. Бу ерда Мусҳаф – Қуръон қандай Оллоҳ каломи бўлиб, бутун Олам моҳиятини акс эттирса, инсон ҳам – мусҳаф – Оллоҳ-Куллнинг зоҳир бўладиган жойи, жамъ мақомидаги нусха бўлиб, уни Хожа Аҳрор инсон ҳақиқати дейди. У ерда Қуръони Каримдаги “Фуссилот” сурасидаги 53 оятни келтириб, уни изоҳида ёзилган ва инсон моҳиятини очиб берадиган қуйидаги рубоийни келтиради:

Эй нусхаи номаи илоҳи, ки туи,
Ва эй оинаи жамоли шоҳи, ки туи.

²¹⁶ Фарҳанги забони тожики. Том 1. Москва: 1969. 776-бет.

²¹⁷ Ўша асар. 24-бет.

²¹⁸ Фарҳанги забони тожики. Том 1. Москва: 1969. 26-бет.

Берун зи ту нест, ҳар чи дар олам ҳаст,
Дар худ биталаб, ҳар он чи хоҳи, ки туи.²¹⁹

Мазмуни:

Эй илоҳий нома нусхаси, сенсан,
Эй Шоҳ жамоли кўзгуси, сенсан.
Оламда нима бор бўлса, сенда бордир,
Ўзингдан талаб қил, ҳар нима истасанг, ўзингсан.

Абу Саид Абул Хайр рубоийсини тўртинчи қаторида “чанг солиш”ни Хожа Аҳрор “ўзларининг рутбаси пасайиб, руҳ мартабаси олий бўлганлигидан руҳга ёпишишдир”²²⁰– дейди. Умуман рубоийни тўртинчи қаторини қуйидагича табдил этиш мумкин:

(Ўлим ҳолатида руҳий олам сурурини кўриб) абдол – барча нафсоний қувватлар кўрқиб, асл моҳият, инсон ҳақиқати бўлган мусхафга ёпишдилар.

Хожа Аҳрорнинг Абу Саид Абул Хайр рубоийсини шарҳ, изох, таҳлилидан маълум бўладики, инсон камолоти, ҳақиқий асл моҳиятни топиш, илоҳий ишқ ила маҳбублик мақомига юксалиш учун ўлимни эслаш, “робитаи мавт”²²¹нинг аҳамияти каттадир, фоний ва боқий, ўзгарувчан ва абадий нарсаларни билиш инсон учун муҳимдир. Хожа Аҳрорнинг бу шарҳлари Алишер Навоийнинг қуйидаги машҳур мисралари билан ҳамоҳангдир:

Ўз вужудингни тафаккур айлагил,
Ҳар на истарсен, ўзингдан истағил.

Хожа Аҳрор Валий рашҳаларида ҳам биз Абул Саид Абул Хайр билан боғлиқ ҳикматли сўзларни учратдик: “Рашҳа 39. Айтур эдиларким: “Шайх Абу Саид ибн Абулхайр қуддиса сирруҳудин манқул турур, ойтибдурларким: “Машойихи тариқат қаддасаллоҳу таъоло арвоҳаҳумдин етти юз тан (яъни киши) тасаввуфнинг моҳиятида сўз ойтиб турарлар. Ул сўзларнинг ҳаммасининг тамомроқи ва яхшироқи бу турурким: “Ал-тасаввуфу сарф ул-вақти

²¹⁹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи ҳавроийя./Табаррук рисоалар. 378-бет.

²²⁰ Ўша асар. 25-бет.

²²¹ Робитаи мавт – Нақшбандия тариқатидаги ўлим билан боғланиш ҳолатига мансуб амалиёт.

бима ҳува авла бихи”, яъни тасаввуф сарфи вақт турур вақтига лойиқ ва муносиб бўлгон нимарсагаким, муқтазойи вақтдин эрди.”²²²

Хожа Аҳрор рашҳалари туфайли биз яна бир бор тасаввуфга берилган таърифларнинг энг яхшисини англадик. Дарҳақиқат, вақт кадрини билиш ҳар нафас, ҳар онни тўғри ўз ўрнига сарфлаш жамият ва инсон камолоти учун зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хожа Аҳрор Валийнинг Абу Саид Абул Хайр рубойисининг шарҳига доир асари ва тасаввуфга оид ҳикматли сўзини ифодаловчи рашҳаси унинг инсон, инсон моҳияти, ҳақиқий инсон, руҳ, тана, ўлим, илоҳий ишқга оид тасаввуфий тушунчаларини англашга имкон беради. Буларни англаш Хожа Аҳрор шахсиятини чуқурроқ билиш имконини беради.

²²² Рашаҳот. 352-бет.

2. МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ВА ХОЖА АҲРОР

Мустақиллик даври берган улуғ неъматларидан бири маънавият тушунчаси ва шу билан боғлиқ ишлардир. Шу муборак йилларда маънавият эъзозланди ва юртбошимиз И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” деган асарни ёздилар. Меросимизда бўлса бу мазмунда жуда кўп асарлар бор. Башарият мутафаккири сифатида танилган Мавлоно Жалололиддин Румийнинг “Маснавийи Маънавий” ва “Фиҳи ма фиҳи” (Ичингдаги ичингдадир) асарларини маънавият қомуси дейиш мумкин. “Маснавийи Маънавий” жуда кўп мутафаккирлар учун илҳом манбаи бўлган.²²³

Нақшбандия тариқатининг XV асрдаги йирик намояндаси Хожа Аҳрор Румий асарларини билган ва улардан яратган таълимотида фойдаланган. Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва таълимотига бағишланган Фаҳриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (Оби ҳаёт томчилари) асарида у кишидан сақланган рашҳалар ҳақида маълумот берилади. Тадқиқотларимиз натижасида аниқладикки, Хожа Аҳрор Валийдан сақланган ҳаёт берувчи томчилар – рашҳаларнинг саккизтасида Жалололиддин Румий тилга олинган ва у кишининг ғоялари билан уйғун фикр айтилган. “Рашаҳот” асаридаги Хожа Аҳрорнинг Қуръони Карим оятлари, ҳадис ва авлиёлар каломи маъноси билан боғлиқ ўн олти рашҳасининг олтинчисида: Қуръони Каримнинг Тавба сураси, 119-ояти-“Куну маъа-с-содиқийна” – “Содиқлар (ростгуй зотлар) билан бирга бўлинг”даги содиқлар сўзини тафсирида Хожа Аҳрорнинг шундай фикрлари келтирилган: “Яна шу оятни маънисида ойтдилар:

Маснавийи Маънавий(дин):

Пеши устоде, ки ў наҳви бувад,
Жони шогирдаш аз ў наҳвий шавад.
(Наҳвий (тилшунос) бўлган устоднинг олдида,
Шогирднинг жони ҳам ва вужуди ҳам шунга мос бўлади.)

Одамийға, ул жиҳатдинким, ҳамнишинлардин таъсири томиға истейдод ҳосилдур, бу амрга маъмур бўлуб турур. Қайси амал бу тоифанинг суҳбати баракоти била Ҳақ Субҳонаҳу ва таолодин воқеъ

²²³ Ҳамроева Д. “Маснавий” шарҳлари.//Сино – 2008 – №30 - 35-40-бетлар.

бўлгон кишига муқоват эга бўлур? “Жазабатун мин жазаботил Ҳаққи тавози амала-с-сақалайн” – “Ҳақ таолонинг жазабаларидан бўлмиш битта жазаба жин ва одамзоднинг амали билан баробардир” бу маънининг муаййиди турур.”²²⁴

Хожа Аҳрор оятни тафсирида Жалолиддин Румий асаридан иқтибос келтириб, яхши ҳамсуҳбат инсонни вужудига ҳам, ботиний оламига ҳам кучли таъсир этиб, илоҳий тортишга муваффақ бўлишини айтади. У бу билан содиқ-чин ихлосли, ростгўй бўлган одамлар суҳбатидан мудом баҳраманд бўлишни тавсия беради. Бу рашҳа инсон ўз ҳамсуҳбатига эътибор бериши лозим, ҳамнишиннинг амал ва ахлоқи, сўз ва муносабатлари унинг вужуд ва руҳиятига ўз таъсирини қолдириши мумкинлигини айтади. Яхши ҳамсуҳбат таъсиридан эзгулик, илоҳий сифатларга тортиш ҳосил бўлса, ёмон ҳамнишин инсонни таназзулга олиб келувчи амалларга тортади.

“Фикроти Аҳрория” асарида ҳам Хожа Аҳрор суҳбатнинг аҳамиятини таъкидлаган: “Аҳли сидқнинг суҳбатидан бирор солиқда уларнинг суҳбатидан таъсирланиш қобилияти бўлса, уларнинг аҳамиятидан зикр қийинчилигисиз, нафий-исбот мулоҳазасисиз шундай ҳам таъсирланиши юз берадики, Ҳақ субҳонаҳудан бошқа ҳар нарсадан бутунлай озод бўлади.”²²⁵ Хожа Аҳрор бундай содиқни суҳбатидан олган файзни нигоҳдошт зарур деб қуйидаги байтни ёзади:

Он чи ба Табриз дод як назари Шамсиддин,
Сухра кунад дар даҳа, таъна занад бар чилла.

Мазмуни:

Табризда Шамсиддиннинг бир назари ила,
Даҳани масхаралаб, чиллани таъна қилади.

Бу ерда Жалолиддин Румий устози Шамсиддин Табризийга ишора қилинмоқда. Чунки Жалолиддин Румий у билан ҳамсуҳбат бўлганидан кейин умуман ҳолати ўзгарди ва Ғарбу Шарқни лол қиладиган илоҳий ишқ жазабаси таъсирида ўлмас байтларни ёзадиган даражага етди. Шунинг учун Хожа Аҳрор содиқлар суҳбатини ғанимат билиш, уларни асраш – нигоҳдоштга эътибор беришни лозим деган. Шунингдек бундай содиқлар суҳбатидан баҳраманд бўлганлар

²²⁴ Фахриддин Али Сафий . Рашахот (Оби ҳаёт томчилари). Табдил – М.Ҳасаний. – Т.: Абу Али ибн Сино номли тиббиёт нашриёти. 2003. 330-бет.

²²⁵ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 67- бет.

хилвату чилладан қочиб, яхши қалб соҳибларининг суҳбатини ахтарадиган бўлишини таъкид этади.

“Рашаҳот”да Хожа Аҳрорнинг ҳадислар маъноси таҳлилига оид саккизта рашҳалари бор. Уларнинг саккизинчисида айтганлар: “Акобирлар жамъу-л жамъ маъносида шундай деганлар: “Ал жамъу ма лаҳу алайҳи ва ма лака алайка ва жамъу –л жамъи ан яжмаъ ма лаҳу ва ма лака алайҳи.” Ойтдилар: “Мартабаи жамъ ул жамънинг мубаййини турур бу байтким, Ҳазрати Мавлавий (Румий) қуддиса сирраҳу “Маснавий”да ойтиб турурлар:

Мо киём андар жаҳон печ-печ,

Чун алиф он худ надорад ҳеч-ҳеч.

(Биз жаҳон ичида чирмашиб олибмизу киммиз?

Биз “алиф”га ўхшаймиз, унда ҳеч нарса (яъни нуқта йўқ).²²⁶

Жалолоддин Румийни шу сатрлари Хожа Аҳрорнинг асосий асари “Фикроти Аҳрорийа”да ҳам келтирилган.²²⁷ Бу ерда инсон камолотида фано ҳолати ҳақида яъни йўқлик мақомига етган инсон ҳақида сўз юритилмоқдаки, у қандай “алиф” – ҳарфида ҳеч қандай нуқта бўлмагани каби, бутун жаҳонда нест бўлиб кетган. Бу ерда алиф – Ҳақ, Худога нисбатан ҳам мажозий маънода қўлланилган бўлиши мумкин. Худо алиф – каби пок, соф, тоза бўлганидек, инсон жамъул жамъ мақомида илоҳий сифатни олади. Умуман борлиққа нисбатан жамъ ва тафриқа тушунчалари ишлатилади. Инсон борлиғида буларнинг барчаси жамълангани учун у буни англаса Жамъул жамъ ҳолатига туша олади.

“Рашаҳот” асарида Хожа Аҳрорнинг машойихлар сўзлари билан боғлиқ эллик иккита рашҳаси келтирилган. Унинг олтинчисида Хожа Аҳрорнинг Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний томонидан айтилган “Шайхлик эшигини боғлагил, Ёрлик эшигини очгил. Хилватни эшигини боғлагил, суҳбатни эшигини очгил” сўзларидан кейин “Маснавий”дан бу байтни ўқиганлари қайд этилган:

Байт:

Ҳирфа мехоҳи тариқаш феълист,

Илм омўзи тариқаш қавлист.

²²⁶ Рашаҳот. 339-340-бетлар.

²²⁷ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 106- бет.

Фақр хоҳи он ба суҳбат қойим аст,
Не забонаш кор меояд, на даст.

Мазмуни:

(Ҳунар тиласанг, бунинг йўли феъл (яъни ҳаракат)дир,
Илм ўргансанг, бунинг йўли сўздир.
Фақр керак бўлса, у фақат суҳбат орқали топилади,
Тил билан ҳам, қўл билан ҳам уни топиб бўлмайди.)²²⁸

Бу байт фақр ҳолатига тушиш учун суҳбатнинг аҳамиятини таъкид этади. Нақшбандия таълимотини асосий тамойилларидан бири “хилват дар анжуман” бўлиб, бир томондан, у “Даст ба кору, дил ба Ёр”лик ҳолатига ёрдам берса, иккинчи томондан, суҳбат орқали хилватдаги шуҳрат ва кибру ҳаводан инсонни сақлайди, учунчидан, комили мукаммаллар билан инсон зоҳири ва ботинида ниёзмандлик, шикасталик, камтаринлик ва фақру фанони муяссар этади.

“Рашаҳот” асарида Хожа Аҳрорнинг ўзлари айтган сўзларидан бир юз йигирма рашҳа келтирилган. Улардан 59-рашҳа най овози таҳлилига бағишланган. Бу ерда Жалолиддин Румий тилга олинмаган бўлсада, унинг моҳияти “Маснавийи Маънавий”даги най ҳақида ёзилган ғояга уйғундир. Бизнингча, най ҳақидаги ғоя жуда машҳур ва маълум бўлганидан иқтибосга ҳожат бўлмаган.

“Маснавийи маънавий” дебوحасида шундай ёзилган:

Тингла найдин, чун ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардин шикоят айлагай.

Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нолишимдин эл ҳама ўртандилар.²²⁹

Бу сатрларни шарҳини ёзганлар “най” истилоҳи билан Жалолиддин Румий ориф ва оқиллик мартабасидаги инсонни комилни назарга олган, чунки унинг оғзидан ҳамиша ошиқона, лаззатбахш ва сермаъно сўзлар зухур этади, дейдилар. “Айрилиқлардан шикоят айлагай” – комил инсон асл ватани – руҳи пайдо бўлган макондан жудо бўлгани учун фиғон тортишини айтди. “Тингла”-дан мақсад най

²²⁸ Рашаҳот. 341-бет.

²²⁹ Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Биринчи китоб./Форсийдан Камол Ж. таржимаси. Т.: Фан, 2005. 17-бет.

овози, комил инсон сўзи, суҳбатини эшитиш қалб ҳолати учун зарур.²³⁰

Хожа Аҳрор найни ким чалишига эътибор беришга чақиради. Бидъат аҳли уни чалиб, уни эшитишни ўзлари касб қилган бўлсалар, ундайлардан йироқ туришни масалаҳат беради. Бу самоъ ва жаҳрия мақомда бўлган сохта шайхлардан эҳтиёт бўлиш лозимлигига ишоратдир. Масалан: пичоқ рўзғор учун зарурий нарса, агар у нобакор кўлига тушса одамни ўлдирувчи қуролга айланиши мумкин. Шунинг учун Хожа Аҳрор най “Маснавий”да улуғланган бўлса-да, ёмонлар кўлидаги найга нисбатан бу сўзлар раво эмас дейди.

Жалолиддин Румий камолотида устози Шамс Табризийнинг ўрни беқиёс бўлган. Шунинг учун сўфийлар шундай деганлар:

Ҳеч чиз аз пеши худ чизе нашуд,
Ҳеч оҳан ханжари тезе нашуд.
Ҳеч Мавлоно нашуд Мавлои Рум,
То, ки пеши Шамс Табризи нашуд.

Мазмуни:

Ҳеч нарса ўз-ўзидан бир нарса бўлмади,
Темир ўзидан ўткир шамшир бўлмади.
Ҳеч Мавлоно Мавлои Рум (Жалолиддин Румий) бўлмади,
Токи Шамс Табризий каби (устоз) олдига келмади.

Хожа Аҳрор толиби илмларга Жалолиддин Румийни устози Шамс Табризийга муҳаббатини мисол қилиб, қуйидаги 108-рашҳада шундай деганлар: Толибларнинг заъифи ирода баёнида бу байтни ўқудилар:

Мағў арбоби дил рафтанду шаҳри ишқ шуд холи,
Жаҳон пур Шамси Табризий аст, к-ў марде чу Мавлоно?
(Қалб соҳиблари кетиб, ишқ шаҳри бўшаб қолди дема,
Жаҳон Шамс Табризийга тўла, бироқ Мавлоно (Румий)дек мард
кани?)²³¹

Бу рашҳа билан Хожа Аҳрор толиби илмларга Жалолиддин Румий ҳаётини мисол қилиб, кучли талаб, кучли ирода, кучли

²³⁰ Батафсил қаранг: Жалолиддин Румий. Мамнавий Маънавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб./Таржимон Асқар Маҳкам. Шарқ муаллифлари Обиддин Пошшо, Карим Замоний, Асқар Маҳкам. Т.: Шарқ, 1999. 22-56-бетлар.

²³¹ Рашаҳот. 388-бет.

мухаббат билан илм талабида бўлганларида Шамс Табризий каби устозни учратишлари мумкин дейди.

Нақшбандия таълимотида “хилват дар анжуман”, яъни анжуманда хилватни бўлишига ёрдам берувчи амалиётлардан бири робита – устозга боғланишдир. Пиру устоз ўгити, йўл-йўриғини қалбда жойлаб, меҳнат қилишга робита ёрдам беради. Хожа Аҳрор 113-рашҳаларида тариқаи робитани баён этиб, “Маснавий”дан куйидаги байтларни ўқиганлар:

Он якеро рўйи ў шуд сўи дўст,
В-он якеро рўйи ў худ рўйи Ўст.
Рўйи ҳар як менигар, медор пос,
Бўки карда ту зи хизмат рўшунос.
Дар миёни жони эшон хона гир,
Дар фалак хона кунад бадри мунир.
(Бирининг юзи дўст томонга юзланди,
Бирининг юзи айнан Унинг (Оллоҳнинг) юзи эди.
Ҳар бирининг юзига боқу эҳтиёт қил,
То сен хизматдан юзларни танувчи бўл.
Қара фалақдан тўлин ой жой олгани каби,
Уларнинг жонларининг ичига ўрин ол.)²³²

Хожа Аҳрор бу байтлар билан комил инсон, устоз бўлишига муносиб кишининг юзидан илоҳий нур ёғилиши ва шундай одамлар қалбига кириш лозимлигини уқтиради. Бу билан инсон ботинидаги нур унинг юзига кўриниш, зоҳир ва ботин бир-бирига таъсир этишини уқтиради. Дарҳақиқат, Хожа Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия” асарида Баҳоуддин Нақшбандга берган таърифлари буни тўғрилигини кўрсатади:

Гашт бе кибру, риёю, кина,
Нури қудсиरो рухаш оина.
Он лиқои ў жавоби ҳар савол,
Мушкил аз ў ҳал шавад бе қилу қол.

Мазмуни:

Кибр, риё, кинасиз бўлди,
Юзи қудсий нурунинг оинаси.
Унинг юзи барча саволларга жавоб,
Ундан сўзсиз мушкил ҳал бўлади.

²³² Рашаҳот. 389-бет.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд камолот даражалари юзларида акс этган. Шунинг учун Хожа Аҳрор инсонни ўрганиш, унинг сўзи эмас, нури, зиёсини кўриб, таниб, у билан боғланиш – робитада бўлиш керак дейдилар.

Хожа Аҳрор 116-рашҳада сирри маъиййатни баён этганда “Маснавий”дан қуйидаги байтларни ўқиганлар:

Ҳамчу нобино мабар ҳар сў даст,
Бо ту дар зери гилам аст он чи ҳаст.
Ёри ту хўржини тусту кисаат,
Дар ту Ромини мажу жуз Висаат.
Вису Ромини ту, ҳам зоти туст,
Ва ин беруниҳо ҳама офоти туст.
(Кўр киши каби қўлингни ҳар томонга чўзма,
Хоҳлаганинг гиламинг остида турибти.
Сенинг дўстинг хўржининг билан чўнтагингдир,
Ромин ўзингда Висдан ўзгани қидирма.
Вис сенинг Ромининг ва сенинг зотингдир,
Ташқаридагиларинг сенинг офатларингдир.)²³³

Маснавийдаги шу байтларни Хожа Аҳрор “Фикроти Аҳрорийя” асарида ҳам келтирган.²³⁴ Унда қуйидаги мисра ҳам бор:

Чанд аз ин саргашта будан бесабаб,
Кони ин гавҳар туи, аз худ талаб.

Мазмуни:

Бу йўлда сабабсиз саргашта бўлиб юрма,
Бул гавҳарнинг кони ўзингсан, ўзингдан талаб қил.

Бу мисралар Румийнинг Оллоҳ талабида бўлганларга қарата, “Ҳеч нарса сиздан ташқарида эмас, илоҳий сиз” деб айтганларига уйғун экан:

Ани излашга ҳожат йўқ,
Илоҳий Сиз, Илоҳий Сиз.

²³³ Рашаҳот. 390-бет.

²³⁴ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя. /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 90- бет.

Хожа Аҳрор 120-рашҳаларида зоҳир бўлиб кўринган касрат оламида бир ҳақиқат аёндир деганда “Маснавий”дан қуйидаги байтларни ўқиганлар.²³⁵ Бу байтлар Хожа Аҳрорнинг “Фикроти Аҳрорийа” асарида тўлиқроқ келтирилган.

Итгисоли батакаллуф беқиёс,
Ҳаст Роббинносро бо жони нос.
То маъийят рост омад к-онро дўст кард,
Гар кушоям баҳси инро ман ба соз.
Завқи нукта ишқ аз ман меравад,
Нақши хизмат, нақши дигар мешавад.
Бас кунам худ зийраконро ин бас аст,
Бонги ду кардам агар дар даҳ кас аст.²³⁶

Мазмуни:

Такаллуф ва қиёссиз итгисол – бирлашиш,
Инсон жони билан унинг Роббийсида бор.
То маъийят – жуфтлик тўғри, уйғун келди, уни дўст кўрди,
Мен бу соҳада соз баҳсни бошласам.
Савол-жавоблар чўзилиб кетади.
Менинг бандалик нақшим ўзгаради.
Мен тўхтаيمان, зийрак кишиларга шу басдир.
Ўн киши бўлса ҳам, икки бора бонг урдим.

Охирги “Ўн киши бўлса ҳам, икки бора бонг урдим” “Фикроти Аҳрорийа” асарининг яна икки жойига келади.²³⁷

Рашаҳотдан рашҳалар ва асарлардаги ғоялар кўрсатадики Шарку Ғарбни мафтун этган Жалолиддин Румийнинг “Маънавий Маснавий” асари нақшбандия таълимотининг йирик намояндаси Хожа Аҳрор Валийга таъсир этган. Юқорида рашҳаларда айтилган ғоя ва мисраларни унинг асарларида ҳам учратиш мумкин. Шу билан рашҳаларда эмас, фақатгина асарларида ёзилган Румий ғоялари ҳам мавжуд. “Фикроти Аҳрорийа” асарининг бошида “Маҳбубларга сув, маҳжуб (ҳижоб билан Ҳақдан тўсилганлар)га бало бўлган Нил дарёсига ўхшаш, ўзингдан айирмагин”, деб “Маснавий”дан қуйидаги байтни Хожа Аҳрор келтиради:

²³⁵ Рашаҳот. 391-бет.

²³⁶ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 70- бет.

²³⁷ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. 121,125- бетлар.

Оби Нил асту ба Кибтиён хун намуд,
Қавми Мусоро на хун буд, об буд.²³⁸

Жалолоддин Румий “Маънавий Маснавий” асарида Қуръони Карим моҳиятини очиб берган ва шунинг учун бу асарни “Ҳаст Қуръон дар забони паҳлавий” – “Паҳлавий тилидаги Қуръон” деганлар. Юқоридаги байт ҳам Мусо қавми билан бўлиб, барчага ибрат саналадиган Қибтийларга қон, Мусо учун сув бўлган Нил дарёси суви билан боғлиқ воқеага ишорат қилинади. Шу билан Хожа Аҳрор “Фикроти Аҳрорийа” асарини ёзишдан мақсад асл инсон, унинг ботинини илоҳий даражага юксалиши эканлигини таъкид этади. Бунинг учун Қуръондаги оятларни асос сифатида келтириб, шунга уйғун мос шоирлар сатри, байт ва фардларни ёзади. Хожа Аҳрор яна шу асарида “Маснавий”дан қуйидаги парчани келтиради:

Ошиқонро шодмонийу ғам ўст,
Муздкори ўтраи хизмат ҳам ўст,
Ғайри маъшук аз томошои бувад,
Ишқ набувад ҳарза савдойи бувад.
Ишқ он шўъла аст, ки чун барфурўхт,
Ҳар чи жуз маъшук боқий жумла сўхт.
Тиғи “Ло” дар қатли ғайри Ҳақ биронд,
Дарнигар з-он баъди “Ло” чи монд?
Монд “Иллаллоҳ” боқий жумла рафт,
Шод бош, эй ишқ, ширкат сўхту рафт.²³⁹

Мазмуни:

Ошиқлар учун шодлик ҳам, ғам ҳам, Удир,
Хизматида бўладиган ҳам, ҳақини берадиган ҳам, Удир.
Маъшук (Ун)дан ғайрини томошоси,
Ишқ эмас, савдойи – жинниликдир.
Ишқ шундай шуъладирки ёнса гар,
Маъшукдан ўзга барчасини куйдирар.
Ҳақдан ўзгага “Ло” (йўқ) тиғини тортди,
Қарагин-чи “Ло”дан кейин нима қолди?
“Иллаллоҳ” фақат қолди, бошқаси кетди,
Шод бўл, эй ишқ, ширкинг куйиб адо бўлди.

²³⁸ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. 98- бет.

²³⁹ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 71- бет.

Бу “Маснавий” парчаси асарнинг бошқа жойларида ҳам ёзиб, кенг шарҳ этилган.²⁴⁰ Хожа Аҳрор Жалолиддин Румий маснавийсидаги бу мисралар моҳиятни ўз асарида таҳлил этиб, ҳақиқий инсон бандалик мақомида бўлиб, фақат Ҳақ билан боғланади, бошқасига йўқлик назари билан қарайди, яъни бошқа нарсаларни ҳам асл моҳияти илоҳий эканлиги, улар инсон учун яралганини тушуниб, ширк – бошқани Оллоҳга шерик қилишдан сақланади дейди. Инсон асл моҳият билан боғланса ботини илоҳий бўлиб, шаклан, зоҳиран кичик олам бўлса-да, ботинан улуғ олам – борлиғи бутун оламга айланиб, камолотга етади. Жалолиддин Румийни юқоридаги байтлари Ишқ – ҳақиқий, илоҳий ишқни бу жараёндаги ўрни асосий эканлигини таъкид этмоқда.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

- Хожа Аҳрор Валий Жалолиддин Румий таълимоти билан таниш бўлган ва унинг “Маънавий маснавий” асаридан рисола ва рашҳаларига асос ва далил сифатида келтирган.

- Хожа Аҳрор Румий каби ҳамсуҳбатнинг инсон камолоти ўрни катталигига эътибор бериб, содиқ кишилар билан бирга бўлишни тавсия этади. Инсонни яхши ҳамсуҳбат эзгулик, илоҳийликка томон тортса, ёмон ҳамсуҳбат таназулга олиб келишини уқтиради.

- Тасаввуфий ислоҳлардан “Жамъ ул жамъ” – инсоний камолот ҳолатини Хожа Аҳрор Румийни алиф ибораси билан уйғун деб, фано, нестлик ҳолати сифатида тавсиф этган.

- Нақшбандия таълимотидаги “хилват дар анжуман”даги суҳбат инсонни фақр, шикасталик, ниёзмандлик ҳолатига етказиши ғояси Румий байтларидан илҳомланган.

- Хожа Аҳрор Румийни машҳур най билан боғлиқ мисралари билан таниш бўлган. Шу билан бирга у тариқат аҳлига найни ким чалаётганига эътибор бериб, кейин тинглаш лозим деб, аҳли бидъат чалган куйдан эҳтиёт бўлишга чақирган. Бу билан ҳар бир нарса – ҳодисага тақлид кўзи билан эмас, огоҳлик билан назар этиш, тинглаш лозим деган.

- Хожа Аҳрор Румийни устози Шамс Табризийга муҳаббати ва садоқатини шогирдларга ибрат қилиб кўрсатган. Кучли талаб, устозга муҳаббат бўлса шунга уйғун устозни ҳам пайдо бўлиши ғоясини уқтирган.

²⁴⁰ Ўша асар. 78-79,88-бетлар.

- Нақшбандияни бошқа тариқатлардан ажратиб турувчи, хилватни анжуманда бўлишига имкон берувчи робита-устоз билан боғланишда ҳам Хожа Аҳрорнинг пирни таниш, уни зоҳири ва ботинидаги нурини кўриш ва комили мукамал инсоннигина қалбга жойлаш зарур деган ғояси Румий фикрлари билан уйғундир.

- Инсонни илоҳий мавжудот эканлиги, у Оллоҳни таниш учун ўзини билиш ва унда бутун олам, борлиқ мавжудлигини изоҳлашда Хожа Аҳрор Румий “Маснавий”сига таянади. Нақшбандиядаги тавҳид ваҳдат, иттисол тушунчаларини шаклланишида Румий ғоялари асос бўлган.

- Нақшбандларнинг илоҳий ишқ ҳақидаги ғоялари Румий ғояларига асосланади.

- Инсон, инсонийлик, инсонийлик ҳақиқати ғояларини изоҳлашда Хожа Аҳрор учун Румий “Маснавий Маънавий” асари манба бўлган.

- Нақшбандия таълимоти билан Жалолиддин Румий ғояларининг уйғун томонлари ва ўзаро таъсирини ўрганиш махсус тадқиқотни талаб этади. Бизнинг Хожа Аҳрор ва Румий ҳақида фикрларимиз бу соҳадаги илк қадам бўлиб, уни мукамаллаштириш давр талабидир.

3. ИБН АРАБИЙ ВА ХОЖА АХРОР

Шайхи Акбар номи билан машхур, ваҳдати вужуд таълимоти асосчиси сифатида тан олинган Ибн Арабийнинг тасаввуфий ғоялари нақшбандия таълимоти намояндалари Абдурахмон Жомий²⁴¹ ва Муҳаммад Порсоларга²⁴² таъсир этганлиги ҳақида маълумотлар бор. Хожа Аҳрорнинг ваҳдати вужуд ҳақидаги ғояларини А.Жузжоний ёзганлар.²⁴³ Лекин бу масалани айтилмаган, очилмаган ва тадқиқот талаб қиладиган соҳалари кўп.

Биз тадқиқотларимизда масалани қуйидаги икки томонига эътибор бердик. Биринчидан, Хожа Аҳрор ўзлари Ибн Арабийни тилга олиб, таълимотлари ҳақида бирор нарса деганларми? Иккинчидан, Хожа Аҳрор ғояларида нақадар Ибн Арабий таълимотининг таъсири бор? Тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, Хожа Аҳрор Ибн Арабийни тилга олганлар. Чунки Хожа Аҳрордан сақланган 206 та рашҳадан 6 тасида Ибн Арабий тилга олинган. Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (Оби ҳаёт томчилари) асарининг иккиланчи фаслидаги Хожа Аҳрорнинг 9-рашҳасида шундай ёзилган: “Жамодотга одамлар аъмоли ва ахлоқларининг таъсири арбоби таҳқиқларнинг наздида амри мукаррар турур.”²⁴⁴ Жамод – жонсиз табиат (тош, тупроқ каби жонсиз нарсалар).²⁴⁵ Жонсиз табиатга одамларнинг амаллари ва ахлоқлари таъсир этар экан деб, Хожа Аҳрор бу ҳақда Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ул-Арабий тадқиқотлари кўплигини ёзади ва шундай изоҳ этадики, жонсиз табиатнинг бу таъсири то шу даражадаким, агар киши ёмон аъмол ва ахлоқдан таъсирланган мавзеда намоз ўқиса, бунинг баҳоси ифлосланмаган маконда ўқилган билан тенг бўлмас. Шундан хулоса қилиб Хожа Аҳрор: “Шул ваҳддин турурким, Маккаи муборақнинг ҳарамида икки ракаат намоз ул мавзенинг ғайри (бошқа ерида) адо топқон етмиш ракаат намозга баробар турур”, дейди. Бу иқтибосдаги Хожа Аҳрорнинг “Ибн Арабийни бу соҳадаги

²⁴¹ Қаранг: Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 232 бет.

²⁴² Юрген Пауль. Доктрина и организация Хваджаган – нақшбандийа в первом поколении после Бахауддина. /Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Санкт-Петербург: Наука, 2001. С. 160.

²⁴³ Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.: 2001. 21-бет.

²⁴⁴ Фахриддин Али Сафий. Рашаҳот: (оби ҳаёт томчилари). /Табдил. М.Ҳасаний. Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2003. 342-бет.

²⁴⁵ Навоий асарлари луғати. Т.: 1972. 219-бет.

тадқиқотлари кўп” деган ибораси орқали бизга уни улар билан таниш эканлиги маълум бўлади. Иккинчидан, икки мутасаввиф ҳам жонли ва жонсиз табиат, яъни борлиқнинг бу кўринишларини ўзаро таъсирда, алоқада эканлигини уқтирадilar. Қандай инсон ўз амаллари ва ахлоқи билан жонсиз табиатга таъсир этса, ўша таъсир қайтиб инсоннинг амалларига ўтади деб, Маккадаги намоз оддий мавзедаги намоздан 35 бор кучли эканлигини далил қилиб ёзмақдалар. Бу билан инсон мудом инсоний қиёфадаги амал ва ахлоқи билан табиатга ва бутун борлиққа муносабатда бўлиши лозимлиги ғояси уқтирилмоқда. Ҳозирги кундаги экологик ҳолатлар бу ғояларнинг нақадар тўғрилигини кўрсатади.

Хожа Аҳрор 24-рашҳада Хожа Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг “Дилнинг тириклигига даражот бордур. Дилнинг тириклиги иқтизодин бошқа нимарса била ҳосил бўлмас ва иқтизо давоми зикр турур уйқуда ва уйғоқликда” деган фикрини келтиради ва уни таҳлил қилади. Хожа Аҳрор баъзи тариқат шайхлари каби Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ул-Арабий уйқудаги зикрни тараққийнинг мавжиби демаслар, дейишини айтади. “Онинг учунким тараққий амали била турурким, илмдан ноший бўлса улчаким, уйқуда кўрилурум, зикрга машғул турур, бу қабилдин эрмастур.”²⁴⁶ Бу билан Ибн Арабий илмдан пайдо бўлувчи, келиб чиқувчи, туғилувчи, яъни ноший бўлувчи амал тараққийётга олиб келишини айтмоқда. Демак, дил тирик бўлиши учун илм, маърифат талабидаги зикр лозим ва шундай тирик, соғлом қалб эгаси ўзи ҳам камол топиб, тараққий этади, жамиятни ҳам тараққий эттириб билади, деган ғояни илгари сурадилар. Шу рашҳа Хожа Аҳрор ҳам, Ибн Арабий ҳам Ҳаким Термизий маънавий меросидан хабардор эканлигидан далолат беради.

Хожа Аҳрорнинг 40-рашҳалари куйидаги мазмунда айтилган: Шайх Абу-с-Суъуд раҳматуллоҳ асҳобларига айтган эканларки, “Менинг ёнимга эски гўшт билан келманглар, тоза гўшт билан келинглар” бу иборанинг мазмунини очишда Хожа Аҳрор Ибн Арабий фикрларидан фойдаланиб, шундай деганлар: “Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн-ул-Арабий (қ.с.) ойтибдурларким, “Шайх Абу-с-Суъуднинг мақсуди бу сўздин асҳобларига ҳиммат ўргатмоқ эди, яъни одамларнинг асрор ва маорифлари била манинг ёнимга келманглар, балким, бир нимарса била келингларким, ул сизларнинг хоссангиз бўлсун ва кўнгилларингизнинг пешгоҳидан бош чиқарган бўлсин.”²⁴⁷ Бу рашҳадаги Ибн Арабийнинг фикрини таҳлили орқали Хожа Аҳрор инсонларни ҳимматли бўлишга чақирганлар. Ҳиммат саъй-ҳаракат,

²⁴⁶ Рашаҳот. 346-бет.

²⁴⁷ Рашаҳот. 352-бет.

ғайрат ўз-устига ишлашдир. Инсон бировни ғоясини айтсаю, ўзи уни моҳиятини англамаган, қалбига сингдирмаган бўлса, бу фикр унга таъсир этмайди, инсон ҳолати қандай бўлса шундай қолиб, эски гўшздай бўлади. Аммо инсон риёзат чекиб, ғайрат, саъй-ҳаракат қилиб илму маърифатни эгалласа, ҳолати ва қалби ўзгача, янгидай бўлади. Бу ҳолат устозга яққол кўринади. Шунинг учун шогирдлар илмни фақат онгда эмас, қалбда сингдиришга уринишлари лозимдир. Бу фикрлар ҳозирги кундаги миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдириш фикри билан уйғундир.

Хожа Аҳрор 46-рашҳасида “Кашфи кубур” – қабрдагиларни аҳволини билмоқни Ибн Арабий “тажаллийи муқобала” деганини ёзади. Ўлгандан кейин ҳам тараққиёт бўлиши ҳақидаги 47-рашҳада Хожа Аҳрор ёзадики, “Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн-ул-Арабий (қ.с.) “Футуҳот”нинг баъзе мавзеида айтибдурларким: “Тараққий баъд-ал-мавт”ни нафий этганларнинг бири Шайх Абул Ҳасан Нурий (р.а.) турур... Ҳар ҳолда тараққий баъд-ал-мавт воқеидир.”²⁴⁸

Бу рашҳалардан маълум бўладики Хожа Аҳрор ибн Арабийнинг машҳур асари “Футуҳот-ул-Маккия” билан таниш бўлганлар ва у киши таълимотидаги асосий ғоя-тажаллийни билганлар.

“Рашаҳот” асарининг учланчи фаслидаги Хожа Аҳрорнинг хос сўзларига оид рашҳаларнинг биринчиси “сафар” тушунчаси ва унинг инсон камолоти учун қай ҳолатда, қай вақтда зарурлиги масаласига бағишланади. Шу рашҳасида Хожа Аҳрор айтадики, Шайх Абу Язид ишнинг бошида Бистомдан сафар этди, Шайхларнинг бирининг суҳбатига борди. Ул Шайх айтдики, “Қайтгил ул ердинким, қадамнингни кўтариб келдинг ва мақсудингни қўйдинг.” Боязид изига қайтади ва қариган онасининг ризоси талабига хизмат қилади. Шу рашҳада Хожа Аҳрор айтадики, Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ул-Арабий (қ.с.) бу сўзни таъвил этиб шундай айтганлар: “ул Бузругнинг ишорати онга эрдиким, унча мақсуди ҳақиқий турур жамъи азмина ва амкинага муҳит турур ва ҳеч ер онинг ихотасидан холий эрмасдур. Бас Боязидни ул сирга огоҳ этдиким, онинг талабида қатъий масофатға ҳожат йўқ турур.”²⁴⁹

Хожа Аҳрор Ибн Арабийни қуйидаги фикрини келтирмоқдаки, замон ва маконнинг барчаси Ҳақ ихтиёрида. Бирор макон унинг ихотасидан ташқарида эмас. Шунинг учун инсон қайси маконда ва қайси замонда талабда бўлса ҳам Ҳақ ундан огоҳдир. Ранж чекиб

²⁴⁸ Рашаҳот. 355-бет.

²⁴⁹ Рашаҳот. 358-бет.

сафар қилишга ҳожат йўқ. Нақшбандия таълимотидаги “сафар дар ватан” тамойили ҳам шу мазмунни акс эттиради.

Хожа Аҳрор Валий ёзган рисоалар мазмун-моҳияти унинг Ибн Арабий асослаган ваҳдати вужуд ғояси тарафдори эканлигидан далолат беради. Хожа Аҳрор ёзадики, “амаллар мажмуасидан мақсад дилда Ҳақнинг борлиқ зикрини тозалаши (янгилаши)дир.”²⁵⁰ Ҳақ борлиғи дилда аён бўлиши ва бунинг учун уни зикр этиш эслаш, ёдлаш, англаб туриш, дарк этиш муҳимлиги маълум бўлмоқда. Қалб огоҳлиги инсонни бутун борлиқ билан боғлаши, Ҳақ билан пайваста қилиши маълум бўлади. Ибн Арабий ваҳдати вужуд таълимотини асосида ҳам инсон қалби ётади. Унинг фикрича инсон қалби шундай маҳал, манзил, макондирки, унда илоҳий борлиқнинг бир-бирига умуман зид бўлган моддий ва руҳий томонлари учрашади. “Фусус ал-ҳикам” асарида Ибн Арабий бу ғояни баён этилганини А.Кныш тадқиқ этган.²⁵¹

Ибн Арабий “Фусус ал-ҳикам” ва бошқа асарларида бутун Борлиқни Оллоҳ ўз-ўзини англаши учун яратгани ва у ўзини билиб бўлмайдиган зоти ва сифатлари билан мавжудотларда тажаллий этганлиги ва улар унинг мукамаллигини намойиш этишни баён этган. У Оллоҳ ва Борлиқни айнанлаштирган, унингча вужуд – бор нарсалар моҳияти ваҳдат ягона – илоҳийдир.²⁵²

Борлиқ масаласини баён этишда Ибн Арабийда ҳам, Хожа Аҳрорда ҳам гносеологик масалалар – билиш, маърифатли бўлиш асосийдир. Хожа Аҳрор борлиқни изоҳлашда “Шоҳидлик” ва “машҳудлик” тушунчаларини ишлатади. Шоҳидлик – шухуд аҳлига нисбатан ва машҳуд Оллоҳ моҳиятига нисбатан қўлланилади. Хожа Аҳрор шоҳид ва машҳудни иккилик эмас, ягоналик сифатида қўллаб ваҳдати вужуд ғоясида туради. У ёзади: “кўнгил кўзида шоҳидлик ва машҳудлик васфини келтирмасдан дил назаридан кўтариш, бутун борлиқни йўқлик (нестик) денгизида шундай йўқотишки, ундан на феъл, на сифат ва на исм, на зот қолади.”²⁵³ У бундай мақомни тавҳид, ваҳдат ва идтиҳот камоли дейди. Асосий мақсад “дилда Ҳақнинг

²⁵⁰ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 50- бет.

²⁵¹ Қаранг. Кныш А. Қалб. /Ислам энциклопедический словарь. Москва: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. 131-бет.

²⁵² Қаранг. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. Москва – Санкт-Петербург. “Диля”, 2004. 192-193-бетлар.

²⁵³ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. 50-бет.

салтанати тажаллий қилсин, дилни ғайрнинг шууридан озод айласин”²⁵⁴ деб таъкид қилади.

Хожа Аҳрор тавҳид – дилни Ҳақдан бошқанинг ёдидан тозалаш ва поклаш, ваҳдат – Ҳақдан бошқани билишдан дилни асраш, идтиҳод – Ҳақнинг борлиғига ғарқ бўлишидир деб ёзади. “Ҳузур мақомида Ҳақ билан бўлиб, ўзни ўз назарида йўқотолган ва мушоҳада кўзига Ҳақдан бошқа машҳуд (мушоҳада қилган) кўринмаган киши абадий ҳаётдир”²⁵⁵, дейди Хожа Аҳрор.

Хожа Аҳрор борлиқ масаласи бўйича гапирар эканлар мавжуд, бор нарсалар ҳақида фикр юритганда жонсиз, жонли мавжудотни тилга оладилар. Уларни борлигини инкор этмайдилар, лекин уларнинг илоҳий моҳиятини англаш учун уларга меъёридан ортиқ боғланмаслик керак дейдилар. У киши айтади: “Дунёнинг ҳаммаси ортиқчадир; магар беш нарсаси (ортиқча эмас): жонни сақлаб турадиган нон; ташналикни кетказадиган сув; сатри аврат бўладиган либос; амал қиладиган илм; унда яшайдиган маскан.”²⁵⁶

Хожа Аҳрорни дунёдаги нарсалардан беш нарса инсон учун зарур деганидан шундай фикрга келиш мумкинки, у киши куйидагиларни инсон учун муҳим деган:

1. Инсон танаси меъёрида ишлаши, яъни у банда сифатида ўзининг ҳаққини адо этиши учун зарурий миқдордаги озиқ-овқатни меъёрида истеъмол этиши керак, чунки у нурга айланади ва қувват бўлади.

2. Инсон танаси соғлом бўлиши учун уни зарурий миқдордаги суюқлик билан таъминлаш лозим.

3. Инсон жамиятда хизматда бўлиши, инсонлар билан муносабатда кириши, иссиқ-совуқ ҳаводан ҳимояланиши учун зарур кийим-кечак, яъни либос керак.

4. Амал қиладиган илм, яъни илмеки, инсонни ҳолатини яхшилаш, жамиятдаги ўз ўрнини топиш ва ўзгаларга эзгулик қилишга ёрдам беради, кераклидир.

5. Инсон яшаш, илм олиши, камол топиши учун зарур бўлган маскан – уй-жой, мактаб, ўқув ва касб-ҳунар ўрганадиган, меҳнат қиладиган жойлар зарур.

Бундан маълум бўладики, Хожа Аҳрор борлиқдаги нарсалар инсон учун яралгани ва инсон улардан меъёрида фойдаланиши лозим

²⁵⁴ Ўша асар. 51-бет.

²⁵⁵ Ўша асар. 53-бет

²⁵⁶ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. 59-бет.

деб ўйлайди. Аммо инсон учун кераксиз деб, у қуйидагиларни таъкид этади:

1. Нафсга берилиб овқатланишни ўз ҳаётини мазмун-моҳиятига айлантириш. Яъни фақат яхши, лаззатли таомларни ейиши учун ишлаш, елиб-югуриш ва вақтини сарфлаш инсоний сифат эмас. Чунки бу инсонни лаззатли таомлар ейишга боғлаб, ҳижоб бўлади, илоҳий моҳиятни тўсади.

2. Инсон танаси учун зарарли турли суюқликлар – маст қилувчи нарсалар, ёки меъеридан ортиқ турли хил шарбатларни истеъмол этиш учун боғланиш, инсон учун зарар. Булар ҳам ҳижоб, парда бўлади.

3. Кийинишни ўзини ҳаётининг мақсади қилиб, либос олишга, турли хил кийимларни кийиб, барчадан ажралиб туриш, ўзини кўз-кўз қилиш, зоҳирини безатишга ружуъ қилиш молпарастлик, зоҳирпарастлик каби иллатлар инсонни таназзулга олиб келади. Инсон кибру ҳавога берилади, бу эса уни камолотига тўсиқ бўлади.

4. Илмни фақат мансаб, обрў, пул топиш учун ўрганиш, уни моҳиятини англамаслик, унга амал қилмаслик устига Қуръон ва китоблар юкланган эшак кабидир. Ҳозирги кундаги диплом олиш учунгина ўқийдиган толиби илмлар учун буни тушуниш зарур. Бу риё учун илм олишдир. Риё инсонни Ҳақдан тўсади.

5. Инсон яшаш, ишлаши учун жуда ҳашаматли уй-жой қуриб, бутун умрини шунга бағишлаши ножоиздир. Фақат зарурий миқдорда манзил-макон тахлаш лозим. Умрни, вақтни беҳуда сарфлаш инсонни асл моҳиятдан тўсади.

Булардан мақсад инсон ўзига берилган умр, вақт, нафас, имкониятни боқий абадий нарсаларга бағишласин. Бор куч-қуввати, сабъ-ҳаракатини асл, керакли, зарурий ишга сарфлаши лозим. Шундай кимсаларни Хожа Аҳрор баланд ҳимматли дейди: “Баланд ҳиммат кимса шулки, ўзининг идрок қилувчи қудратини кучи етгунча Ҳақ субҳонаҳу билан машғул қилади. Зеро фурсатни ғанимат билиб, ҳар бир нафасини худовандга сарф қилмоқ даркор.”²⁵⁷ Яъни илоҳий сифатли бўлмоқ, нафс истакларидан ғалаба қилмоқ керак.

Шу мазмунда Хожа Аҳрор қуйидаги назмий парчани келтирадилар:

Қурб на баланд пасти рафтан аст,
Қурби Ҳақ аз қайди ҳасти рафтан аст.²⁵⁸

Мазмуни:

²⁵⁷ Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. /Табаррук рисоалар. 60-бет.

²⁵⁸ Ўша асар. 60-бет.

Яқинлик юқори ёки пастга бориш эмас,
Ҳаққа яқинлик ўз башарий боғланиш (нафс истакларидан)
кетиш, узилишдир.

Хожа Аҳрор ваҳдат-бирлик ҳолатига етиш учун жисмоний ҳаракат эмас, балки нафсга қарши жидду жаҳд билан курашиб, асл вужуд билан боғланиш мумкин дейди. Маълум бўладики, ваҳдат ҳолати руҳий ҳолатдир, шунинг учун қалб, руҳ ҳаракати ва жидду жаҳди билан унга эришиш мумкин. “Дунёдан – ейиш, кийиниш ва маскандан зарурат миқдорида кифояланмоқ керак... Агар биродарчилик зарурат миқдорида бўлса, яъни ҳиммати биродарларининг хизматига сарф қилинса, беминнат қилгай.”²⁵⁹ Яъни инсон риё, кибр, тамаъдан йироқ бўлиши лозим. Бундай ҳолатни Хожа Аҳрор “Жомеъу шоҳид”, “Жамиъу мушоҳада” – деган.

Хожа Аҳрор такрор-такрор ёзади: “Маскани агар баланд – яхши ёки бошқача бўлиб, ўзига кифоя қилса жуда улуғ иш бўлади ейиш агар оёқдан қолмайдиган миқдорда бўлса, қаноат бисёр яхшидир. Кийиниш агар иссиқ-совуқдан асрайдиган миқдорда бўлса, етарлидир.”²⁶⁰ Кўз кўриш учун, қулоқ эшитиш учун бўлгани каби, қалбнинг сифати Ҳақдан огоҳ бўлишдир ва унда ғайр – нафс истаклари бўлмаслиги лозим. Дилни огоҳлик ҳолатида асрашда нафас олишнинг аҳамиятини Хожа Аҳрор таъкидлайди. Дарҳақиқат, нафас олиш инсонни бутун олам қувватлари билан боғлайди.

Дилни Ҳақни муҳаббати қамраб олсин дейди Хожа Аҳрор. “Бу носутий моненьлардан узилиш муқаддимасисиз муяссар бўлмагай”,²⁶¹ бу эса қалбга тааллуқли маърифатсиз ҳосил бўлмаслигини Хожа Аҳрор таъкидлаб, “энг муҳим иш шулки, дил нимага пайваста эканлигини билсинлар.”²⁶² Хожа Аҳрор ҳам Ибн Арабий каби ягона оламни лоҳут-илоҳий моҳиятли, улуҳият ва носут – лоҳутга қарама-қарши бўлган моддий, жисмоний дейди ва булар иккови ҳам инсонда мавжуд бўлиб, уларнинг меъёрида бўлиши инсон камолоти учун зарур, аммо носутий боғланишлар меъёрдан ортиқ, ҳаддидан кўп бўлса тавҳидга моненьлик қилишини Хожа Аҳрор таъкидлайди.

Носут олам – моддий, жисмоний, касиф нарсаларни кўрганда улар инсон учун яралганини англаш, уларда илоҳий қудрат ва гўзалликни зухурротини кўриш ва қалбда вожиб ал вужудни

²⁵⁹ Ўша асар. 61-бет.

²⁶⁰ Ўша асар. 62-бет.

²⁶¹ Ўша асар. 69-бет.

²⁶² Ўша асар. 69-бет.

улуғламоқ лозимдир. Инсон ниёзмандлик, шикасталик, фақр, камтаринлик билан борлиққа қараса фоний бўлади. Асл сабаб бўлган Ҳаққа майлу-муҳаббати бўлади. Инсон вужуд – шу жумладан ўз вужудидан ҳам кечиб, Ҳақдан – аслдан огоҳ бўлади. “Камолот, Ҳақдан бошқани ҳеч ҳам кўрмаса, шунда дейдилар. Баъзилар камолни шунда билибдиларки, Боқий таолонинг шухуди касратда муяссар бўлади. Бу маъно касратда муяссар бўлади. Бу маънони касратда “Аҳадияти жамъ” ва “Вужуд шухуди аҳадият” деб номлаганлар.”²⁶³

Маълум бўладики, Хожа Аҳрор ҳам Ибн Арабий каби бутун оламни “касрат” ва “вахдат” тушунчалари билан изоҳлаганлар. Улар касратни мавжуд, яратилган, халқ қилинган, аммо Ҳақ Жамолу Жалолини тажаллийси деганлар. Шунинг учун касрат – кўплик, мавжуд, кўриниб турган борлиққа яхши, басират кўзи билан, мушоҳада, муроқаба билан қаралса вахдатни ўзини кўрадилар, чунки улар моҳиятан бир ва бордирлар. Бу ҳолатни Хожа Аҳрор қуйидагича изоҳлайди:

Ту мабош асло, камол ин асту бас,
Рав дар ў гум шав, висол ин асту бас.

Мазмуни:

Сен ўртадан кетгин, фоний бўл, камол шудир,
Боргин унда (Ҳақда) нест бўл, висол шудир.

Демак, Хожа Аҳрор асарларида борлиқдаги бор нарсалар “касрат” ва “вахдат”, “фоний” ва “боқий”, “ўзгарувчан” ва “ўзгармас”, “сароб” ва “асл” сифатида таҳлил этилган ва инсон касратга йўқлик, фано кўзи билан қараса, вахдат, тавҳид, аҳад мақомига етиши, ўзгарувчан, беқарор нарсалардан ўзгармас, боқий, асл нарсага боғланиб, оламда ўз ўрнини топа олиши мумкинлиги қайд этилган. “Ҳақиқий саодат синиқликда, фақирликда, ўзлигидан йўқликда, ўзидан огоҳликдадир”²⁶⁴ дейди Хожа Аҳрор.

Умуман Хожа Аҳрор вахдати вужудни изоҳлашда асосий тушунчалар вужуди вожиб, вужуд, шухуд, вусул, ҳузур, ишқ, маҳбуб, маъшук, қурб, шоҳид, машҳуд кабилардан фойдаланган.

Вахдати вужудни изоҳида Хожа Аҳрор “шоҳидлик ҳамда машҳудлик васфи ўртадан кўтарилган”,²⁶⁵ деб тавҳид, вахдат ва идтиҳод мақоми билан изоҳлайди. Вахдати вужудни нақшбандийлар

²⁶³ Ўша асар. 77-бет.

²⁶⁴ Ўша асар. 89-бет.

²⁶⁵ Ўша асар. 102-бет.

“хамма удир” деганлар. Мазмуни “дунё Худодир” бутун борлик илохий субстанциядан иборат. Худо асосий борлик бўлиб, бор мавжудотларда унинг Жамоли – гўзаллиги ва Жалоли – куч-қудрати тажаллий этади. Ҳар бир нарсада Худони кўриш ва Худо барча нарсаларда ифодаланади дейиш бутун борлик Оллоҳ нури, жилоси, зуҳуроти эканлигини англашдир. Оллоҳ ўз камолини унда акс эттирган, шунинг учун бутун борлик, жонсиз, жонли, инчунин инсон Оллоҳ зуҳури экан, барчаси эъзоз ва улуғланишга лойиқ.

Демакки, ваҳдати вужуд таълимоти орқали Ибн Арабий ва бошқа мутафаккирлар – Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Порсо, Жомий, Навоий ва Хожа Аҳрор бутун борликни – инсонни, моддий олам – табиатни, мавжуд ҳаётни, ундаги бор, мавжуд нарсаларни илохий деб қадрлашга чақирганлар. Бу ғоя инсонпарварлик, халқпарварлик, ҳаётни қадрлаш, бутун Ер юзи ва атроф муҳитни асрашни тарғиб этувчи таълимотдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хожа Аҳрор Ибн Арабий таълимоти билан таниш бўлган, унинг асарларини ўқиган, рашҳаларида уларга иқтибослар келтирган, унинг ваҳдат ул-вужуд таълимоти таъсирида эканлигига “Фиқаротил-орифин” – “Фикроти Аҳрорийя” асари далилдир.

Хожа Аҳрор ва Ибн Арабийнинг фикрларида ҳозирги кун учун зарурий қуйидаги бунёдкор ғоялар намоён бўлади:

- Жонсиз табиатга инсон амал ва ахлоқи таъсир этар ва у ҳам инсонга акс таъсир қилар экан. Бутун табиат, инчунин жонсиз табиатни ҳам илохий неъмат билиб, ҳар зарра тупроқни асраб, авайлаш лозим. Покиза муносабат муҳитни пок қилиб, инсоний муносабатларни ҳам покиза бўлишига олиб келади. Табиатга бундай муносабат глобал муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

- Бутун борлик, инсон, хусусан унинг қалбининг тараққиёти, яъни камолоти учун илму маърифат зарурдир. Яъни инсон бутун борликни асл сабаб ва моҳиятидан огоҳ, воқиф бўлиши учун илм керак.

- Инсон ҳамиша баланд ҳимматли бўлиб, сабй-ҳаракат, ғайрат қилиши лозимки, унинг бугунги ҳолатидан эртанги ҳолати яхшироқ ва даражаси тоза-покизароқ бўлсин, ҳолати эзгуликка томон юксалсин.

- Тажаллий – бутун борлик Оллоҳ Гўзаллиги ва куч қудратини зоҳир этишидир. Бу бутун борлик илохий деганидир. Шундай экан у эъзоз, улуғланишга лойиқдир. Бутун борликни асраш-авайлаш зарур.

- Инсон ўзини англаши, маърифатли бўлиши учун сафар шарт эмас, чунки бутун замон, макон илоҳийдир. Асосийси инсон ўз-ўзини, нафсини таниб олиши лозим.

- Инсон қалбида носут ва лоҳут олам, моддий ва руҳий нарсалар тўқнашади. Инсон қалбигина бутун борлиқни аҳад, ваҳдат ҳолатида биладди. Чунки қалб шундай мавзе, шундай маконки, унда бутун борлиқ сиғади, шундай кўзгуки, Оллоҳ тажаллий этади. Мақсад инсон ўз қалбини асраши ва бировни қалбини ҳам эъзозлаши шарт.

- Дунёдаги бор нарсалардан инсон меъёрда фойдаланиши зарур. Бунинг учун инсон тана ва руҳни талабаларига уйғун қараб, бир хил муносабатда бўлиш лозим.

- Борлиқ – касрат ва ваҳдат бирлигидир. Инсон касратда ваҳдатни кўра олиш, тавҳид, ваҳдат, идтиҳод даражасига етиши лозим. Бунинг учун баланд ҳимматли бўлиш керак ва асл, илоҳий моҳиятга боғланиши, риё, кибр, тамадан йироқ бўлиши зарур.

ХУЛОСА

Жаҳоншумул аҳамиятга эга нақшбандия таълимотидаги тасаввуфий тушунчаларни вужудга келиши ва такомиллашувида илк тариқатлар ва уларнинг асосчиларининг хизмати катта. Хужвирийнинг “Кашф ул-маҳжуб” асарига асосланиб, биз нақшбандия ва илк тариқатлардаги ғоя ва тушунчаларни қиёсий таҳлил этиб қуйидаги хулосаларга келдик:

- Нақшбандия таълимоти тасаввуф тарихида ўз нафсини тарбиялаш, ўз-ўзини назорат этиш муроқабаси, мушоҳадаси, муҳосабасига асосланган йўл сифатида танилган. Нақшбандиядаги муҳосабаси тушунчаси илк тариқатлардан бўлган муҳосибия орқали кириб келган.
- Нақшбандияда чин ихлос хос бўлиб, уларнинг мақсади Оллоҳ ризолигидир. Ризо мақоми нақшбандлар учун асосийдир. Ризо тушунчаси ҳам бу тариқатда муҳосибийлардан мерос бўлган.
- Нақшбандия йўли учун вақтни ғанимат билиш, ҳар нафас, ҳар онни асраш, уни эзгуликка сафарбар этиш, “вукуфи замоний” – замон, вақтдан огоҳ бўлиш рашҳаси асосий тамойилдир. Бу тушунчаларнинг ҳам илдизи муҳосибиядан озикланади.
- Нақшбандияда фаол турмуш тарзи, риёсиз ҳаёт, чин ихлос ва садоқат, хуфия зикрни шаклланишида қассория – маломатия йўлининг таъсири сезиларлидир.
- Нақшбандия хушёрлик йўлининг изчил давомчисидир. У жунайдиянинг саҳв-хушёрлик таълимотига содиқ қолган. Бу таълимотнинг асоси “Хуш дар дам” рашҳасининг илдизи жунайдия ғояларига бориб тақалади.
- Нақшбандия инсон камолоти учун фано ва бақо ҳолатларига махсус эътибор қаратган. Фано тушунчаси илдизи тайфурия, бақо тушунчаси жунайдияга бориб тақалади. Инчунин харрозия таълимотида ҳам бу тушунчалар муҳим саналган.
- Нақшбандия учун “хилват дар анжуман” тамойили асос бўлиб суҳбат бу тариқат аҳли учун хосдир. Суҳбат тушунчаси илк тариқати бўлган нуриядан кириб келгандир.
- Нақшбандия “вукуфи қалби” қалбдан огоҳ бўлишни тариқатнинг олий мақоми деб билади. Қалб тарбиясида нафс мужоҳадаси ва риёзатининг аҳамиятини илк бора саҳлия тариқати аҳли айтиб ўтганлар.

- Нақшбандиядаги валий тушунчасини шаклланишида ҳақимия тариқати ғоялари асос бўлган.
- Нақшбандия таълимотидаги огоҳлик, хузур билан боғлиқ “ёдкард”, “бозгашт”, “нигоҳдошт”, “ёддошт” рашҳаларининг илдизи ҳафифия таълимотига бориб тақалади.
- Нақшбандиянинг борлиққа оид қарашлари, тавҳид, касрат, ваҳдат, бесифатлик, бенишонлик, бениҳоялик “вуқуфи адади” – адад, сондан огоҳлик тушунчалари илдизлари сайёрия тариқатига хос жамъ ва фарқ тушунчалари асосида шаклланган.

Нақшбандия тушунчаларини вужудга келиши ва шаклланишида Абдулҳолиқ Гиждувоний асослаган хожагон, Аҳмад Яссавий асослаган яссавия, Абдулқодир Гилоний асослаган қодирия ва Нажмиддин Кубро асослаган кубравия тариқатларининг ўрни катта.²⁶⁶

Жаҳон тан олган буюк сўфий мутафаккирлари Абу Саид Абул Хайр, башариятга “Маснавийи Маънавий”ни ҳадя этган буюк Мавлоно Жалолиддин Румий ваҳдати вужуд таълимотининг асосчиси Ибн Арабий асарлари ҳам нақшбандия тушунчалари шаклланишининг сарчашмалари бўлган.

Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, илк ва мумтоз тариқатлар яхлит тизим бўлиб, бир-бирлари билан мустаҳкам боғланган. Тасаввуфий тушунчалар илк тариқатларда вужудга келиб, туғилиб, кейинги мумтоз тариқатларда аста-секин бойиб, такомиллашиб борган. Бутун жаҳон тан олган мутафаккирларнинг ғоялари нақшбандия учун сарчашма бўлган. Бу тушунчалар ҳозирги кунда ҳам юксак маънавиятли инсонни тарбиялаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

²⁶⁶ Қаранг. Наврўзова Г. Нақшбандия – камолот йўли. Т.: Фан, 2007. 34-82-бетлар.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. - 327 б.
2. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: Ўзбекистон.1999.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.,”Ўзбекистон”, 2000.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т., “Ўзбекистон”, 2000.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
7. Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва Раҳмоний файзни қозониш. Биринчи китоб. /Масъул муҳаррир Тўлқин Ийсо ўғли. Т.:Мовароуннаҳр, 2005.
8. Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва Раҳмоний файзни қозониш. Иккинчи китоб. /Масъул муҳаррир Тўлқин Ийсо ўғли. Т.:Мовароуннаҳр, 2006.
9. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1993.
10. Акимушкин О. Абу Саид Майхани./Ислам Энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991. С. 10-11.; Олимов К. Хорасанский суфизм. Душанбе. 1994. 47-52-бетлар.
11. Али ибн Усман аль-Джулаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль кулуб). /Перевод с английского А.Орлова, Изд. Перв. – Москва: Единство, 2004.
12. Аликулов Х. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. 59 б.
13. Алишер Навоий. Насоимул муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17 том. Т.: Фан, 2001.
14. Баркамол авлод орзуси// Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов. – Тўлдирилган 2-нашри. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2000. 248-б.
15. Бухорий С.С. Икки юз етмиш етти пир. Бухоро: Бухоро, 2006.
16. Бобохонов Ш., Мансур А. Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Т.: Мовароуннаҳр, 1993. 127 бетлар.

17. Жалолоддин Румий. Маснавийи Маънавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб./Таржимон Асқар Маҳкам. Шарқ, муаллифлари Обиддин Пошшо, Карим Замоний, Асқар Маҳкам. Т.: Шарқ, 1999. 368 бет.
18. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.: 2001.
19. Имом Абу Абдурахмон ас-Суллами. Табақоти суфиййа. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2004. 91 бет.
20. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ / З.Хусниддинов таҳрири остида – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2003.
21. Кньш А. Қалб. /Ислам энциклопедический словарь. Москва: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. 131-бет.
22. Кньш А.Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. Москва – Санкт-Петербург. “Диля”, 2004.
23. Комил инсон хақида тўрт рисола. Фаридуддин Аттор, Султон Валад, Азизиддин Насафий, Хусайн Воиз Кошифий ижодидан намуналар. /Форс-тожик тилидан Н.Комилов тарж. Т.: “Маънавият” 1997.
24. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи.К.1.Т.: “Ёзувчи”,1996.
25. Комилов Н. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
26. Мавлоно Жалолоддин Румий. Маснавийи Маънавий. Биринчи китоб./Форсийдан Камол Ж. таржимаси. Т.: Фан, 2005. 368 бет.
27. Маҳдуми Аъзам. Рисолаи вужудия (Вужуд ҳақида рисола) /Таржимон, тўпловчи ва мақолалар муаллифи Наврўзова Г.Н., Зоиров Э.Х. Бухоро: Бухоро, 2006. 99 бет.
28. Мудрость суфиев /Пер. с персид. О.М.Ястребовой, Ю.А.Иоаннесяна, Б.М.Бабаджанова. – СПб.: Азбука; Петербургское Востоковедение, 2001. – 448 с.
29. Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. Тошбосма.
30. Муҳаммадходжаев А. Идеология накшбандизма. Душанбе: Дониш, 1993.
31. Навоий асарлари луғати. Т.: 1972. 781 бет.
32. Наврўзова Г.Н. Вақтнинг тасаввуфий талқини.//Фалсафа ва ҳуқуқ – 2009. №3 – 21-23-бетлар.
33. Наврўзова Г.Н. Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 232 б.

34. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. Т.: Фан, 2007. 189 бет.
35. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти. Бухоро: Бухоро, 2008. 40 бет.
36. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 174 бет.
37. Наврўзова Г.Н. Ҳазрат Азизон камолотга етишишнинг ўн шарт хусусида. Бухоро: 2007.
38. Наврўзова Г.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. 133 бет.
39. Сержило тафаккур дурдоналаридан. Т.: Наврўз, 2003. 320 бет.
40. Тримингэм Ж.С. Суфийские ордены в исламе. //Перевод с англ. А.А.Ставиской, под редакцией с предисл. О.Ф.Акимускина. Москва. Наука Глав.ред.вост.лит-ры, 1989.
41. Турар У.Тасаввуф тарихи. Т.: Истиклол, 1999. 180 бет.
42. Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров) – Т.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси. Бош таҳририяти, 2004.
43. Фарҳанги забони тожики. Том 1,2. Москва: 1969.
44. Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. /Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат-изоҳлар муаллифи О.Жўрабоев. – Т.: Моварауннаҳр, 2005.
45. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. //Таржимон ва нашрга тайёрловчи Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. Т.: Моварауннаҳр, 2004 й 263 бет.
46. Шарипова О. Абдулҳолик Ғиждувоний ҳаёти ва тасаввуфий мероси. Т.: Фан, 2008. 118 бет.
47. Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари)Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. 535 бет.
48. Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. //Таржимон Садриддин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний. Т.: Наврўз, 1994. 16 бет.
49. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004, 385 бет.
50. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. Абдуҳолик Ғиждувоний – мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.:2003.

51. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-хаёт) /Таржимон ва сўзбоши муаллифлари Сайфидин Сайфуллох, Нодирхон Ҳасан. Т.: Янги аср авлоди. 2003. 64 бет.
52. Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 235 бет.
53. Юнусова Г.С. Абдулқодир Гийлоний ва қодирия таълимоти. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 168 бет.
54. Юрген Пауль. Доктрина и организация Хваджаган – нақшбандийа в первом поколении после Баҳауддина. /Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Санк-Петербург: Наука, 2001. С. 160.
55. Ғаззолий, Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад. Ихёу улумид-дин. Биринчи китоб. Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
56. Ғиждувоний Абдуҳолик. Васиятнома. // Зикри Қалб Султони (Бадий, тарихий тўплам) /Тўпловчи ва таржимон Ибодат Ражабова. 1-қисм. Бухоро: “Бухоро”, 2003. 151-153 – бетлар.
57. Ҳазратқулов М. Тасаввуф. Душанбе: Дониш, 1990.
58. Ҳамроева Д. “Маснавий” шарҳлари.//Сино – 2008 – №30 - 35-40-бетлар.
59. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Т.: Янги аср авлоди, 2007. 372 бет.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ – БАРКАМОЛЛИК АСОСИ	13
II БОБ. НАҚШБАНДИЯ ВА ИЛК СЎФИЙ ТАРИҚАТЛАРИ	25
<i>1. НАҚШБАНДИЯ ВА МУҲОСИБИЯ</i>	<i>25</i>
<i>2. НАҚШБАНДИЯ ВА ҚАССОРИЯ</i>	<i>47</i>
<i>3. НАҚШБАНДИЯ ВА ТАЙФУРИЯ</i>	<i>60</i>
<i>4. НАҚШБАНДИЯ ВА ЖУНАЙДИЯ</i>	<i>65</i>
<i>5. НАҚШБАНДИЯ ВА НУРИЯ</i>	<i>74</i>
<i>6. НАҚШБАНДИЯ ВА САҲЛИЯ</i>	<i>83</i>
<i>7. НАҚШБАНДИЯ ВА ҲАКИМИЯ</i>	<i>98</i>
<i>8. НАҚШБАНДИЯ ВА ХАРРОЗИЯ</i>	<i>109</i>
<i>9. НАҚШБАНДИЯ ВА ҲАФИФИЯ</i>	<i>115</i>
<i>10. НАҚШБАНДИЯ ВА САЙЁРИЯ</i>	<i>119</i>
III БОБ. БУЮК СЎФИЙ МУТАФАККИРЛАР ВА НАҚШБАНДИЯ	122
<i>1. АБУ САИД АБУЛ ХАЙР ВА ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ</i>	<i>122</i>
<i>2. МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ВА ХОЖА АҲРОР</i>	<i>128</i>
<i>3. ИБН АРАБИЙ ВА ХОЖА АҲРОР</i>	<i>139</i>
ХУЛОСА	149
Фойдаланган адабиётлар рўйхати:	151

Наврўзова Гулчеҳра Неъматовна
Рахматова Холида Холиқовна

НАҚШБАНДИЯ ТУШУНЧАЛАРИ ГЕНЕЗИСИ

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси
институту Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия
этилган.

МУҲАРРИР: К.Норматов

КОМПЬЮТЕРЧИ: Р.Джумаев

МУСАҲҲИҲ: Р.Джумаев

Мазкур асар “Бухоро” нашриётида чоп этиш учун тайёрланди.

Босишга рухсат этилди: 11.01.2010. Буюртма №138
Бичими 84/108. Ҳажми 9.5 босма табоқ. Адади 300

«Techno-tasvir» босмаҳонасида чоп этилди.